

85.0113
Г-13

МАҲМУД ГАДАЙШАЕВ



БОЗОР
МУВОЗАНАТИНИ
ТАЪМИНЛАШ
НАЗАРИЯСИ

85.0115
f-13.

МАҲМУД ГАДАЙШАЕВ

**БОЗОР
МУВОЗАНАТИНИ
ТАЪМИНЛАШ
НАЗАРИЯСИ**

ЎЗБЕК ИСТИҚЛОҚ
НАЗАРИ

“Ниҳол” нашриёти
Тошкент — 2008

TS/OU ARM
№ 31462

ГАДАЙШАЕВ М.А. БОЗОР МУВОЗАНАТИНИ ТАЪМИНЛАШ НА-
ЗАРИЯСИ. — Тошкент, Ниҳол нашриёти, 2008 - 136 бет.

Монография миллий иқтисодийetni шакллантириш ва ривожланти-
риш жараёнида бозор мувозанатининг назарий асослари, мезонлари,
бузилиш сабаблари ва уни таъминлаш, давлат томонидан тартибга со-
лиш механизмига оид масалаларга бағишланган.

Китобда бозор мувозанатига таъсир қилувчи омиллар таҳлил қили-
ниб, уларнинг таъсирини камайтириш ва самарали бозор мувозанати-
ни таъминлаш бўйича таклифлар ҳамда тавсиялар берилган.

Ушбу монография раҳбар ходимлар, иқтисодий йўналишдаги олий
ўқув юртлари бакалавр ва магистрлари, аспирантлар ҳамда кенг китоб-
хонлар оммасига мўлжалланган.

*Термиз Давлат университети Илмий кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган*

Илмий муҳаррир:

Ш.Шодмонов, *Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган иқтисодчи, иқтисод фанлари доктори, профес-
сор.*

Тақризчилар:

Т.Т.Жўраев, *иқтисод фанлари доктори,*
Н.С.Ҳасанов, *иқтисод фанлари номзоди.*

© “Ниҳол” нашриёти.

СЎЗ БОШИ

Миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг стратегик йўналиши бозор муносабатларининг етуқлиги ва унинг хўжалик амалиётига татбиқ этилиши билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг ҳозирги босқичи бозор муносабатларининг ҳар бир соҳага жадал суръатлар билан кириб бориши, чуқурлашуви ва кундан-кунга такомиллашиб бораётганлиги билан ажралиб туради.

Мустақил мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлиги, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти олдида обрўсининг тобора юксалиши ва ташқи сиёсат борасидаги қўлга киритилаётган ютуқлар замирида Муҳтарам юртбошимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтиш стратегияси ва тактикасининг амалиётга оқилона татбиқ этилиши десак, бу айтиш ҳақиқатдир.

Маълумки, инсоният иқтисодий тизимлар ичида бозор тизимиданда ақлли, самарали ва оқилона иқтисодий тизимни кашф эта олгани йўқ. Чунки, бозор иқтисодий тизимнинг асосий қисмини ич-ичидан, ўзини ўзи тартибга солиш қудратига эга. Бошқа бирорта иқтисодий тизим бундай куч-қудратга эга эмас.

Бозор иқтисодиёти тизимида эса бозор мувозанати мазкур тизимнинг ўзаги ва асоси ҳисобланади. Чунки, ишлаб чиқарилган товарларни ҳажм ва таркиб жиҳатдан истеъмолнинг ҳажми ва таркибига мос келишни таъминлаш ёки яқинлаштириш азалий иқтисодий муаммо саналади. Мазкур муаммонинг икки жиҳати, яъни ишлаб чиқариш ва истеъмол ўзида таклиф билан талабни акс эттиради ҳамда намоён қилади.

Бозор мувозанати — бу бозор иқтисодиётининг турли соҳалари ва сигментларидаги таклиф билан талабнинг мос келишидир. Демак, бозор мувозанатини таъминлаш ишлаб чиқаришни имкон қадар истеъмолга яқинлаштириш, истеъмолчиларнинг танлаш каби устивор ҳуқуқларини реализация қилиш билан боғлиқ мураккаб муаммолар тизимини ўз ичига олади.

Ёш, иқтидорли иқтисодчи олим Маҳмуд Гадайшаевнинг “Бозор мувозанатини таъминлаш назарияси” номли монографияси бир томондан юқорида зикр этилган мураккаб масалага бағишланганлиги билан, иккинчи томондан эса, дунё иқтисодиёти молиявий инқирозни бошидан ўтказётган бир даврда ёзилганлиги билан ғоят долзарб саналади. Чунки, халқаро иқтисодиётдаги кузатилаётган молиявий инқироз у ёки бу соҳадаги бозор мувозанатининг бузилганлиги билан бевосита боғлиқ.

Муаллифнинг бозор мувозанатини таъминлаш каби мураккаб муаммонинг назарий ва ундан келиб чиқадиган амалий жиҳатларига дадил қўл ўрганини қутлаган ҳолда келгуси илмий ишларига каттадан-катта зафарлар тилаймиз.

Ўзбекистон хизмат кўрсатган
иқтисодчи, и.ф.д., профессор
Ш.Шодмонов

МУҚАДДИМА

Мамлакатимизда миллий иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнлари барқарор иқтисодиётни шакллантириш «... аввало иқтисодиётда макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш, иқтисодий ўсишда етакчи ўрин тутиши лозим бўлган ишлаб чиқариш, соҳа ва тармоқларни ривожлан-тириш»¹ орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилашни талаб этмоқда. Ушбу вазифани ҳал этишда ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида бозор мувозанатини таъминлашга эришиш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига асосланган хўжалик юритиш тизимида бозор мувозанатининг етарли даражада таъминланмаслиги мамлакатда қутилмаган иқтисодий инқирозлар ва ларзалар содир бўлишига, ишсизлик ва инфляция даражасининг ошиб кетишига, чекланган табиий ва иқтисодий ресурслардан самарасиз фойдаланишга олиб келади ва мамлакат аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Айни пайтда миллий иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан уни қайта ишлаш саноати, лойиҳадаги ишлаб чиқариш қувватлари билан амалда фойдаланаётган қувватлар ўртасида мувозанатлилик ҳолатлари таъминланма-япти.

Шунингдек, мамлакатда чекланган иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш, мулкдорлар синфини, соғлом рақобат муҳити ва бозор баҳосини шакллантириш,

¹ Каримов И.А. «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим». Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. “Халқ сўзи”. 11 февраль 2006 й.

маҳсулотларнинг рақобатбардошлигига эришиш каби қатор муаммоларни ҳал этиш иқтисодиётда бозор мувоза-натининг таъминланганлиги ҳолатини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

1-БОБ. БОЗОР МУВОЗАНАТИ ВА УНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Бозор мувозанати тушунчаси

Кишилик жамиятида ялпи ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқариш жараёнининг мавжудлиги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ва таркиби билан эҳтиёжлар ҳажми ва таркиби ўртасида мувозанатни таъминлаш заруриятини келтириб чиқаради. Инсонлар эҳтиёжининг чексизлиги ва аҳоли сонининг йилдан-йилга ортиб бориши ишлаб чиқариш ҳажми ва миқдорини кўпайтиришни тақозо этади. Шу боис жамиятда узлуксиз ортиб борувчи эҳтиёжларни қондириш билан ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги муайян мувозанатни таъминлаш ҳамиша долзарб масала ҳисобланади. Мазкур мувозанат ғоятда серқирра бўлиб, унинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатлари мавжуд. Ушбу жиҳатлар бир-бирига боғлиқ, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи ҳамда тақозо этувчи жараён ҳисобланди. Дарҳақиқат, бозор мувозанатини таъминлаш назариялари ҳақида сўз юритишдан олдин “мувозанат” сўзининг моҳиятини тўлиқ англаш зарурдир. Мувозанат – табиат, жамият ва коинотда содир бўладиган барча жараёнлар, воқеа ва ҳодисаларнинг бир-бирига боғлиқлиги, сифат жиҳатдан ўзаро мутаносиблиги ҳамда миқдоран тенглигидир.

Биз яшаб турган табиат ва жамиятдаги жараёнлар, воқеалар, ҳодисалар стихияли ва тартибсиз ҳолатда рўй бераётгандек кўринса-да, аслида уларнинг барчаси маълум бир қонуниятлар асосида содир бўлади, «кўринмас қўллар» орқали тартибга солиб турилади. Масалан, ресурсларга бўлган эҳтиёж ва уларнинг реал ҳаётдаги мавжудлиги, ишлаб чиқариш ва истеъмол, инфляция ва ишсизлик ҳамда

бошқалар ўртасида маълум мувозанатлик мавжуд бўлиб, улар кимнингдир истаги ёки хоҳиши асосида кескин қўпайиб ёки камайиб кетмайди, яъни маълум мувозанатда такрор ва такрор намоён бўлаверади. Албатта, ушбу мувозанат айнан бир нуқтада узоқ вақт барқарор сақланиб турмайди, балки шу нуқтадан кескин узоқлашмаган ҳолда маълум меъёрлар асосида тебраниб туради. Ушбу тебранишнинг мувозанат нуқтасидан кескин равишда узоқлашиши унинг бузилишига ва оқибатда иқтисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатлар турли табиий офатлар, уруш ва бошқа омиллар таъсирида рўй беради.

Мухтасар қилиб айтганда, жамиятда рўй бераётган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнлар маълум мувозанатлар асосида ўзаро боғлиқликда, бири иккинчисини инкор этмаган ҳолда содир бўлади. Физика қонунларига кўра, бордан йўқ бўлмайди, йўқдан бор бўлмайди, зеро улар узвий ҳаракат, рақобат, кураш, табиий шароит, муҳит ва яшашга бўлган интилиш натижасида ўзининг шаклини ўзгартирган ҳолда ривожланиб боради. Ушбу назарий ғоянинг моҳияти ўта чуқур бўлиб, унинг учун мутлоқ ва ўзгармас характердаги бирор-бир иқтисодий категория ва миқдор ўлчовлари мавжуд эмас, уларнинг барчаси нисбийдир. Чунки уларнинг асосида жамиятда яшаётган кишиларнинг чексиз эҳтиёжлари ётади. Пул билан таъминланган ҳар қандай эҳтиёж талаб ҳисобланади. Бозор муносабатлари амал қилаётган жамиятда товар ишлаб чиқарувчиларнинг асосий мақсади талабни қондириш бўлиб ҳисобланади. Талаб ва таклиф ўртасидаги тенгликни таъминловчи механизм сифатида бозор нархи майдонга чиқади ва у мувозанатли нарх деб аталади.

Талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносибликнинг таъминланиши бозор мувозанатини таъминлашнинг муҳим омил бўлиб юзага чиқади. “Бозор мувозанати” тушунчаси “мувозанат” тушунчасига нисбатан торроқ, лекин нисбатан аниқроқ бўлиб, у иқтисодиётда маҳаллий ва миллий

бозорлардаги таклиф ва талабнинг тенглашган ҳолатини билдиради.

Бозор мувозанати тўғрисидаги илмий қарашлар ривожининг муносиб тарихига эга бўлиб, классик, неоклассик ҳамда кейнчилик мактаби вакиллари томонидан изчил ўрганилган.

Классик ва неоклассик мактаб вакиллари (Ф.Кенэ, А.Смит, А.Маршалл, Ж.С.Милл, Ж.Сэй, Л.Вальрас, В.Парето ва бошқалар) иқтисодиётни бозор механизмлари «автоматик равишда» тартибга солиб туради, деган ғояни илгари сурдилар, улар иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг аралашувини инкор этдилар.

Классик мактаб вакиллариининг назарий қарашларида бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг иштироки кўзда тутилмайди. Яъни уларнинг таълимотига кўра, иқтисодиётни бошқаришда ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги муносабатлар бозор механизмнинг дастаклари бўлган талаб ва таклиф, бозор нархи, рақобат, фоиз ставкалари асосида тартибга солиб борилади. Мазкур бозор механизми ўзини-ўзи тартибга солувчи ва ривожлантирувчи иқтисодий восита сифатида эътироф этилди. Классиклар илмий назарияларининг умумий макроиқтисодий моделига кўра «ишлаб чиқариш - харажатларни аниқлайди»².

Классик мактаби физиократлар йўналишининг асосчиси Франсуа Кенэ ўзининг «Иқтисодий жадвал» асарида такрор ишлаб чиқариш қўшимча харажат (инвестиция)лар ҳисобига узлуксиз янгилашиб туради, деб таъкидлайди.³ Унинг таълимотига кўра, қишлоқ хўжалигида ёлланган ишчилар томонидан яратилган маҳсулот ер эгаси, савдогар ва ҳунармандлар учун истеъмол манбаи бўлиб ҳисобланади. Демак, У.Петтининг талқинича, жамиятда ярати-

² Ивашковский С.Н. Макроэкономика. —М.: Дело, 2002. - 38 с.

³ Ядгаров Я.С. История экономических учений. —М.: ИНФРА-М, 2001. - 98 с.

лаётган бойликнинг манбаи қишлоқ хўжалиги тармоғи ва унинг асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ердир.⁴ Ушбу иккита элемент жамият аъзоларининг ҳаёт кечиришида, бойишида ва ишлаб чиқариш билан истеъмолга мос равишда ялпи талаб билан ялпи таклиф ўртасида мувозанатни таъминлашда асосий омил ҳисобланади.

Классик мактабнинг асосчиси, таниқли инглиз иқтисодчиси Адам Смит (1729–1790) «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида» номли асарида талаб билан таклиф ўртасидаги мувозанатга эришиш бозор механизми, «қўринмас қўл» қоидалари ва «табiiй тартиблаш» тизими ёрдамида амалга оширилиши мумкин, деб эътироф этади.⁵ Унинг таълимотига кўра, одамлар ўзининг шахсий манфаатларини қондириш мақсадида ўзаро иқтисодий ва ижтимоий муносабатга киришиши натижасида бозор мувозанати таъминланади.

А.Смит «Пул – муомаланинг буюк гилдираги» асарида бозор мувозанатини таъминлашда молия-кредит соҳасининг ролини старли даражада ёритиб беришга эришган. Физиократлар таълимотида илгари сурилган солиқни фақат меҳнат, капитал ва ерга юклатиб қўймасдан, уларни маълум нисбатлар асосида барча мол-мулкка тақсимлаш лозимлигини эътироф этади. Шунингдек, солиқларни тўлаш муддатини аниқ белгилаб қўйиш, агар тўлов муддатлари кечиктирилса, тўлов кечиктирилган кунлар учун санкциялар қўлланиши лозимлигини таъкидлайди.⁶ Агар бозор иқтисодиёти шароитида солиқ тўловларининг мамлакат иқтисодиётида тутган аҳамиятига эътибор берадиган бўлсак А.Смитнинг ушбу таълимоти ҳозирги кунда ҳам ўзининг долзарблигини сақлаб келмоқда.

Бундан ташқари, А.Смит бозор нархи назариясини

⁴ Ядгаров Я.С. История экономических учений. –М.: ИНФРА-М, 2001. – 87 с.

⁵ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, 1962. – С.331-332.

⁶ Смит А. Деньги – это великое колесо обращения. –М.: 1962. – 25 с.

ишлаб чиқиб, унинг ишлаб чиқариш ва бозордаги таклиф билан чуқур боғлиқликда бўлишини асослаб берди. Унга кўра, бозор механизми тўлиқ бандлик ва рақобат муҳитида тебраниб турувчи бозор нархи, иш ҳақи ва фоиз ставкаси ёрдамида жамият миқёсида талаб ва таклифнинг мувозанатини таъминлайди. Иқтисодиётда рўй бераётган инкироз ва табиий офатлар маълум даражада нархнинг мувозанатдан четлашувига олиб келади. Бунинг натижасида маълум давр давомида бозор номувозанатлиги вужудга келади.

Бозор мувозанати ҳақидаги тушунчани иқтисодий муомалага дастлаб Альфред Маршалл (1842-1924) киритди. Унинг фикрича, бозорда иккита катта гуруҳ - бозор талабини вужудга келтирувчилар, яъни сотиб олувчилар ва бозор таклифини шакллантирувчилар, яъни сотувчилар бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда фаолият юритади. Мувозанат деганда шундай ҳолат назарда тутиладики, бозорнинг барқарор даражаси таъминланади, яъни талаб ва таклиф ўртасида ўзаро тенглик вужудга келади. Бу жараёнда бозор иштирокчиларининг кўпчилиги сотиш ва сотиб олиш шартларини ўзгартиришга эҳтиёж сезмайди, яъни унинг ўзгаришидан сезиларли манфаатдорлик кўрмайди. Ушбу жараён жамиятда фан техника тарққиёти (ФТТ) нинг ривожланишига хавф солади, чунки ишлаб чиқарувчилар яратган маҳсулотига етарли даражада таклиф мавжуд бўлиб, уларнинг иқтисодий манфатдорлигини қондиришга кифоя қилади ва ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга бўлган ортиқча эҳтиёжнинг шаклланишига тўсқинлик қилади.⁷

А.Маршалл, А.Смит каби бозор мувозанатини таъминлашда нархнинг муҳим роль ўйнашини таъкидлаб, бозорда таклиф этилаётган товарлар ва хизматлар билан талаб ўртасидаги мувозанат бозор нархи асосида таъминлани-

⁷ Тарануха Ю.В., Земляков Д.Н. Микроэкономика. –М.: Дело и сервис, 2002. - 28 с.

шини эътироф этади. Талаб билан таклиф мувозанатли ҳолатда бўлса, вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган товарлар миқдори мувозанатли миқдор, товарлар сотилган нарх эса мувозанатли нарх ҳисобланади.

Таклиф этилаётган товарларнинг миқдори ва уларга бўлган талабнинг ўзгариши натижасида мувозанатли нарх доимий тебраниб туриш хусусиятига эга бўлиб, ўзининг дастлабки мувозанатли ҳолатига қайтишга интилаверади. А.Маршалл ушбу назарияга асосланган ҳолда бозор мувозанатини таъминлашда бозор нархининг аҳамияти ва ролини очиб берди.

Ж.С.Милль (1806–1873) классик мактаб вакилларининг бозор иқтисодиёти ҳақидаги ғояларини яқунлади ва унинг «Сиёсий иқтисоднинг асослари ва унинг ижтимоий философияга ўғриладиган баъзи жиҳатлари» (1848) асарида бозор мувозанатини таъминлашда пулнинг «нейтраллиги» концепциясини яратди.⁸ У пулни айрибошлаш жараёнини энгиллаштирувчи дастак сифатида талқин этди. Ж.Кейнс ва унинг давомчилари классиклар мактабининг вакили Ж.С.Миллнинг пулнинг «нейтраллиги» ҳақидаги назариясига шубҳа билан қараб, пул реал ишлаб чиқаришга нисбатан нейтрал муносабатда, деган ғоясига эътироз билдирди. Кейнсчилар бозор иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бири — пулнинг интеграциялашуви ва реал ўзгармаслиги ҳақидаги ғояни илгари сурди. Кейнсчиларнинг ушбу назарияси кейинчалик монетаристлар томонидан ижодий ривожлантирилди.

Ж.Милль ўз таълимотида пулнинг қиймат ўлчови, жағмарма воситаси ва жаҳон пули каби вазифаларини эътибордан четда қолдирди. Унинг фикрича, таклиф билан таъминланмаган талаб ўз навбатида пулнинг инфляциясига олиб келиши натижада жамиятда ортиқча пул пайдо бўлиши ва бу ҳолат мавжуд товарлар ва пул массаси ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлади. Бундай вазиятда

⁸ Милль Ж.С. Указанные сочинения. М.: Прогресс, Т. II. - С.240-241.

у нарх механизмидан самарали фойдаланиш лозимлигини таъкидлаб, кишиларнинг товарларга бўлган талабининг ошиши ва таклиф миқдорининг пасайиши натижасида вужудга келган номувозанатлик товарлар нархини ошириш орқали таъминланишини таъкидлади. Ж.Милль қайд қилганидек, товарлар нархининг ошиб бориши пулнинг сотиб олиш қобилиятини тушириб юборади, натижада мамлакатда инфляция жараёнлари вужудга келади.

Ж.Б.Сэй (1767-1832) бозор мувозанатини таъминлашда асосий эътиборни ишлаб чиқарилган товарларнинг айирбошланишига қаратди. Унинг фикрича, классик мактаби вакилларининг «Маҳсулотлар маҳсулотларга айирбошланади», деб эътироф этилган ғояси уларнинг барча назарияларида айнан ёки қисқача қўринишида намоён бўлиши кузатилади. Шу сабабли ушбу назария Сэй қонуни деган номни олди.

Ж.Б.Сэй «айнан ишлаб чиқариш маҳсулотларни жойлаштириш бозорларини вужудга келтиради», деб таъкидлаган эди. Унинг назарий ғоясига кўра, маҳсулотлар таклифи доимий равишда уларга бўлган талабни шакллантиради, модомики, ишлаб чиқарувчи маҳсулотини бозорда айирбошлаши натижасида топган восита (қиймат)ни тўлиғича бошқа товарларни олишга сарфлайди.⁹ Агар Ж.Б.Сэйнинг ушбу ғоясини кенгроқ таҳлил қиладиган бўлсак, унда айрим зиддият ва чекланишлар мавжудлигининг гувоҳи бўламиз. Бозор иқтисодиёти, ҳатто иқтисодиётни марказдан режалаштириш шароитида ҳам ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги товар-пул муносабатларининг қатъиян мавжудлигини заруриятга айлантиради. Ушбу тизимда товарларнинг айирбошланиши тўлиқ бартер муносабатлари айирбошлаш тарзида намоён бўлмайди.

Модомики шундай экан, товарлар ва маҳсулотлар пул воситаси ёрдамида айирбошланади. Демак, маҳсулот иш-

⁹ Сэй Ж.Б. Трактат политической экономии. — М.: Прогресс, 1982. — 59 с.

лаб чиқарувчи биринчи циклни амалга оширгандан сўнг иккинчи циклни амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Таъкидланаётган зиддият худди шу жараёнда намоён бўлиб, биринчидан сотилган ва харид қилинган товарлар ҳажми ва қиймати ҳамиша ҳам бир-бирига мос келмаслиги мумкин, иккинчидан, товарларни сотиш натижасида йиғилган пул массаси билан товарларни харид қилишга кетган пул массасининг мос келмаслиги ҳамда пулнинг бир қисми жамғаришга кетиши эҳтимоли мавжуд бўлиб қолаверади.

Мазкур жараёнда сотилган товарларнинг ҳисобига йиғилган пул маблағларининг тўлиғича истемолга йўналтирилишига ёки унинг маълум қисмининг жамғаришга кетмаслигига кафолат йўқ. Чунки бир томонда товарлар заҳираси, иккинчи томонда эса, пул массасининг вужудга келиши ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган талабнинг камайишига, бандлик даражасининг пасайиши ва бунинг оқибатида бозор мувозанатини таъминлашдаги сезиларли равишда салбий тебранишларга олиб келиши мумкин. Мазкур назарияда пулнинг жамғарма воситаси сифатидаги роли сезиларли даражада чекланиши натижасида жамиятда мавжуд пул бирликларининг айирбошлаш ва қиймат воситаси функцияларига асосий эътибор қаратилган. Ушбу назарияларда, ҳатто А.Смит таълимотида пул бойлик сифатида эътироф этилмайди. Бу борада улар пулни барча товарлар ва хизматларнинг айирбошлаш вазифасини бажаришда қўлланиладиган оддий восита сифатида қарашади.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, классикларнинг бозор мувозанатида асосан меҳнат, капитал, товар ва хизматлар бозорида таъминланишига эътибор қаратишган. Ваҳоланки, пул бозорларидаги мувозанатнинг таъминланмаслиги иқтисодийётда мисли кўрилмаган даражадаги салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлишини улар эътироф этишмаган.

Маълумки, иқтисодийётда ишлаб чиқариш циклининг даврийлиги пулнинг жамғарма воситаси сифатидаги вази-

фасининг намоён бўлиш заруруятини келтириб чиқаради. Бу ўз навбатида молия-кредит муассасаларига пулнинг жамғарма воситаси вазифаси асосида уни қайта тақсимлаб ишлаб чиқаришнинг даврийлигидан келиб чиққан ҳолда бошқа тармоқларга йўналтириш орқали бозор мувозанатини таъминлашга хизмат қилдиришга эришади.

Ж.Б.Сэйдан фарқли ўлароқ, баъзи неоклассик мактаб вакиллари пулнинг жамғарма функциясини қисман эътироф этишади. Хусусан, А.Маршалл «одамлар сотиб олиш имкониятига эга бўлишига қарамасдан, улар уни (пулни) ишлатмасликлари мумкин», дейди. Кўриниб турибдики, ушбу эътироф Сэй қонунини тўлиғича инкор этмайди. Аксинча, неоклассик-иқтисодчилар шундай тўхтамга келишдики, Сэй қонуни бир шарт билан бажарилади, бу вақтда фақат жамғарма инвестиция ($S=I$) кўринишини олади. Уларнинг таъкидлашича, бу вақтда капитал бозоридаги талаб ва таклифнинг мувозанати фоиз ставкасининг барқарорлиги ҳисобига юз беради. Агар жамғарма (капиталнинг таклифи) ҳажми мўлжалланган инвестиция қилиш ҳажмидан кам бўлса, натижада фоиз ставкаси ошадди, бунинг оқибатида инвестицияга бўлган талаб камаяди, жамғармага нисбатан таклиф эса ортади.¹⁰ Ушбу ҳолат ўртасидаги ўзаро мувозанат фоиз ставкаси асосида тартибга солинади.

Умумий мувозанатни ўзининг математик модели асосида исботлаб берган швецариялик иқтисодчи олим Леон Вальрас (1834–1910) ҳисобланади. Ишчи кучи ва капитал бозоридаги мувозанат Л.Вальраснинг «Агар битта бозордан ташқари барча бозорда мувозанат таъминланса, бундай ҳолатда ушбу бозор ҳам мувозанат ҳолатидадир»¹¹ деган қонуни асосида таъминланади, шунингдек, меҳнат ва капитал бозорида мувозанатнинг ўрнатилиши товарлар

¹⁰ Ядгаров Я.С. История экономических учений. –М.: ИНФРА-М, 2001. – 313 с.

¹¹ Селищев А.С. Макроэкономика. –Санкт-Петербург, 2002. – 27 с.

ва хизматлар бозорида ҳам мувозанатни таъминлашга олиб келади. Л. Вальрас назариясига кўра, бир бозордаги таъминланган тасодифий мувозанат нафлилик (талаб) ва харажатлар (таклиф), яъни бозор механизми орқали барча бозорларда намоён бўлган талаб ва таклифнинг бир вақтда тенглашганидан кейингина товарларнинг қиймати (таклифи) аниқлананди.

Таҳлиллар кўрсатиб турибдики, Сэй ва Вальрас қонунлари ўртасида айрим фарқлар мавжуд. Сэйнинг қонунида товарлар ва хизматлар бўйича талаб ва таклиф мувозанати автоматик равишда таъминланиши таъкидланиб, пулнинг мувозанатни сақлашдаги роли аҳамиятсиз тарзда қолдирилган ва унга айирбошлаш воситаси сифатида қаралиши натижасида пулнинг жамғарма функцияси инкор этилган. Вальрас қонунида эса товарлар ва хизматлар бозоридаги талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат қиймат, яъни пулнинг мавжудлиги асосида таъминланиши эътироф этилган ҳамда молия ва фонд бозорлари бу жараёнда асосий ўринни эгаллаши таъкидланган.

Неоклассик мактаб вакили В. Парето одамларнинг чексиз эҳтиёжини чекланган ресурслар билан қондириш ўртасидаги мувозанатни таъминлашга хизмат қиладиган механизмларни ўрганиш лозимлигини таъкидлаб, уни амалга оширишда математик таҳлил усулидан кенг фойдаланишни таклиф этди.¹² Унга кўра, мавжуд статистик маълумотлар асосида иқтисодий мувозанатнинг ягона мужассамлашган умумий ҳолдаги моделини яратиш мумкин.

В. Паретонинг мувозанатни таъминлаш назариясининг муҳим жиҳатларидан бири иқтисодиётда шакллантирилаётган даромадларни қайта тақсимлаш орқали умумий мувозанатни таъминлаш мумкинлигидир. Ушбу жараёнда давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги ролига эътибор берилиб, иқтисодиётда солиқ кўринишида шакллан-

¹² Арон Р. Вильфредо Парето. Этапы развития социологической мысли. — М.: Прогресс-Политика, 1992. — 98 с.

тирилган бюджет даромадлари аҳолининг кам таъминланган қатламлари ўртасида қайта тақсимлаш, шунингдек, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг зарур тармоқларига йўналтириш орқали талаб ва таклиф ўртасидаги ўзаро муганосибликни таъминлашга эришиш мумкин. В.Паретонинг ушбу назарияси ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларнинг иқтисодиётида ўзининг ифодасини топмоқда. Шунингдек, у классикларнинг таклиф ўз талабини туғдиради ва ишлаб чиқарилган ҳар қандай маҳсулот ижтимоий жиҳатдан фойдалидир, деган назарияларига қўшилиши социалистик тизимнинг марказлашган-буйруқ-бозлик даврида иқтисодиётни бошқаришда жуда қўл келди. Маълумки, собиқ иттифоқ тизимида таклиф бирламчи бўлиб, талаб иккиламчи механизм сифатида ўзининг тўлақонли вазифасини бажармаган пулнинг муомала вазифаси сезиларли равишда чегараланган бўлиб, кишиларнинг талабини қондиришда ўзининг иқтисодий механизм сифатидаги салоҳиятини намоён қилмаган эди.

Қисқа қилиб айтганда, классик ва неоклассик мактаб вакиллари бозор мувозанатини таъминлаш назариясига катта ҳисса қўшган бўлса-да, уларнинг қарашларида айрим чекланишлар ва қарама-қаршиликлар ҳам мавжуд эди. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

- бозор мувозанати талаб ва таклиф, нарх, иш ҳақи, фоиз ставкаси каби иқтисодий механизмлар орқали автоматик равишда таъминланади деб, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини инкор қилиш. Аммо бозор мувозанатининг автоматик равишда таъминланмаслигига таъсир этувчи табиий офат, уруш ва иқтисодий инқирозлар каби омиллар тадқиқотдан четда қолган;

- уй хўжалиги ва аҳоли жамғармалари миқдорига фоиз ставкасининг таъсирини мутлоқлаштириб, уларнинг даромадлари ҳажми инобатга олинмаган. Унга кўра, фоиз ставкаси қанча юқори бўлса, уй хўжалиги ва аҳолининг жамғармага йўналтирадиган маблағларининг ҳажми ортиб боради дея эътироф этилган. Натижада уй хўжалиги ва аҳоли

даромадлари ҳисобидан истеъмолга қилинган харажатлардан сўнг маблағларни жамғармага йўналтириш мумкинлиги инобатга олинмаган;

- пулни ўлчов бирлиги ва техник алмашиш воситаси сифатида эътироф этиш, натижада унинг махсус товар ва бойлик кўринишидаги вазифаси инобатга олинмаган;

- қишлоқ хўжалигида яратилган қўшимча маҳсулотни бойликнинг асосий манбаи сифатида қараб, унинг ҳисобидан бозор мувозанатини таъминлаш, ер эгаси, савдогар ва мулкдорларнинг иқтисодий манфаатини қондиришга етарли, деб қаралган. Натижада пул ва молия бозорларидаги мувозанатни таъминлаш масаласи эътибордан четда қолган.

Америка ва Европада 1929-1933 йилларда «Буюк инқироз» номи остида юз берган иқтисодий инқироз классик ва неоклассикларнинг иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг иштирокини инкор қилувчи илмий таълимоти амалиётда ўзининг исботини топмаганлигини кўрсатди. Ж.Кейнс ва унинг давомчиларининг ишонч билан замонавий иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг аралашуви зарурлиги ҳақидаги концепцияси нақадар тўғри эканлиги амалиётда исботланди.

Ж.Кейнс бозор иқтисодиёти шароитида даромад ва харажатларнинг ўсиши инвестиция ҳажми ҳам шу даражада ўсади, деган хулосани чиқаришга асос бўлмайди, деб уқтиради. Бу жамғарма ва инвестиция ҳақидаги қарорлар ҳар хил хўжалик юритувчи субъектлар томонидан турли мақсадлар асосида қабул қилиниши билан изоҳланади. Мантиқий жиҳатдан аҳоли жамғармаси ҳажмининг ўсиши фирмалар томонидан амалга оширилаётган инвестициялар ҳажмининг ошишига олиб келади, деган хулосанинг чиқарилиши нотўғридир. Бундан ташқари, жамғармани кўпайтириш билан боғлиқ ҳаракатларнинг кучайиши аҳолининг истеъмолга ажратаётган маблағлари ҳажмининг қисқариши билан боғлиқ эканлигини, бу эса товарлар ва хизматларнинг реализациясига салбий таъсир кўрсатиши билан

изоҳланади. Ўз навбатида, реализация ҳисобидан шакллантирилатган маблағлар улушининг қисқариши ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга йўналтирилатган маблағларнинг қисқаришига олиб келади.

Шу билан бирга, аҳоли томонидан истеъмолга йўналтирилмаган маблағлар тўлиғича жамғарма сифатида банкка топширилиши кафолатланмаган. Аксинча, тажрибадан маълумки, истеъмолга йўналтирилмаган маблағларнинг асосий қисми аҳолининг қўлида тўпланиб, пулнинг қадрсизланишига олиб келади. Худди шу босқичда таклиф ва талаб ўртасидаги бозор мувозанати таъминланиши бузилади. Бундай ҳолатни пулнинг жамғарма функциясининг амалиётдаги айрим камчиликларнинг вужудга келганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Кейнсчилар ва классикларнинг бозор мувозанатини таъминлашдаги назарий таълимотларида қуйидаги фарқларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ:

1. Жамғарма ва инвестиция динамикасига рағбатлантириш воситаси-нинг таъсири. Агар классик мактаб вакиллари инвестиция ва жамғарманинг ҳажмига фоиз ставкасининг таъсирини асосий омил қилиб кўрсатсалар, кейнсчилар эса унинг ҳажмига уй хўжалиги аъзолари томонидан олаётган даромадлар миқдори таъсир қилади, деб таъкидлайдилар.

Назаримизда, уй хўжалиги аъзоларининг жамғармаси ҳажмига улар олаётган даромадларининг миқдори таъсир қилади. Чунки одамлар олаётган даромадлари ҳисобидан дастлаб кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган биринчи даражали товарларни (нон, шакар, ёғ, ун, гўшт ва бошқа шу кабилар), ундан сўнг кийим-кечак ва пойафзал сотиб олади. Ундан ортадиган бўлса, уй-рўзғор буюмларига сарфлайдилар. Шундан сўнг даромаднинг қолган қисмини жамғарма сифатида сақлашни ўйлайдилар. Тасаввур қилайлик, аҳолининг олган даромади юқорида қайд этилган товарларни сотиб олишга учма-уч етадиган бўлса-ю, лекин жамғарма учун юқори фоиз ставкаси таклиф этилса, уй

хўжалиги аъзолари олган даромадларини жамғарма қилишга йўналтирадими? Йўқ, албатта. Натижада $Y=C-S$ мувозанатининг бузилишига йўл қўйилади, яъни уй хўжалиги аъзоларининг истеъмол ва харажатлари ўртасида номувозанатлик ҳолати вужудга келади. Бу эса ўз навбатида миллий иқтисодиёт миқёсида номуваносиблик муаммоси сифатида намоён бўлади.

Шунингдек, Ж.Кейнс Сэй қонунининг «даромадлар-харажатлар» доиравий айланиши оқимида маблагларнинг бир қисми жамғаришга кетиши туфайли истеъмолга маблағ етишмаслигини ва бунинг натижасида талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши муқаррар эканлигини ҳар тарафлама исботлаб берди. Унинг фикрича, бозор иқтисодиёти шароитида мутлоқ мувозанатга эришиш мутлоқ бандликни кафолатламайди ва шу сабабли бозор «автоматик» равишда тартибга солиш механизмини ишлашига эга бўлмайди.¹³

2. Пулнинг иқтисодиётдаги ролига қарашлар. Юқорида таъкидлагани-миздек, классик мактаб вакилларининг қарашларида пул бойлик воситаси сифатида қаралмайди. Унинг фойдалилиги товар ва хизматларни сотиб олишдан келтираётган нафлилигида, деб қаралади. Аксинча, кейнсчилар пулнинг ликвидлилик даражасининг юқори бўлиши натижасида одамларнинг пулни ўз қўлларида ушлашга ҳаракат қилишини унга бойлик сифатида қарашларини талқин этишди. Шунинг учун Ж.Кейнс пулга бўлган талабни бойликка бўлган талаб сифатида инобатга олиб, унинг миллий даромаднинг мувозанатини таъминлашга бевосита таъсирини эътироф этди.

3. Кейнсчилар иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва бандлик даражасига нархнинг таъсири йўқлигини эътироф этишади. Уларнинг таълимотига кўра, агар ишлаб чиқариш ҳажми камаядиган бўлса, унда товарларнинг нархи оши-

¹³ Кейнс Ж. Общая теория занятости, процента и денег/Антология экономической классики. —М.: Эконом, 1993. Т. 2. — 149 с.

ши натижасида бозордаги талаб ва таклиф мувозанати таъминланади. Агарда ишлаб чиқариш ҳажми ошадиган бўлса, унда бозорда товарларнинг нархи пасайиши натижасида талаб ва таклиф ўртасида мувозанат таъминланади. Ж.Кейнс назариясига кўра, талабнинг пасайиши товарлар нархининг тушишига эмас, балки улар ишлаб чиқариш ҳажмининг ва бандлилик даражасининг пасайишига олиб келади. Чунки бозор иқтисодиёти мутлоқ даражада рақобатбардош эмас. Классикларнинг назариясида олға сурилганидек, ҳатто товар ва хизматлар нархининг пасайиши жараёни иқтисодиёт ўзининг ишлаб чиқариш ва бандлилик бўйича табиий ҳолатига қайтапти деган маънони англатмайди. Иш ҳақининг пасайтирилиши бандлилик ва ишлаб чиқариш даражаси пасайишининг олдини олмайди. Чунки аҳолининг иш ҳақи миқдори камайиши уларнинг харид қобилияти даражасининг пасайишига, бу ўз навбатида давлат бюджетига тушадиган солиқларнинг камайишига, охир оқибатда эса ишлаб чиқариш ва бандлилик даражасига салбий таъсир қилади. Бундай ҳолатда товарлар нархини тушириш уларни реализация қилиш ҳажмини оширишга олиб келмайди. Агар ушбу ҳолатда ишлаб чиқариш ўзининг дастлабки даражасига кўтарилмаса, унда бандлилик даражасининг ошишига умид боғланмайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ишлаб чиқариш ва бандлилик даражасининг ўсиши ёки пасайиши ишлаб чиқариш омилларига қараб эмас, балки аҳолининг тўловга қобилиятига қараб белгиланади.

Бозор мувозанати ва уни таъминлаш масалалари Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши шароитида долзарб мавзуга айланди. Россиялик иқтисодчи олимларнинг асарларида ҳам ушбу муаммога хос бўлган илмий назариялар талқинини кўришимиз мумкин.

А.С.Слищев мувозанатнинг умумий кўриниши ҳақида тўхталиб, «Умумиқтисодий мувозанат деганда барча (товарлар ва хизматлар, пул, қимматли қоғозлар, меҳнат)

бозорларининг мувозанатга эришуви тушунилади»¹⁴, деб таъкидлайди. Муаллиф айнан бозор мувозанати ҳақида эмас, балки умумиқтисодий мувозанатга берган таърифида Л.Вальраснинг қонунидан фарқли ўлароқ, мувозанат барча бозорда таъминланиши зарурлигини эътироф этади ва ўзининг илмий қарашларида тўртта мактаб вакиллари-ни алоҳида-алоҳида ўрганади.

Ю.Тарануха, Д.Земляковлар мувозанатни ўрганишда асосий эътиборни умумий мувозанатга қаратишган. Уларнинг фикрича, мувозанатга эришиш учун бозорда барча товарлар ва ишлаб чиқариш омиллари бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожланади. Бозордаги истеъмолчининг товар ва хизматларга бўлган талаби унинг диди ва даромадига боғлиқ. Истеъмолчининг талаби ва ишлаб чиқарувчининг таклифининг бир-бирига мос келиши ўзаро бозор мувозанатини таъминлашга олиб келади.

Муаллифлар макроиқтисодий мувозанатнинг таъминлангани бу алоҳида олинган тармоқлар ичидаги ўзаро мувозанатнинг таъминланганлигидан далолат беради, деб таъкидлашади. Улар бозор мувозанатига «Бозор мувозанати бозорнинг шундай ҳолатики, унда нархнинг маълум даражаси орқали таклифнинг ҳажми талабга тенглашади»¹⁵, деб таъриф беради.

Улар асосий муаммо сифатида «қандай қилиб жуда кенг тармоқли, мураккаб иқтисодий тизим ўзаро мувозанатини таъминлайди?», деган саволни ўртага ташлаб, унинг таъминланишига эришилганлигини жамиятда яшаётган кишилар шахсий манфаатларининг қондирганлиги ва аҳоли турмуш фаровонлигининг ошганлиги билан изоҳлаш мумкин деган назарий ғояни илгари суради.

Профессор О.С.Белокрылова «Умумий мувозанат реал ҳаракат натижаси бўлиб, битта бозордаги талаб ва таклиф-

¹⁴ Селищев А.С. Макроэкономика. - Санкт-Петербург, 2002. - 337 с.

¹⁵ Тарануха Ю.В., Земляков Д.Н. Микроэкономика. -М.: Дело и Сервис, 2002. - С. 34.

нинг ўзгариши барча бозордаги талаб ва таклифнинг ҳажмига таъсир қилади, барча бозорлар ўзаро бир-бирига боғлиқдир»¹⁶, деб таъриф беради. Мазкур таъриф бозор мувозанати хусусидаги иқтисодий таърифга айнан мос келмасда, таърифда талаб ва таклиф ҳақидаги фикрлар қандайдир жиҳатдан бозор мувозанатига яқинлигини билдиради.

Иқтисодчи олимларнинг бозор мувозанати хусусидаги таълимотларининг таҳлили натижасида қуйидаги чеклаишлар мавжуд, деган фикрга келдик:

1) иқтисодиёти ўтиш жараёнини бошидан кечираётган мамлакатлар бозорида таклиф етарли даражада эканлигига қарамасдан, аҳолининг молия-кредит тизимига ишончининг сезиларли равишда пастлиги туфайли уларнинг қўлларида пулнинг тўпланиб қолиши ҳам инфляция даражасини ошишига мойиллик туғдиради;

2) ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарувчилар томонидан қилинган таклиф ва истеъмолчиларнинг талаби қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга прогностлаштирилиши аҳолининг товарларга бўлган талабини қўшимча ишлаб чиқариш, махсус заҳиралар ва хориждан қилинадиган импорт ҳисобига қоплаш имкониятини беради, бу эса пул массаси ортиқчалигининг олдини олиш учун зарур бўлган муҳитни яратади;

3) товарларга бўлган талабнинг ўзгариши натижасида вужудга келадиган пул массасининг ортиқчалиги марказий банкнинг пул-кредит сиёсати усуллари орқали муомаладан қайтариб олиниши натижасида пулнинг инфляция даражасининг олдини олишга эришиш мумкин.

Мувозанат ва унинг таъминланиши ҳақидаги иқтисодий назариялар ўзбекистонлик олимлар томонидан алоҳида тадқиқот объекти сифатида етарли даражада ўрганилмаган бўлиб, унинг айрим қирралари ва намоён бўлиш ҳолат-

¹⁶ Экономическая теория. Под ред. проф. Белокрыловой О.С. – М.: Феникс, 2002. – 234 с.

лари Ш.Шодмонов, О.Ҳамроев, Т.Жўраев, Д.Тожибоева ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Профессор Ш.Шодмонов «Иқтисодиёт барқарор ривожланиши учун унинг томонлари ўртасида маълум мувозанат бўлишини тақозо қилади», деб таъкидлайди. Муаллиф ушбу таърифда айнан бозор мувозанатига алоҳида эътиборни қаратмайди, балки иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида уларнинг томонлари ўртасида ўзаро мувозанат бўлиши лозимлигини эътиборга олади. Ш.Шодмонов ўзининг навбатдаги таърифида «Иқтисодий мувозанат деб иқтисодий жараёнлар, ҳодисаларнинг икки ёки бир неча томонининг бир-бирига тенг келган ҳолатига айтилади¹⁷», деб таъкидлайди.

Иқтисодий мувозанат назариясига салмоқли ҳисса қўшган, унинг баъзи қирраларини етарли даражада очиб беришга муваффақ бўлган иқтисод фанлари доктори О.Ҳамроев “Мувозанат” сўзи гоят кенг қамровли бўлиб, коинот, табиат ва жамиятда рўй берадиган барча воқеа, ҳодиса ҳамда жараёнларни тушунтиришда қўлланиладиган универсал тушунчадир”¹⁸, деб таъкидлайди. Муаллиф илк маротаба ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар ичида иқтисодий мувозанат муаммосини алоҳида тадқиқот объекти сифатида кенг миқёсда ўрганди ва бу ҳақда тегишли назарий қарашларини шакллантирди.

Муаллиф замонавий хўжалик юритиш ва иқтисодий муҳит талабларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий мувозанат тушунчасига «Иқтисодий мувозанат жамият ихтиёридаги чекланган ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда соҳалар, тармоқларнинг ўзаро мутаносиблигини қарор топтириш, яъни талаб билан таклиф ўртасидаги мослик, тенгликни таъминлаш ва улар негизида барқарорлик, иқти-

¹⁷ Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Молия, 2002. - 416 б.

¹⁸ Ҳамироев О.Ҳ. Иқтисодий мувозанатнинг назарий асослари ва уни таъминлаш механизмлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2004. – 13 б.

содий ўсиш ҳамда халқ фаровонлигини оширишга эришишдир»¹⁹ мазмундаги янги таърифни беради. Муаллифнинг асосий ютуғи шундаки, у иқтисодий мувозанат тушунчасига кенг қамровли таърифни етарли даражада шакллантиришга муваффақ бўлиш билан бирга, унинг пиронлард мақсади халқ фаровонлигини оширишга эришиш зарурлигини эътироф этади.

Олима Д.Тожибоева ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг ривожланиши динамик мувозанатга эришишга боғлиқ, деб қарайди. Бундай мувозанатга эришиш учун эса барча истеъмолчилар ўзига зарур бўлган товар ва хизматларни бозордан топа олишлари, аввалги яратилган барча маҳсулотлар тўла сотилиши керак.²⁰

Муаллиф таклифнинг тўлиқ ижро этилиши таъминлашини, яъни товарларнинг тўлиқ реализация қилинишига асосий эътиборни қаратиши натижасида уни рўёбга чиқариш учун асосий омил бўлиб ҳисобланадиган аҳоли даромадларининг талабни қондирадиган даражада пул маблағларига, талабга эга бўлиши лозимлигига эътиборни қаратмаган. Маълумки, ҳар қандай эҳтиёжнинг пул бирликлари билан қопланган қисми бу талаб бўлади. Демак, аҳолининг эҳтиёжлари етарли даражада пул билан қопланмас экан таклиф этилаётган товар ва хизматларнинг тўлиқ миқдорда сотилишига эришиш учун амалий жиҳатдан имконият бўлмайди.

Мавжуд иқтисодий манбалар ва олимларнинг таърифларини ўрганиш ва қийёсий таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, шу пайтгача бозор мувозанати ҳақидаги иқтисодий тушунчага етарли даражада таъриф берилмаган ва унинг моҳияти иқтисодчи олимлар томонидан тўлиқ очиб берилмаган.

¹⁹ Ҳамиров О.Ҳ. Иқтисодий мувозанатнинг назарий асослари ва уни таъминлаш механизмлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. —Тошкент, 2004, - 13 б.

²⁰ Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. —Тошкент, 2003. Иккинчи китоб. — 138 б.

Шу сабабга кўра, келтирилган қарашлар ва таърифлардан келиб чиқиб, биз бозор мувозанати тушунчасига қуйидагича таъриф берамиз: Бозор мувозанати чекланган ресурслардан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқариш (таклиф) ва истеъмолчи (талаб)нинг нарх воситасида алоҳида ва микро бозорлардаги тенглигини таъминлашдир.

Бозор мувозанатининг моддий асосини чекланган ресурслар, ишлаб чиқарувчи кучлар ва воситалар, шунингдек, унга хизмат қилувчи инфраструктура ташкил этади. Бозор мувозанати алоҳида тармоқ ичида, тармоқлараро, давлат миқёсида, давлатлараро кўринишда бўлиб, бозор нархи атрофида тебраниб туриш тамойили асосида таъминланади. Бозор мувозанати микродаражадаги бозорларда таъминланади. Бозор мувозанати тебраниб туриш даражасига қараб, бир лаҳзалик, қисқа муддатли ўрта муддатли ва узоқ муддатли мувозанатда бўлиши мумкин. Бозор мувозанатининг таъминланганлик муддатларининг давомийлиги мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий барқарорлигига бевосита боғлиқ.

Бозор мувозанати тўғрисидаги илмий қарашлар эволюцияси юзасидан олиб борилган таҳлиллар ва қиёсий ўрганишлар натижасида мазкур параграф юзасидан қуйидаги таклифларни шакллантирдик:

- ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг аралашуви муқаррардир, бозор иқтисодиётининг тобора ривожланиб бориши жараёнида эса унинг аралашуви камайиб боради. Шу боисдан, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви доираси ва унинг ваколатларини белгиловчи аниқ муддатларга мўлжалланган самарали ва оқилона дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш лозим;

- бозор мувозанатини таъминлашда давлат асосан ишлаб чиқаришни ва ўзаро рақобатни ривожлантирувчи агент сифатида қатнашиши лозим. Унинг асосий эътибори пул-кредит сиёсатининг самарали йўлларини амалиётга жорий этишдан иборат бўлиши керак;

- иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда унинг самарали йўлларини амалиётга жорий этиш ва шу орқали бозор мувозанатига эришиш лозим;

- кўпукладли иқтисодиётни шакллантириш ва унда хусусий мулкнинг етакчи ўрин эгаллашини таъминлаш зарур. Кишилар хусусий мулкнинг ҳақиқий эгаси сифатида ўзини ҳис қилмас экан, унинг кўпайиши ва тўлиқ миқдорда сақланиши юзасидан ишончи шаклланмас экан, мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўзининг тўлиқ самарасини бермайди.

Хулоса қилиб айтганимизда, бозор мувозанати тўғрисидаги илмий қарашларнинг ривожланишини чуқур ўрганиб, ҳозирги давр иқтисодиётига мос келадиган жиҳатларини амалиётга татбиқ этишга эришиш мамлакатда талаб ва тақлиф ўртасидаги мутаносибликни табиий чегарасида ушлаб туриш халқ фаровонлигини ошириш имкониятини беради.

1.2. Бозор мувозанатини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари ва унга таъсир этувчи омиллар

Эркин иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлаш жуда муҳим вазифалардан бири ҳисобланиб, унга таъсир этувчи омиллар ҳам кўп қирралидир. Бозор мувозанатининг таъминланмаслиги ва унга эришиш юзасидан иқтисодий тадбирларнинг кўрилмаслиги мамлакатда қутилмаган инқирозларнинг вужудга келишига, чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан самарасиз фойдаланишга ва аҳоли турмуш фаровонлигининг пасайишига олиб келади.

Маълумки иқтисодий мувозанатни таъминлашнинг қуйидаги кўринишлари мавжуддир: алоҳида бозордаги; микродаражадаги бозордаги; макродаражадаги бозорлар мувозанатлари.

Алоҳида бозордаги мувозанат деганда асосан маълум кўринишдаги бир хил товарлар ва хизматлар (автомобиль бозори, сабзавотлар бозори, фонд бозори, ахборот хизматлари бозори ва ҳ.к.лар) бозоридаги талаб ва таклиф ўртасидаги тенглик тушунилади.

Микродаражадаги бозор мувозанати маҳаллий ва регионал маконлардаги турли хил товар ва хизматлар бозоридаги талаб ва таклиф ўртасидаги тенглик, *макродаражадаги бозор мувозанати* мамлакат (ёки жаҳон)да иқтисодий тизимга кирувчи барча бозорлардаги мавжуд ялпи талаб ва ялпи таклифнинг ўзаро бир бирига тенг келиши билан изоҳланади.

Олдинги параграфда бозор мувозанатини таъминлашнининг таҳлили жараёнида маълум бўлдики, унинг шаклланишида иккита мактаб вакиллари томонидан илгари сурилган иқтисодий таълимотлар муҳим ўрин тутди. Ушбу мактаб вакиллари (Ж.Сэй, Л.Вальрас, А.Маршалл, С. Кузнец ва В.Леонтьев) томонидан бозор мувозанатини таъминлашнинг микро даражадаги ягона моделини яратишга уринишлар ва ҳаракатлар бўлган.

Жан Батис Сэй (1767-1832) бозор мувозанатини таъминлашда устози А.Смит ғояларини ривожлантирди ва тўлдирди. У иқтисодчилардан биринчи бўлиб қийматнинг меҳнат назариясини нафтиликка асосланган субъектив назария билан алмаштиришга уринди. Сэй умумий товарлар ортиқчилиги мавжуд бўлишини инкор қилади. У таклиф ўзига мос талабни юзага келтиришига асосланган бозорлар назариясига асос солди.²¹ Унинг назариясига кўра, ишлаб чиқарувчилар томонидан ортиқча маҳсулот ишлаб чиқарилмаслиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эса ўзининг истеъмолчисини топиши керак.

Ушбу моделнинг ижобий жиҳати шундаки, ишлаб чи-

²¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. —Тошкент, 2004. 8-том. — 191 б.

қарувчи истеъмолчи учун зарур бўлган миқдорда товар ишлаб чиқаришда ортиқча сарф харажатнинг олдини олади. Шунингдек, ишлаб чиқарувчининг маҳсулоти таклифига талабни олдиндан аниқлаш имконияти мавжуд бўлади.

Фикримизча, Сэй қонуни асосида ётган ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматларни тўлиқ реализация қилиш ғоят мушкул бўлиб амалиётда бундай имконият доимо ҳам мавжуд эмас. Шунингдек, Сэй қонунида товар ва пул бозори мувозанатини таъминлаш масаласи ўзининг аксини топмаган. Пул бозоридаги мувозанатнинг бузилиши товар бозоридаги мувозанатга таъсир қилади. Пул бозорида фоиз ставкасининг ижобий ўзгариши натижасида даромаднинг асосий қисмининг жамғармага йўнал-тирилиши оқибатида истеъмол ҳажми камаяди. Худди шу жойда Сэй қонуни бузилади ва иқтисодиётда товарлар ва хизматларнинг ортиқчалиги, яъни таклиф ортиқчалиги вужудга келади.

Сэйнинг фикрича, ишлаб чиқарилган товарлар тўлиғича истеъмол қилиниб, уларнинг ортиқчалиги вужудга келмаслиги учун ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмини мамлакат миқёсида марказдан режалаштириш зарур бўлади. Ана шунда Сэй назарияси амалиётда ўзининг ижобатини топиши мумкин. Лекин бундай тизимнинг амалиётга жорий этилиши бозор муносабатлари талабига зид бўлиб, истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчини эркин танлов ҳуқуқидан маҳрум этади.

Леон Вальрас (1834-1910) сиёсий иқтисод мактабининг асосчиси, бозор мувозанатини таъминлашда иқтисодиётда рақобатнинг эркинлиги, бозорда сотиб олувчиларнинг тенглиги, иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгармаслиги, ёпиқ иқтисодий тизимнинг мавжудлиги назариясини илгари сурди.²²

Л.Вальраснинг моделидаги ижобий жиҳат сифатида

²² Козырев В.М. Основы современной экономики. —М.: ФиС, 2001. — 274 с.

иқтисодиётда рақобат эркинлигини эътироф этиш лозим. Эркин рақобат ишлаб чиқарувчиларга молиявий жиҳатдан самарали бўлган товарларни бозорга чиқариш имкониятини беради. Шу боис улар товар ва хизматларнинг ҳажми, миқдори, ассортименти ва уларнинг нарҳини эркин равишда аниқлаш имкониятига эга бўлади.

Аммо, Л. Вальраснинг бозорда сотиб олувчиларнинг тенглиги, иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгармаслиги, ёпиқ иқтисодий тизимнинг мавжудлиги ҳақидаги назарияси қатор чекланишлардан холи эмас.

Эркин бозор шароитида сотиб олувчиларнинг тенглигини амалий жиҳатдан таъминлашнинг имконияти мавжуд эмас. Чунки сотиб олувчиларнинг харид қобилияти улар олаётган иш ҳақининг миқдорига боғлиқ бўлиб, иш ҳақи меҳнат тури, шароити ва бошқа омилларга қараб паст ёки юқори бўлиши сотиб олувчилар тенглиги моделининг бузилишига олиб келади. Иқтисодий шароитнинг ўзгармаслиги ҳақидаги ғоя иқтисодиёт глобаллашиб бораётган бир шароитида ўзининг ижобий натижасини бермайди. Шунингдек, жамиятдаги иқтисодий ресурсларнинг нисбатан чекланиб бораётганлиги иқтисодий шароитнинг ўзгаришини бевосита талаб этади. Ёпиқ иқтисодий тизимнинг мавжудлиги бозор муносабатлари ҳукм сураётган иқтисодиёт талабига жавоб бермаслиги ўз-ўзидан маълум. Ҳозирги хўжалик юритиш шароитида иқтисодий интеграциялашув натижасида бир давлат иқтисодиёти бошқа давлатлар иқтисодиётига боғлиқлиги ошиб бормоқда.

Дарҳақиқат, Л. Вальраснинг эркин рақобат муҳитида умумиқтисодий мувозанатнинг математик модели иқтисодиётда жуда катта ижобий натижаларга олиб келди. Унга кўра, ишлаб чиқариш кучларининг маълум бир ривожланганлик даражасида қиймат маълум миқдордаги товарнинг ижтимоий юқори нафлилиги билан шу миқдордаги товарларни ишлаб чиқаришга кетган энг юқори харажатлар ўртасидаги мувозанат нуқтасида аниқланади. Бу шарт бозор иқтисодиёти шароитида нафақат талаб билан так-

лифнинг маълум бир товар бўйича тенглигини, балки миллий иқтисодиётдаги барча товарлар ва хизматлар бўйича талаб ва таклифнинг тенглигини, яъни уларнинг умумий мувозанатда бўлиши лозимлигини англатади.²³

Иқтисодиётдаги неоклассик йўналишининг Кембриж мактаби асосчиси Альфред Маршалл (1842-1924) бозор мувозанатининг таъминланиши хўжаликнинг идеал модели “мукамал рақобат” туфайли вужудга келиши мумкинлигини кўрсатди. У харажатлар, талаб ва таклиф, меҳнат унумдорлиги тўғрисидаги назарияларни XIX аср охирида кенг тарқалган меъёрий нафлилик назарияси билан қўшишга ҳаракат қилди. Унга кўра, бозор нархи энг юқори наф асосида аниқланадиган талаб нархи ва энг юқори харажатлар билан топиладиган таклиф нархи кесишиш нуқтасини яратди. Талаб ва таклиф чизиқлари кесишган жойда маҳсулот миқдори ва нарх орасидаги мувозанат, мўтаъдиллик ўрнатилади.²⁴

А.Маршаллнинг иқтисодий қарашларига кўра, бозор мувозанати: а) бир лаҳзалик, б) қисқа муддатли, в) узоқ муддатли, г) жуда узоқ муддатли даврларда таъминланади. Бозор мувозанатини таъминлашда вақт омилининг иқтисодий таҳлилда қўлланилиши Маршаллнинг иқтисодий назарияга қўшган катта ютуқларидан бири бўлиб, иқтисодчилар учун жуда муҳим илмий аҳамият касб этади. Ушбу назарияси билан у хўжалик юритишнинг неоклассик моделини яратди ва иқтисодиётнинг сиёсий тайзиқларсиз ва давлатнинг аралашувисиз ривожланиши зарурлигини асослаб берди. Кейинчалик унинг шогирди Ж.Кейнс ушбу таълимотни танқид остига олди ва у яратган модел тараққиётнинг кейинги босқичларига мос келмаслигини кўрсатиб берди.

Саймон Кузнец (1901-1985) бозор мувозанатини таъ-

²³ Walras L. Elements of pure Economics. Translated by Jaffe W. Homewood, Richard D. Irwin, 1954.

²⁴ Ивашковский С.Н. Макроэкономика. —М.: Дело, 2002, - 42 с.

минлашда пировард маҳсулот ишлаб чиқариш, капитал ва жамғаришнинг шаклланиши, аҳолининг турли табақалари ўртасида даромаднинг тақсимланишини аниқ нархлади. Унинг назариясида ишлаб чиқариш, капитал ва жамғариш ўзаро боғлиқликда ўсиб бориши бозор мувозанатини таъминлашга етарли иқтисодий манба бўлиб ҳисобланмайди. Муаллиф аҳоли олаётган даромадлар ҳам уларга мутаносиб равишда ўсиб бориш зарурлигини назарий жиҳатдан асослаб берди. Унинг назарий ишланмалари кўпчилик мамлакатларда ялпи миллий даромад, ялпи миллий маҳсулотни ҳисоблашда ягона услуб сифатида қўлланилди.

Америкалик рус иқтисодчиси Василий Леонтьев (1906—1999) «харажатлар-маҳсулот чиқариш» моделини асослаб берди.²⁵ У бозор мувозанатининг тармоқлараро тенглигини таъминлаш уларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантиришни тақозо этиши назариясини яратди. “Америка иқтисодиёти-нинг тадқиқоти” (1958) асарида Ф.Кенэнинг бозор мувозанати ҳақидаги моделларини кенгайтирган ҳолда иқтисодий тизимнинг турли қисмлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатадиган математик моделлар яратди.

В.Леонтьевнинг ушбу моделлари асосида мамлакат иқтисодиётини прогнозлаш ва режалаштириш, солиқ ва инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш орқали бозор мувозанатини таъминлашнинг самарали йўллари кўпчилик ривожланган мамлакатларнинг амалиётига жорий этилди.

А.Смит «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида» асарида иқтисодий муносабатларнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш ва талаб билан таклиф ўртасидаги мувозанатга эришишда фақат бозор механизми, «кўринмас қўл қоидалари», «табiiй тартиблаш», «кишилик иқтисодиёти» воситалари асосида бозор мувозанати таъминланишини эътироф этади.

²⁵ Козырев В.М. Основы современной экономики. —М.: ФИС, 2001, - 137 с.

Нима учун иқтисодиётда талабнинг етишмаслик ҳолати вужудга келади? Ушбу талаб миқдорини қандай йўллар билан қўпайтириш мумкин?

Фикримизча, мазкур саволларга жавобни кейнсчиларнинг бозор иқтисодиёти моделидан излаш лозим. Улар ушбу моделда тўртта асосий компонентнинг бир-бирига мутаносиб ҳолатда амал қилиши ҳақидаги таълимотини илгари суради. Унга кўра, мувозанат ушбу жараёнда: истеъмол C , хусусий инвестиция I , давлат харажатлари G ва соф экспортни X_n иқтисодиётда ишсизлик даражасининг кескин пасайишига йўл қўймасдан, сезиларли иқтисодий инқирозлар ва ларзаларни содир этмасдан таъминлашга эришиш лозим. Бунга эришишда истеъмол C ва хусусий инвестиция I га асосий эътибор қаратилади. Чунки замонавий ҳўжалик юритиш шароитида истеъмолнинг 65-70 фоизи мана шу икки компонент ҳисобига тўғри келади.

Немис статисти Эрнст Энгель (1821-1896) қатор йиллар статистика маълумотлари устида илмий изланишлар олиб бориши натижасида оиланинг даромадлари қанчалик паст бўлса, у шунчалик юқори даражада кунлик истеъмолга сарфланади, бундан ташқари, кунлик истеъмол даражаси узлуксиз равишда ёмонлашиб боради деб таъкидлайди. Унинг таҳлиллари натижасида иқтисодий назария фанида «Энгел қонуни» яратилди. Унга кўра, даромаднинг ошиб бориши натижасида унинг кунлик эҳтиёжларга сарфланаётган улуши камайиб боради, қимматбаҳо товарлар ва ижтимоий ривожланишга йўналтириляётган улуши ортиб боради.

Истеъмолчининг даромади таъсирида талабнинг ўзгариши ва Э.Энгель қонуни асосида товарларни уч гуруҳга ажратишнинг зарурияти туғилди:

Биринчи гуруҳ — асосан кишиларнинг ҳаёт кечиришини таъминлаш учун зарур бўлган озиқ-овқат ва айрим но-озиқ-овқат моллари;

Иккинчи гуруҳ — кунлик талаб қилинадиган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат моллари, яъни стандарт даражадаги истеъмол товарлари;

Учинчи гуруҳ — юқори сифатли, ўта замонавий ва ноёб товарлар.²⁶

Демак, зикр этилган ҳолатлар кишиларнинг истеъмолга (C) йўналтирилган харажатларидан қолган қисми уларнинг жамғармасини (S) шакллантиришда фойдаланилади, жамғарма улушининг ортиб бориши ўз навбатида истеъмол улушининг камайишга олиб келади ва аксинча, дейишимизга асос бўлади. Бу қуйидаги тенглик кўринишини олади:

$$Y=C+S, \quad (1.1)$$

бу ерда Y - миллий даромад.

Бозор мувозанатини таъминлашда даромад таркибидаги истеъмол ва жамғарма улуши ҳақидаги масалалар таниқли иқтисодчиларнинг таҳлил объектига айланган ва улар томонидан бир қатор фаразлар ва ғоялар олға сурилган.

Иқтисодчиларнинг асосий эътибори жамғармани узоқ муддатли истеъмол ҳисобига ўзгартиришга қаратилган. Бир қатор иқтисодчилар, хусусан Ф.Модлиьяни, истеъмол даражасининг даромад миқдори билан пропорционал тарзда ўсиб боришининг асосий омили сифатида товарлар сифатини яхшилаш ва уларнинг янги турларининг бозорда намоеън бўлишида, деб қарайди.

Унинг таълимотида эркин иқтисодиётнинг бир текисда ривожланиши бўйича айрим зиддиятлар занжирсимон ҳолда ривожланиб бориб, қуйидагиларни ўзи ичига олади:

- товарлар ва хизматлар ҳажми доимий равишда талаб миқдорига нисбатан пропорционал равишда ошиб бориш тенденциясига эга бўлиши истеъмол ва даромадлар ўртасида ўзаро мувозанатни таъминлашга хизмат қилмайди; *
- истеъмолнинг даромадга нисбатан пропорционал ра-

²⁶ Козырев В.М. Основы современной экономики. —М.: ФиС, 2001, - 147 с.

вишда ўсиб бориши $Y=C+S$ тенгликнинг $Y=C$ га кўринишига олиб келади, натижада жамғарманинг шаклланиш жараёни содир бўлмайди;

- жамғарманинг вужудга келмаслиги $S=I$ тенглик бузилишига олиб келади, яъни ишлаб чиқаришга қилинадиган инвестиция ҳажмининг камайиши юз беради;

- иқтисодиётда инвестиция ҳажмининг камайиши товарлар ва хизматлар миқдорининг ўсишига ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришда фан-техника тарққиётига (ФТТ)га салбий таъсир кўрсатади ва бу иқтисодиётда талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносибликнинг бузилишига олиб келади;

- иқтисодиётда талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши натижасида жамиятдаги кишиларнинг иқтисодий фаровонлик даражаси пасайиб боради.

Жамиятда кишиларнинг даромади ҳисобидан жамғарманинг вужудга келмаслиги кейнсчилик моделида ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатида қаралган инвестициянинг миқдорига салбий таъсир кўрсатади. Бу ўз навбатида бозор мувозанатини таъминлашнинг асосий механизмларидан бири бўлган инвестиция амал қилиш фаолиятининг чегараланишига олиб келади. Чунки инвестиция ишлаб чиқаришнинг янги қувватларини ва активларни яратиш орқали талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатини таъминлайди.

Аҳоли ва уй хўжалиги даромадларининг истеъмолдан орттирилган қисми ҳисобидан жамғарма фондларини шакллантиришга йўналтирган маблағларнинг миқдори инфляция таъсири остида ўзгариб туради.

Агар иқтисодиётда инфляция даражаси ошиб бориш тенденциясига эга бўлса, уй хўжалиги вакиллари ўз жамғармаларини қаттиқ валютада сақлайди ёки кўчмас мулкка сарфлайди. Чунки миллий валютада жамғармага қўйилган маблағлар ҳисобидан олинаётган даромадлар инфляция таъсири остида ўзининг қийматини йўқотади. Худди шу ҳолат кишиларнинг ва уй хўжалигининг банкларга жам-

фармаларни қўйишдан кўрадиган манфаатдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Боз устига, айрим ҳолларда омонатчилар жамғармага қўйган маблағларни истаган пайтда ололмаслик ҳолатлари уларнинг молия-кредит тизимига бўлган ишончининг пасайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида бозор мувозанатини сақлашда асосий эътиборга олинadиган товар ва пул бозоридаги мувозанатнинг бузилишига замин яратади.

Иқтисодий назарияда товар бозори деганда нафақат товарлар ва хизматлар бозори, балки инвестиция бозорлари ҳам назарда тутилади. Албатта ушбу бозорлар моҳияти жиҳатидан бир-биридан фарқ қилса-да, лекин уларга бўлган талабнинг бир хиллиги билан ифодаланди. Эркин иқтисодиёт шароитида истеъмол ва инвестиция бозорларига бўлган талабнинг миқдори ҳар хил омиллар таъсирида ўзгарувчан бўлади. Истеъмол товарларига бўлган талабнинг миқдорига даромад таъсир қилса, инвестиция бозорига юқорида қайд этилган инфляция даражаси ва фоиз ставкасининг миқдори бевосита таъсир қилади.

Пул бозорида қисқа муддатли қимматли қоғозларнинг олди-сотдиси амалга оширилади. Қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлик даражаси акция ва облигацияларнинг ушбу бозорда олди-сотдисининг ҳажми ва айланиши билан изоҳланади. Хўжалик юритувчи субъектлар ва уй хўжалиги ўртасида пул бозори муносабатларининг такомиллашуви мамлакатда эркин молиявий ресурсларнинг мустаҳкам манбасини шакл-лантиради.

Товар ва пул бозорининг ўзаро мутаносибликда ривожланиши миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлашнинг такомиллашган усулларидан фойдаланиш имкониятини беради.

Бозор мувозанатини таъминлашнинг классик ва неоклассик моделлари ҳамда кейнсчилар қарашларининг таҳлили асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- ушбу мактаб вакиллари бозор мувозанатини таъминлаш бўйича қатор самарали моделларни яратган ва уларнинг кўпчилиги амалиётда ўзининг ижобий натижасини топган;

- бозор мувозанатини таъминлаш бўйича яратилган моделлар кўп қиррали бўлиб, улар бир бирини тўлдириш, айрим ҳолларда эса инкор этиш хусусиятига эга;

- бозор мувозанатини таъминлашга турли омиллар таъсир этиши сабабли унинг идеал моделини яратишнинг имконияти мавжуд эмас. Буни Б.Сэй, Л. Вальрас, Ж. Кейнс томонидан яратилган моделларда кузатишимиз мумкин.

Миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлашда тоталитар буйруқбозлик моделидан эркин иқтисодиёт моделига ўтишда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш тамойилларига асосий эътибор қаратилган. Унга кўра, аҳолининг кам таъминланган қатлами, давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ҳимоясига олинган бўлиб, уларнинг кунлик товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжлари моддий маблағ билан таъминланади. Натижада ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар истеъмолининг пасайиши ҳолларида давлатнинг аҳолига йўналтирган субсидия, трансферт ва моддий ёрдами асосида тартибга солиниб, бозор мувозанатини таъминлашга эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлашнинг моделлари ҳақида алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деб таъкидлади: “Мамлакатимизни ривожлантириш ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, «бошқариладиган иқтисод», «бошқариладиган демократия» деб аталмиш моделлар бизга мутлоқо тўғри келмайди.

Албатта, биз, аввалгидек, давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик тамойилига бундан буён ҳам қатъий амал қиламиз. Аммо, мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида ўзини оқла-

ган бу тамойилнинг юқорида тилга олинган моделларга ҳеч қандай алоқаси йўқ”²⁷.

Ўзбекистонда бозор мувозанатини таъминлашда қўлланиладиган модель кўп жиҳатдан неоклассик мактаб вакили В.Парето ва америкалик рус иқтисодчи В.Леонтьевнинг моделларига мос келади. Уларнинг бозор мувозанатини таъминлашдаги моделининг асосида даромадларни қайта тақсимлаш ва тармоқлараро ўзаро мутаносибликка эришишда давлатнинг иштироки кўзда тутилади.

Миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлаш бўйича жорий этилган “ўзбек модели” ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Жумладан, мамлакатда жами ички маҳсулот ҳажмининг мувозанатли ўсиб бориши таъминланди, инфляция ва ишсизлик даражаси кўрсаткичларининг нисбатан паст даражасига эришилди, давлат мулкни хусусийлаштириш жарёнлари жадал олиб борилмоқда. Аммо, шунга қарамасдан, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш юзасидан айрим долзарб муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан:

- товар ва пул бозоридаги ўзаро мутаносибликни таъминлаш юзасидан кўпчилик ҳолларда маъмурий усуллардан фойдаланиш натижасида миллий иқтисодиётда салбий ҳолатлар вужудга келмоқда. Хусусан, банкда ташқари пул айланмасини банкларга жалб қилиш ва кредит муассасаларига аҳолининг ишончи пасаймоқда;

- иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг талаб даражасида эмаслиги қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни етарлича амалиётга жорий этиш имкониятини бермаяпти;

- деҳқон ва фермерларнинг ерга эгалик ҳиссининг тўлиқ шаклланмаганлиги ундан самарали фойдаланишга тўсиқ бўлмоқда, шунингдек, ерни узоқ муддатга ижарага олган фермер хўжалиқларида ерга экиладиган маҳсулотни эркин танлаш ҳуқуқи бир мунча чегараланган;

²⁷ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. —Тошкент, Ўзбекистон, 2005. — 35 б.

- миллий иқтисодиётда мавжуд ишлаб чиқариш воситаларининг жисмоний ва маънавий эскирганлиги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятига салбий таъсир этмоқда;

- қишлоқларда ишчи кучларининг ўсиб бориши натижасида иш жойларини кўпайтириш билан боғлиқ муаммолар ўз ечимини кутаётган масалалар туркуми-дандир.

Келтирилган муаммоларнинг ҳал этилиши мамлакатда бозор мувозанатини янада самарали таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва фаровонлигини оширишнинг янги имкониятларини вужудга келтиради. Мамлакатда асосий эътиборни қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарали кечишига, жумладан, қишлоқ хўжалигида зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликларни тендер асосида тугатиш масалаларига қаратиш лозим. Масалан, тендер асосида 1000-1200 гектардан ортиқ ер майдони ва мол-мулки мавжуд бўлган ширкат хўжаликларни 35-45 та фермер бўлиб олмоқда. Натижада қишлоқ жойларда бир неча минглаб аҳоли ишлаб турган жойларидан маҳрум бўлмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бозор мувозанатини таъминлашга таъсир қилувчи омиллар кўп қиррали бўлиб, унинг асосийлари қуйидаги чизмада (1.1-расм) келтирилган.

Чизмадан кўриниб турибдики, бозор мувозанатини таъминлашга таъсир қилувчи омиллар жуда кўп қирралидир. Давлат томонидан бозор мувозанатини таъминлашда солиқ сиёсати асосий омиллардан бири ҳисобланиб, ундан оқилона фойдаланиш иқтисодиётдаги тармоқларнинг ўзаро мутаносибликда ривожланиб бориши билан бирга мамлакат бюджети даромадлар қисмининг етарли даражада шаклланишига хизмат қилади. Шунингдек, аҳоли ва уй хўжалиги даромадлари шаклланишининг барқарор даражасини таъминлаш асосида уларнинг жамғармага йўналтирадиган маблағларининг миқдорига ижобий таъсир кўрсатади.

Солиқ юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки (даромади)ни қонуний йўл билан давлат томонидан ўзлаштирилишидир. Унинг ставкаси қанчалик юқори бўлса, аҳоли

ва уй хўжалиklarининг даромади шунчалик камайиб боради. Шу сабабли улар солиққа тортиладиган даромад (фойда) базасини ҳар хил йўллар билан яшириб қолишга ёки унинг даражасини камайтириб кўрсатишга уринади. Чунки аҳоли ва якка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлар даромадидан олинаётган солиқнинг юқорилиги уларнинг истеъмолини қондириш даражасига салбий таъсир кўрсатиш билан бирга ишлаб чиқариш циклини ривожлантириш ва уни модернизациялашга имконият туғдирмайди. Натижада давлатнинг солиқ тушумлари ҳисобидан мўлжалдаги даромадларининг шаклланишида салбий ҳолат вужудга келади. Солиқ ставкаларининг паст даражаси аҳоли ва уй хўжалиги вакиллари даромадига сезиларли равишда таъсир қилмаганлиги туфайли уларни тўламасликдан ёки яширишдан манфаатдор бўлмайди. Бу уларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга имконият туғдириш билан бирга давлатнинг солиқ тўловлари тушумининг барқарор даражасини таъминлайди.

Бозор мувозанатини таъминлашга таъсир қилувчи омиллار²⁸



1.1-расм.

²⁸ Расм муаллиф томонидан тузилган.

1-иловада ривожланган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотига нисбатан ўрнатилган солиқлар ставкаси ва уларнинг улуши ҳақида маълумот келтирилган.

Мамлакатда бозор мувозанатини таъминлашда пул-кредит сиёсатининг аҳамияти жуда катта. Бунда асосий эътибор иқтисодиётдаги товар ва пул массасининг мутаносиблигига қаратилади. Ушбу мувозанатни таъминланишда кескин даражада тебраниш содир бўлса, мамлакатда ишсизлик ва инфляция даражаси бўйича салбий ҳолатлар вужудга келади. Иқтисодиётда ишсизлик ва инфляция даражаси бир-бирига боғлиқ ҳолатда ривожланиб, бир бирини тўлдириб боради. Яъни иқтисодиётда инфляция даражасининг ошиб кетиши ишсизлик даражасининг камайишига, инфляция даражасининг пасайтирилиши ишсизлик даражасининг ошиб кетишига олиб келади.

Мазкур ҳолатларнинг мавжудлиги давлат томонидан товар ва пул бозоридаги мувозанатни таъминлаш заруритини келтириб чиқаради. Мамлакатда товар ва пул ўртасидаги мутаносибликка эришиш орқали бозор мувозанатини таъминлаш унинг молиявий агенти ҳисобланган марказий банкнинг пул-кредит сиёсати асосида тартибга солинади. Пул-кредит сиёсатининг асосий дастаклари сифатида:

- очиқ бозордаги операциялар;
- мажбурий заҳираларни яратиш;
- қайта молиялаш ставкаси;
- валюта сиёсатини таъкидлаш лозим.

Марказий банкнинг ушбу дастаклари иқтисодиётда пул айланишига ва унинг массасига бевосита таъсир ўтказиб, товар массаси билан ўзаро мувозанатини таъминлашга хизмат қилади.

Марказий банкнинг очиқ бозордаги операциялари фонд бозорларида давлатнинг қимматли қоғозларини ва марказий банкнинг облигацияларини сотиши орқали иқтисодиётда пул массасини қисқартиради, аксинча уларни муомаладан сотиб олиш орқали иқтисодиётдаги пул массаси-

нинг миқдорини оширади. Ушбу операцияларнинг миқдори ва чегараси товар массасига нисбатан аниқланиб, бунда асосий эътибор улар ўртасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилади.

Марказий банк мажбурий заҳираларни яратиш инструменти орқали тижорат банкларининг жалб қилинган ресурсларининг ҳажмига таъсир кўрсатади. Тижорат банкларининг жалб қилинган ресурслар ҳажмининг қисқариши улар томонидан амалга ошириладиган пул мультипликатори ҳажмининг қисқаришига олиб келади. Масалан, тижорат банкларининг жалб қилинган маблағларига нисбатан 15 фоиз мажбурий заҳира ўрнатилган ҳолда улар томонидан жалб қилинган 250 минг сўм пул мультипликатори натижасида муомаладаги пул массаси 1,0 млн. сўмга ортади.

Марказий банк пул кредит сиёсатини амалга оширишда қайта молиялаш ставкаси орқали мамлакатда ишлаб чиқариш (таклиф) ҳажмига бевосита таъсир кўрсатади. Мамлакатда аҳоли ва уй хўжалиги вакиллари даромади таркибида S жамғарма миқдорининг камайиб кетиши натижасида инвестиция I ҳажмининг пасайиши бозор мувозанатининг асосий дастаклари бўлган талаб ва таклиф ўртасида ўзаро номуносабатликни келтириб чиқаради. Худди шу жараёнда марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси иқтисодиётда ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги пул тақчиллигининг олдини олишга хизмат қилади.

Валюта сиёсати орқали бозор мувозанатини таъминлашда миллий валюта курсининг хориж валютаси курсига бўлган нисбатининг барқарорлигини таъминлашга қаратилади. Бу марказий банкнинг валюта интервенцияси орқали амалга оширилади. Марказий банк томонидан хориж валютасининг миллий бозорга интервенция қилиши оқибатида муомаладаги пул массаси ҳажмининг товар массасига нисбатини таъминланишга эришилади.

Ўзбекистон иқтисодиётида 1990-йилларнинг охиридан бошлаб талаб ва таклиф ўртасида номувозанатликлар ву-

жудга кела бошлади. Бунинг асосий сабаби, биринчидан, миллий иқтисодиётнинг марказдан режалаштириш тизи-мига асосланган социалистик тузумнинг фаолияти туга-ган бўлса; иккинчидан, мамлакатда эркин рақобатга асосланган бозор муносабатларининг янги механизм-ларининг таркиб топаётганлиги билан изоҳланади.

Худди ана шу босқичда мамлакатда шаклланиб келаёт-ган иқтисодий механизмларининг фаолиятини самарали йўлга қўйиш орқали бозор мувозанатини таъминлашда давлат иштирокининг зарурлиги яққол намоён бўлди. Шу боис мамлакат тараққиётининг «Ўзбек модели» яратилди. Мазкур моделнинг моҳиятига кўра, Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган, замонавий ва очиқ бозор иқтисоди-ётини босқичма-босқич шакллантириш тамойиллари бел-гиланган. Ушбу тамойилнинг асосий ядросини давлатнинг бош ислохотчи сифатида миллий иқтисодиётда бозор му-возанатини таъминлашда бевосита иштироки назарда ту-тилади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқ-даки, мамлакатда бозор муносабатлари қанчалик юқори даражада такомиллашган бўлса, уни бошқаришда давлат-нинг иштироки сезиларли даражада қисқариб боради. Ҳозирги пайтда БМТга аъзо бўлган мамлакатлар иқтисо-дий салоҳиятига ва жаҳон андозаларига мос келишига қараб учта йирик гуруҳга ажратилади:

Биринчи гуруҳга аҳолиси жон бошига тўғри келадиган миллий даромади юқори бўлган индустриал ривожланган мамлакатлар (Шимолий Америка, Ғарбий Европа ва Тинч океани ҳавзасидаги 24 та мамлакатлар) киради. Уларнинг ичида еттита мамлакат ўта юқори даражада ривожланган бўлиб, дунёда жами миллий маҳсулотнинг 47 фоизини ва жаҳон товар айланмасининг 51 фоизини ўзида мужассам этган.

Иккинчи гуруҳга ривожланаётган давлатлар (Осий, Африка ва Лотин америкасидаги 132 мамлакат, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад ўртача ва ундан паст да-ражада ривожланган) киради.

Учинчи гуруҳга иқтисодиёти ўтиш даврида турган мамлакатлар (Марказий ва Шарқий Европа ва собиқ СССР, жами 28 та мамлакат) киради.

Биринчи гуруҳ мамлакатларининг иқтисодиётини бошқаришда асосий воситалар сифатида бозор механизми ва дастаклари майдонга чиқади. Одатда бозор муносабатларининг ривожланиш даражаси юқори бўлган мамлакатларда либерал макроиқтисодий сиёсат олиб борилади. Классик сиёсий иқтисод асосчиси А.Смит таълимотида олдинга сурилган давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокининг чекланганлиги тўғрисидаги ғояни ушбу мамлакатлар тажрибасида кузатишимиз мумкин ва улар иқтисодиёти ривожланган цивилизация маркази ҳисобланади.

Иккинчи ва учинчи гуруҳга кирган мамлакатлар марказдан узоқроқда жойлашган периферия майдонига муносиб бўлиб, уларда иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг иштироки сезиларли даражада юқори бўлади. Улар ҳам марказга қараб ривожланиб борган сари давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки қисқариб боради. Агар жаҳон цивилизацияси ривожланмаган ёки ўртача ривожланган майдонга кирадиган мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда давлатнинг бутун ички ва ташқи имкониятлари ишга оқилона иқтисодий ислохотлар амалга оширилса, улар жаҳон цивилизация марказига тобора яқинлашиб бораверади (1.2-расм). Худди шу жараён ва тажриба ҳозирда цивилизациялашган макроиқтисодий майдонга кирадиган мамлакатлар иқтисодиётига ҳам жорий этилган.

Жаҳон иқтисодий майдонининг оддий модели²⁹



1.2-расм

Бу каби ҳолат иккинчи жаҳон урушидан кейин цивилизация даражаси ривожланмаган ёки ўртача ривожланган бир қатор мамлакатлари, жумладан, Япония ва Жанубий Корея иқтисодиётига жорий этилган бўлиб, периферия майдонидан жаҳон цивилизацияси марказига кириб олишга имконият яратди. Ушбу мамлакатлар иқтисодиётдаги асосий ислоҳотларни амалга оширишда институционалистлар ва кейнсчилар таълимотига таянди. Худди шу йўл билан ҳозирги кунда Хитой ва Вьетнам ўз иқтисодиётини ривожлантирмоқда.³⁰

Цивилизация даражаси юқори бўлган мамлакатларда бозор мувозанатини таъминлашда давлат иштироки сезиларли даражада пасайтирилган даври ушбу мамлакатларда табиий инқирозлар (ички ва ташқи иқтисодий инқирозлар, урушлар, зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини ва бошқалар) вужудга келмаган вақтгача давом этади. Чунки мамлакатда табиий офатларнинг содир бўлиши таъмин-

²⁹ Расм муаллиф томонидан тузилган.

³⁰ Селищев А.С. Макроэкономика. -Санкт-Петербург, 2002. – 49 с.

ланган бозор мувозанатининг бузилишига бевосита таъсир кўрсатади. Масалан, 1929-1933 йилларда Шимолий Америкада содир бўлган Буюк инқироз, 1939-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон уруши, 1998 йилда Россия ва Осиё мамлакатларидаги иқтисодий инқирозлар бевосита шу мамлакатларнинг ўзида ва улар билан иқтисодий ҳамкорлик олиб бораётган мамлакатларда иқтисодий таназзул ҳолатини келтириб чиқариши натижасида бозор мувозанатининг таъминланишида муаммоларни вужудга келтирди.

Таъкидлаганимиздек, бозор мувозанатини таъминлашга таъсир этувчи омиллар кўп қиррали бўлиб, уларнинг асосийларини ушбу параграфда атрофлича ўргандик, унга таъсир этувчи асосий омиллардан бири бўлган бозор механизмларини кейинги бобда батафсил таҳлил қилишимизни инobatга олиб, мазкур параграфда унга ўрин берилмади. Бозор мувозанатини таъминлашда унинг ҳуқуқий базасининг қандай даражада шакллантирилганлиги ва уларнинг амалиётда ишлаши муҳим аҳамият касб этади. Навбатдаги параграфда ушбу масала миллий иқтисодиёт миқсолида атрофлича таҳлил этилади.

Ушбу параграф бўйича қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари сурамиз:

- миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлашнинг моделлар турли туман бўлиб, улар амалиётда жорий этишда мамлакат миллий иқтисодиётининг ўзига хос жиҳатларини инobatга олиш зарур. Хусусан, Ўзбекистоннинг асосий иқтисодиёти аграр хўжаликка асосланган, шу боис мамлакатда асосий эътибор қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлашга қаратиш лозим бўлади;

- бозор мувозанатига ижобий таъсир қиладиган инвестиция миқдорини ошириш мақсадида мамлакатда инвестиция муҳитини шакллантириш лозим;

- бозор мувозанатини таъминлашда муҳим воситалардан ҳисобланган пул ва товар массаси ўртасидаги мутаносибликни оптимал даражада сақлаш зарур;

- давлатнинг иқтисодиётни бошқаришида бозор механизмларини босқичма-босқич тўлиқ жорий этишга эришиш;

- аҳолининг даромадларини кўпайтириш орқали уларнинг истеъмол ва жамғарма имкониятларини оширишга эришиш лозим.

Хулоса қилиб айтганимизда, бозор мувозанатини таъминланишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, унга таъсир этувчи омилларни самарали бошқаришга эришиш мамлакатда бозор мувозанатининг таъминланиши халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

2- БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР МУВОЗАНАТИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

2.1. Бозор мувозанатини таъминлашда талаб ва таклифнинг роли

Талаб ва таклиф бозор мувозанатини таъминлашнинг асосий дастаги ҳисобланади. Мазкур дастак ишлаб чиқарувчилар томонидан бозорга таклиф этилаётган товарларга истеъмолчиларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда шаклланган келишув нархини аниқлаш асосида иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлайди. Дарҳақиқат, талаб ва таклиф бозор иқтисодиётининг муҳим категориялари сифатида унинг иштирокчилари (ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар) ўртасидаги муносабатларни тартибга солиди ва улар фаолиятини бозор талаблари асосида ташкил этишга мўлжал бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътиборни қаратиб, «ҳозирги босқичда иқтисодиётни янада эркин-лаштириш, унинг ўз-ўзини мувофиқлаштиришида талаб ва таклиф асосидаги бозор механизмларидан кенг фойдаланиш, хўжалик юритувчи корхоналарга мустақил-лик бериш, рақобат муҳитини яратиш, давлатнинг, турли текширувчи, назорат қилувчи органларнинг корхоналар хўжалик фаолиятига тўғридан-тўғри аралашувига йўл қўймаслик устувор аҳамият касб этади»³¹, деб таъкидлаган эди.

Талаб ва таклиф якка, бозор ва ялпи кўринишларда намоён бўлади. Мазкур параграфда ушбу кўринишларнинг моҳияти, талаб ва таклиф қонуни ҳамда эгри чизиғи (эла-

³¹ Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-том. — Тошкент, Ўзбекистон, 2000. — 498 б.

стиклиги) назарий ва амалий жиҳатлари хусусида сўз боради.

Алоҳида истеъмолчининг, яъни аҳоли, уй хўжалиги ва тадбиркорнинг маълум товарлар турига бўлган талаби якка талаб дейилади. Кўпчилик истеъмочиларнинг маълум турдаги товар ва хизматларга бўлган талабларининг йиғиндиси **бозор талаби** дейилади. Демак, якка талаб, бозор талаби ва ялпи талаб бири иккинчисини инкор этмасдан, аксинча, бир бирини тўлдирган ҳолда бозор мувозанатини таъминлашга хизмат қилади. Бу мувозанатнинг таъминланишида бозор иқтисодиётининг асосий категорияси ҳисобланган нарх етакчи роль ўйнайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида барча товарлар ва хизматларнинг ҳажми, сифати, миқдорига бўлган талабни аниқлайдиган нарх ўз навбатида талаб ва таклиф асосида шаклланади. Демак, талаб ва таклиф асосида шаклланган нарх фақат эркин иқтисодиётга хос бўлиб, бозор мувозанатини таъминлашга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади.

Бозордаги товарлар ва хизматлар миқдорининг ҳажми ўзгармаган ҳолда нархнинг пасайиши талаб миқдорининг ошишига олиб келади. Аксинча, худди шу ҳолатда нархнинг ошиши истеъмолчиларнинг мазкур товарга бўлган талабини сезиларли равишда пасайтиради. Дарҳақиқат, нарх ва талаб ҳажми ўртасида тескари мутаносиблик мавжуд бўлиб, талаб қонуни деб аталади. Бозор мувозанатини таъминлашда талаб қонунининг амал қилишини қуйидаги ҳолатларда кўришимиз мумкин:

1. Талаб қонунига кўра, товарлар ва хизматлар нархнинг пасайиши уларга бўлган талаб ҳажмини оширади. Чунки истеъмолчи учун асосий муаммо товарлар ва хизматларнинг нархи ҳисобланади. Шу боис ишлаб чиқарувчилар йилнинг охирида ёки мавсумнинг тугашида товарлар ва хизматларнинг нархини ошириш йўли билан эмас, балки уларнинг нархини тушириш асосида товар заҳираларини камайтиришга эришади.

2. Истеъмолчи навбатдаги товар ёки хизматлардан дастлабкисига нисбатан камроқ наф олади. Масалан, истеъмолчига иккинчи шиша пиво биринчисига нисбатан камроқ қониқиш беради. Яъни истеъмолчига дастлабки шиша пивонинг нафлилиги иккинчисига нисбатан кўпроқ бўлиб, у дастлабки шиша пиводан юқори даражада қониқиш ҳосил килади.

Дарҳақиқат, ҳар қандай товар ва хизматнинг навбатдагисининг нафлилик даражаси пасайиб борар экан, истеъмолчи навбатдаги бирликни битта шарт асосида, яъни унинг нархи дастлабкисига нисбатан паст бўлганда уни сотиб олишга мойиллиги юқори бўлади.

3. Талаб қонунининг амалиётда намоён бўлишини даромад ва алмаштиришнинг нафлилигида яққол кузатиш мумкин. Истеъмолчи даромадининг самарадорлиги қанчалик юқори бўлса, яъни унда мавжуд бўлган маблағга бозордан мўлжалдаги товарни мумкин қадар кўпроқ сотиб олиб, эҳтиёжини юқори даражада қондирса, унинг даромадининг нафлилик даражаси шунчалик юқори бўлади. Бунинг учун маълум миқдордаги товарларнинг нархи у истаган тарзда арзон бўлиши лозим. Шунда у ушбу товарга муқобил бўлган товарни сотиб олмасдан мазкур товарни сотиб олишга шунчалик кўпроқ мойиллик сезади. Бошқача қилиб айтганда, товар нархининг пастлиги истеъмолчининг харид қобилиятини оширади, бунинг натижасида истеъмолчи ушбу товардан мумкин қадар кўпроқ сотиб ола бошлайди. Товар нархининг пастлиги истеъмолчининг алмаштириш самарадорлигини оширади. Ушбу жараёни куйидаги мисолда кузатамиз. Мол гўшти нархининг пасайиши истеъмолчининг сотиб олиш қобилиятини оширади ва унда мол гўштини кўпроқ сотиб олишга мойиллик кучаяди (даромад самарадорлиги). Мол гўштининг арзонлиги истеъмолчига балиқ, товук, қўй ва бошқа гўштлиқни сотиб олишга бўлган хоҳишини йўқотади ва фақат мол гўшти сотиб олади (алмаштириш самарадорлиги). Демак, истеъмолчининг товарларни кўпроқ сотиб олишига ундайдиган омил нарх ҳисобланади.

Юқорида келтирилган таҳлиллар ва ўрганишлар натижасидан келиб чиқиб, талабга қуйидагича таъриф берамиз: Талаб (demand, D) бозор иқтисодиётининг муҳим категорияларидан бири бўлиб, пул билан таъминланган эҳтиёждир, яъни истеъмолчилар томонидан товарлар ва хизматларни маълум давр давомида маълум нарх асосида сотиб олиш имкониятидир.

Ҳар қандай иқтисодиётда талабнинг мавжудлигини тақозо қилувчи асосий омил тақлиф ҳисобланади. Талаб ва тақлиф бир-биридан алоҳида, якка тартибда ҳаракат қилолмайди ҳамда мавжуд бўлмайди. Шунингдек, уларнинг алоҳида ёки якка тартибдаги ҳаракати ва бозор мувозанатининг бузилганлигини англатади. Тасаввур қилинг, ишлаб чиқарилган товар учун истеъмолчи, агар талаб бўлмаса, ўз-ўзидан маълумки, ишлаб чиқарувчи ўз фаолиятидан манфаатдорлик сезмайди ва уни тўхтатади. Аксинча, товарларга талаб, яъни истеъмолчи бўлса-ю, лекин товарлар мавжуд бўлмаса, талаб қондирилмайди. Аслида биз яшаб турган борлиқ, маконнинг мавжудлиги кишиларнинг ҳаёт кечириши, аҳолининг ўсиши ва иқтисодий муносабатларнинг доимий равишда такомил-лашиб бориши ушбу категорияларни тақозо этади ва улар жамият тараққий этган сари доимий суръатда мураккаб-лашиб бораверади.

Тақлиф (supply, S) ишлаб чиқарувчи томонидан маълум вақт ичида яратилган ва маълум нархларда сотиш учун бозорга чиқарилган товарлар йиғиндисидир. Бу ерда асосий эътибор ишлаб чиқарувчилар тақлиф этаётган товарлар ҳисобидан олаётган даромади (фойдаси) асосий омил бўлиб ҳисобланади. Ушбу омилнинг ишлаб чиқарувчини ҳаракатга келтирувчи куч сифатидаги аҳамияти тақлиф қонунига боғлиқ.

Бозорга тақлиф этилаётган товарлар нархининг ошиши натижасида унга мутаносиб равишда тақлифнинг ҳам ҳажми ортиб боради. Аксинча, нархнинг тушиши натижасида тақлифнинг ҳамми ҳам ўз ўзидан тушади. Ушбу ало-

қадорлик иқтисодчилар томонидан таклиф қонуни сифатида илмий муомалага киритилди.

Маълумки, нарх истеъмолчи учун товарларни сотиб олишда асосий омил бўлиб ҳисобланади. Товарларнинг нархи қанчалик паст бўлса, истеъмолчи даромадининг нафлилиги шунчалик юқори бўлади. Натижада истеъмолчи сотиб олаётган товарлар ҳажмини оширишга мойиллик сезади.

Ушбу ҳолатнинг иккинчи жиҳатига эътибор берадиган бўлсак, ишлаб чиқарувчи бозорга таклиф этаётган товари ҳисобидан юқори миқдорда иқтисодий самара кўришни истайди. Худди шу иқтисодий самаранинг юқорилиги ишлаб чиқарувчининг таклифни кўпайтиришга бўлган мойиллигига ижобий таъсир кўрсатади. Иқтисодий нафлилик мавжуд бўлмаган ишлаб чиқариш муносабатларида ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг сустлашуви, ишлаб чиқарилаётган товарлар сифатининг ёмонлашуви ёки умуман талабга жавоб бермаслиги ҳоллари вужудга келади. Чунки бозор иқтисодиёти ва кишиларни ҳаракатга келтирувчи асосий куч фойда ҳисобланади.

Бир қарашда ушбу жараён фақат сотувчининг манфаатига хизмат қилаётгандай туюлади, лекин эркин иқтисодиётнинг маълум механизмлари ушбу жараённи табиий равишда тартибга солади. Бу рақобат механизми бўлиб, бозор иқтисодиётида талаб ва таклиф ўртасида ўзаро муносибликни тартибга солувчи механизм сифатида майдонга чиқади. Рақобат хусусида мазкур бобнинг кейинги параграфиди батафсил сўз юритишимизни инобатга олиб, ҳозирча бу ҳақда мулоҳаза юритишдан чекланамиз.

Таклиф эгри чизигининг ҳаракатига таъсир қилувчи омиллар хилма-хил бўлиб, уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқ:

- иқтисодиётнинг ривожланганлик ва ресурсларнинг мавжудлилик даражаси;

- ўзаро боғлиқ товарларнинг нархи ва нархлар ўзгаришининг кутилиши;

- молия-кредит тизимининг фоиз ставкалари ва уларнинг ривожланганлик даражаси;
- бозордаги ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг сони.

Демак, талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносибликка ва уларнинг ўзгаришига турли омиллар таъсир қилади. Лекин улар доимий равишда маълум нисбатда ҳаракатда бўлади. Баъзан, жадвал маълумотларидан кўрганимиздек, товарлар нархи ошиб кетиши натижасида талаб миқдори тушиб кетса, уларнинг нархи пасайиши натижасида таклифнинг миқдори ошиб кетиши кузатилади. Талаб миқдори билан таклиф миқдори ўртасидаги нисбат бир-бирига тенг бўлган ҳолат бозор мувозанатининг таъминланганлигини англатади.

Иқтисодиёт ривожланишининг ҳар қандай даражасида бозор мувозанатининг таъминланишига эришилади. Фақат бозор мувозанатининг таъминланиш гуруҳлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

Биринчи гуруҳ - кишилар эҳтиёжларини юқори даражада қондирилиши ҳисобига бозор мувозанатининг таъминланиши.

Мазкур бозор мувозанатининг таъминланиши ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларга хос бўлиб, бу мамлакатларда истиқомат қилаётган аҳолининг юқори даражадаги эҳтиёжлари пул билан таъминланган. Улар олаётган даромадлари ҳисобига яшаш учун зарур бўлган барча қулайлик (дам олиш, ўқиш, маиший хизмат ва бошқалар) ва шароитни (уй-жой, машина, компьютер ва бошқалар) яратиш имкониятига эга. Уларда инсоннинг яшаши учун керак бўлган биринчи даражали товарлар ва хизматларга эга бўлиш муаммоси мавжуд эмас.

Иккинчи гуруҳ - кишилар эҳтиёжларини ўрта даражада қондирилиши эвазига бозор мувозанатининг таъминланиши.

Ушбу гуруҳга ривожланаётган мамлакатларни киритиш мумкин бўлиб, уларда яшаётган кишилар имкониятлари биринчи гуруҳга кирувчи мамлакатларнинг аҳолиси сингари бўлмаса-да, улар эҳтиёжларининг асосий қисми пул билан таъминланган. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва уларнинг жойлашиши бозор мувозанатининг ўрта даражада таъминланишига хизмат қилади.

Учинчи гуруҳ - кишилар эҳтиёжларининг паст даражада қондирилиши эвазига бозор мувозанатининг таъминланиши.

Унга ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларни киритиш мумкин. Албатта, мазкур мамлакатларда истиқомат қилаётган аҳоли маълум қисмининг юқори даражадаги эҳтиёжлари пул билан таъминланган. Лекин аҳолисининг асосий қисми олаётган даромадларнинг миқдори жуда кам бўлиб, уларнинг сотиб олиш қобилияти жуда паст. Ушбу мамлакатларда ҳам бозор мувозанати, яъни талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат таъминланган. Фақат таъминланганлик даражаси биринчи ва иккинчи гуруҳга кирувчи мамлакатлардаги таъминланган бозор мувозанатидан миқдор ва сифат жиҳатдан кескин фарқ қилиб, улар даромадининг нафлилиги асосан кунлик зарурий товарларга бўлган эҳтиёжларни (нон, шакар, чой ва бошқалар) қондиришга йуналтирилган. Қўшимча билим олиш, қимматбаҳо товарлар ва уйлар сотиб олиш ва маиший хизматлардан фойдаланиш юзасидан имкониятлари кескин даражада чегараланган.

Демак, бозор мувозанатининг таъминланишини юқори тўйинган, ўртача тўйинган ва паст тўйинган даражага ажратишимиз мумкин. Келтирилган ҳар учала даражада ҳам бозор мувозанати таъминланади, лекин ушбу таъминланишнинг муҳим омили бўлиб унинг сифат даражаси асосий аҳамиятга эга бўлади. Ушбу ҳолатнинг, яъни бозор мувозанатининг миқдорий ва сифат жиҳатидан ҳам таъминланиши муҳим аҳамиятга эга. Бозор мувозанатининг миқдорий жиҳатдан таъминланганлигидан кўра унинг си-

фат жиҳатидан таъминланганлиги ижобий ҳолат бўлиб, бунда бозорга таклиф этилаётган товарлар истеъмолчининг сифати жиҳатидан эҳтиёжини қондириш масаласи асосий ўрин тутади.

Юқорида биз ялпи талаб ва ялпи таклиф ҳақида фикр юритган эдик, қуйида уларнинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги ҳолатига ҳам атрофлича назар ташлаймиз.

Бозордаги талаб ва таклиф миллий иқтисодиётда маълум давр мобайнида яратилган товарлар ва хизматларнинг йиғиндисини акс эттиради. Талаб ва таклиф ҳақидаги илмий қарашлар мамлакатимизнинг иқтисодчи олимлари томонидан атрофлича ўрганилган ва тегишли назариялар шакллантирилган. Жумладан, иқтисод фанлари доктори О.Ҳамроев ялпи талаб реал ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар ҳажми бўлиб, мавжуд нарх даражасида истеъмолчилар харид қилишга тайёр бўлган моддий неъматлар ва хизматлар йиғиндисидир³², деб таъкидлайди.

Истеъмолчиларнинг харид қилиш қобилиятига улар даромадининг миқдори таъсир қилади. Истеъмолчилар олинган даромадни тўлиғича истеъмолга сарфламайди, унинг маълум миқдори жамғармага йўналтирилади. Истеъмолнинг ҳажми, таркиби ва миқдори аввало оилада шаклланади. Оила томонидан яратилаётган даромад барча солиқлар тўловидан кейин соф даромадни ташкил этади.

Кишиларнинг эҳтиёжлари чексиз бўлгани сингари талабнинг ўсиш суръати ҳам чексиздир. У доимий равишда ортиб боради, унинг қондирилиши эса истеъмолчи томонидан олинаётган даромад миқдорига боғлиқ. Демак, аҳоли даромадининг истеъмолдан чегириб жамғармага йўналтирилиши ялпи талабнинг маълум миқдорда камайишига олиб келади. Чунки аҳоли даромади ҳисобидан жамғармага йўналтирилган маблағлар истеъмолнинг камайишига олиб келади.

³² Ҳамироев О.Ҳ. Иқтисодий мувозанатнинг назарий асослари ва уни таъминлаш механизми. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. – Тошкент 2004. – 112 б.

Агар масаланинг иккинчи жиҳатини олиб қарайдиган бўлсак, аҳоли томонидан жамғармага йуналтирилган маблағлар мамлакат миқёсида ссуда фондларини шакллантиради, ушбу ссуда фондлари молия-кредит муассасалари томонидан қайта тақсимлаш механизмлари (кредит) асосида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилади. Бу ерда асосий эътиборни жамғармага ажратилган маблағларнинг молия-кредит муассасаларидан ташқарида айланишига асосий эътиборни қаратиш лозим бўлади. Чунки аҳоли ва корхоналарнинг вақтинчалик бўш ва жамғармага жўнатилган маблағларининг молия-кредит тизимидан ташқарида айланиши иқтисодиётда инфляция даражасининг ошиб боришига, бу эса ўз навбатида товарлар ва хизматлар нархининг кўтарилишига олиб келади. Нархнинг ошиб бориши натижасида ялпи талаб камайиши кузатилади, лекин маълум вақтдан сўнг ялпи таклифнинг кўпайиши нархни пасайтиришга хизмат қилмайди, яъни нарх кўтарилган даражасида узоқ вақт эмас, балки мунтазам сақланиб қолади. Бу ҳолат иқтисодий назариячилар томонидан “Храповик самараси” деб юритилади³³. Унга кўра, ялпи талабнинг ўсиши ва инфляция даражасининг юқорилиги қисқа муддатда нарх даражасини оширади, лекин унинг пасайиши эса ҳар доим ҳам товарлар нархининг тезда тушишига олиб келавермайди.

“Храповик самараси”ни Ўзбекистон иқтисодиётига татбиқ қиладиган бўлсак, ҳақиқатда ҳам бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки йилларида товарлар нархининг ўсиб борганлигини кузатишимиз мумкин. Шу давр ичида товарлар ва хизматлар нархининг сезиларли равишда пасайиш тенденциясига эга бўлмаганлигининг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

- ялпи таклиф ҳажмини оширишга хизмат қилувчи тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг етарли эмас-

³³ Мочерный С.В. и др. Экономическая теория. Учебник. -М.: Приор, 2000. - 305 с.

лиги, мавжудларининг эса асосий фондларининг эскирганлиги ва айланма маблағларининг тақчиллик муаммосининг мавжудлиги. Шунингдек, замонавий технологияларни сотиб олиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш учун қаттиқ валюталарнинг етишмаслиги ҳамда ушбу муаммолар ечимини топиш юзасидан давлатнинг пухта ва узоқ муддатли стратегик режаларининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;

- аҳоли ва ишлаб чиқарувчиларнинг миллий валютага бўлган ишончининг нисбатан пастлиги натижасида молия-кредит муассасаларида омонатларни сақламаслиги, бу ўз навбатида инфляция даражасининг ошиб боришига ва аҳолининг сотиб олиш қобилиятининг пастлигига олиб келиши;

- ялпи талабнинг пастлигига аҳоли ва ишлаб чиқарувчилар даромадларининг нисбатан пастлиги натижасида уларнинг сотиб олиш имкониятларининг чегараланганлиги ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Энди ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатига тўхталадиган бўлсак, уларнинг икки кўриниши, яъни статик ва динамик ҳолати мавжудлигини эътироф этиш лозим. Талаб (demand, AD) ва таклифнинг (supply, AS) статик мувозанати уларнинг қисқа лаҳзаларда туташганини қайд этган ҳолатдир. Уларнинг динамик мувозанати деганда талаб билан таклифнинг ҳаракатдаги ва жўшқинликдаги тенглашган ҳолати тушунилади. Талаб билан ялпи таклифни тенглаштирган нарх мувозанатли нарх дейилади. Мувозанатли нархнинг, яъни бозор мувозанатининг бузилишига талаб ва таклиф миқдорининг ўзгариши, миллий валютанинг қадрсизланиши (инфляция) ва бошқа омиллар таъсир қилади.

Инфляция иқтисодиётда товар ва пул массаси ўртасидаги мутаносибликнинг бузилиши натижасида вужудга келади. Иқтисодиётга зарур бўлган пул маблағлари яратилган миллий даромад эвазига эмас, балки муомалага қўшимча пуллар чиқариш йўли билан қопланади. Натижа-

да пул массаси товар массаси билан қопланмаган талаб миқдоридан ошиб кетиш ҳолати рўй беради. Бу ўз навбатида миллий иқтисодиётда ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига олиб келади.

Миллий иқтисодиётни эркинлаштиришни янада чуқурлаштириш жараёнида мувозанат масаласи ниҳоятда долзарб эканлигини Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг ушбу масалага алоҳида эътибор берганлигидан ҳам англаш мумкин. Жумладан, И.Каримов “ҳар қандай инфляциянинг негизда асосий иқтисодий мувозанатларнинг бузилиши ётади”³⁴, деб таъкидлаган эди.

Жорий даврда ялпи талаб билан ялпи таклифнинг мувозанатини таъминлаш ва унинг истиқболдаги ривожланиши қандай ҳолатда ҳамда бу борада қандай муаммоларни ҳал қилиш лозим?

Албатта, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён ўтган давр ичида миллий иқтисодиётни бошқариш, бозор мувозанатини таъминлаш юзасидан қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, иқтисодиётнинг марказдан режалаштириш тизимидан бозор муносабатларига ўтишнинг босқичма-босқич тамойили яратилди ва амалиётга жорий этилди. Бу жараёнда асосий эътибор мавжуд муносабатларнинг янгисини яратмасдан, эскисидан воз кечмаслик асосий тамойил сифатида қаралди. Бозор мувозанатини таъминлашда тараққий этган мамлакатларнинг тажриба ва ижобий жиҳатлари миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини инobatга олган ҳолда амалиётга жорий этилди.

1997 йилдан бошлаб ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати аҳоли сонининг йиллик ўсиш суръатидан юқори бўла бошлади, қуйидаги жадвалда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳақидаги маълумот келтирилган (2.1-жадвал).

³⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Тошкент, Ўзбекистон, 1998. — 368 б.

2.1-жадвал

**Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш
ҳажмининг ўсиши³⁵**

Кўрсаткичлар	2002	2003	2004	2005	2006
Номинал ЯИМ, млрд.сўм	7469,3	9664,1	12189,5	15210,4	20759,3
ЯИМ нинг ўсиш суръати	4,2	4,4	7,7	7,0	7,3
ЯИМ нинг аҳоли жон бошига ўсиши, фоиз	3,2	3,2	3,6	3,7	3,8
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ миқдори (АҚШ доллари ҳисобида)	405,4	382,3	468,8	585,0	608

Таҳлиллардан кўринадики, ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўсиши мунтазам равишда ортиб борган. Масалан, мазкур кўрсаткич 1996 йилда $-0,2$ фоизни ташкил этган бўлса, 2006 йилда $3,8$ фоиздан иборат бўлган, ушбу кўрсаткич ижобий ҳолатда бўлган. Аммо унинг пул бирлигидаги улуши 2005 йилда 1996 йилга нисбатан $(581,5-585,0)=-3,5$ АҚШ долларига ошган. Демак, республика аҳолиси оладиган йиллик даромадлари миқдори пасайиб бориш тенденциясига эга бўлган. Бу бозор мувозанатини таъминлашдаги асосий муаммолардан бири ҳисобланиб, аҳоли харид қобилиятининг пасайиб бораётганлигидан далолат беради.

Энди ҳудудлар бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатини 2.2-жадвал ёрдамида таҳлил қиламиз.

³⁵ Аманов Э. Иқтисодий ўсиш — ривожланиш манбаи//Бозор пул ва кредит. Тошкент, 2005. №1. — 20 б.

2.2-жадвал

**Ўзбекистонда 2002-2006 йилларда ялпи ички
маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари³⁶
(ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)**

Худудлар	2002 й.		2003 й.		2004 й		2005 й.		2006 й.	
	жами	аҳоли жон бошига	жами	аҳоли жон бошига	жами	аҳоли жон бошига	жами	аҳоли жон бошига	жами	аҳоли жон бошига
Ўзбекистон Республикаси	104,2	102,9	104,4	103,2	107,7	103,6	107,0	103,7	107,3	106,1
Қорақалпоғистон Республикаси	101,6	100,8	110,1	109,4	110,6	110,3	109,2	108,1	106,3	105,9
Вилоятлар										
Лидижон	103,4	101,9	102,8	101,4	104,2	103,6	103,9	102,5	108,0	106,4
Бухоро	102,7	101,4	101,4	100,3	104,5	103,2	102,4	101,3	105,6	104,3
Жиззах	109,5	108,1	107,5	106,2	107,0	105,2	109,5	106,2	107,0	105,9
Қашқадарё	110,1	108,1	105,4	103,6	103,1	102,0	106,4	104,3	106,8	104,9
Навоний	104,8	104,3	103,9	103,4	101,4	104,4	104,9	102,4	106,3	105,7
Наманган	103,7	102,2	102,1	102,7	108,2	106,4	104,1	103,7	107,7	106,2
Самарқанд	107,6	106,1	106,9	105,4	103,9	104,3	106,9	105,4	108,9	107,3
Сурхондарё	104,0	102,2	105,3	103,5	104,8	102,8	105,3	103,5	108,6	106,9
Сирдарё	98,3	97,2	102,5	101,7	103,6	100,5	102,5	101,7	106,3	105,4
Тошкент	103,1	102,3	102,5	101,7	110,3	109,3	102,5	101,7	108,2	107,3
Фарғона	105,1	103,8	100,5	99,3	105,1	105,7	102,5	100,3	105,1	103,8
Хоразм	102,9	101,3	103,8	102,3	102,7	101,2	105,6	103,3	106,0	104,4
Тошкент ш.	102,6	102,6	104,4	104,4	107,2	103,3	106,4	103,3	108,9	108,4

Тадқиқот ишининг биринчи бобида бозор мувозанати-ни таъминлашга табиий офатларнинг таъсири ҳақида сўз юритган эдик. Фикримизнинг тасдиғини жадвалда келтирилган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоя-тида ЯИМнинг умумий ҳажми ва унинг аҳоли жон боши-га тўғри келадиган улушининг пасайиб кетишини 2000 йилда содир бўлган қурғоқчилик билан изоҳлаш мумкин. Лекин республиканинг бошқа ҳудудларида ялпи ички маҳ-сулотнинг йиллик ўсиш суръатлари ижобий кўрсаткичга

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат қўмитасининг статистика маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ога бўлган. Шу билан бирга, миллий иқтисодиётда ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасида ўзаро мувозанатни таъминлаш юзасидан айрим муаммолар ва тенденциялар мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш лозим.

Биринчидан, товар массаси билан пул массаси ўртасидаги мутаносибликнинг бузилиши натижасида аҳолининг харид қобилияти нисбатан паст даражада сақланиб қолаётганлиги, яъни иқтисодиётда товар билан таъминланмаган пулларнинг эмиссияси натижасида пул массасининг ортиб бориши товарлар нархининг ошишига олиб келмоқда. Масалан, иш ҳақини ошириш юзасидан ҳукумат қарори эълон қилинганда, байрамлар олдидан ёки айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг вақтинчалик тақчиллиги натижасида истеъмол бозорларидаги нархларнинг ошиши, лекин байрамлар ўтгандан ва ушбу товарнинг тақчиллиги барҳам берилгандан сўнг ялпи талаб камайса-да, нархларнинг олдинги даражага тезда ва доимо ҳам қайтиб келмаслик амалиёти мавжуд. Айниқса, республиканинг қишлоқ жойларида яшаётган аҳолининг асосий қисмининг биринчи даражали кундалик товарларга ҳамда майший хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш юзасидан даромадларнинг етишмаслиги миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлаш юзасидан самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишни тақозо этмоқда.

Иккинчидан, ялпи талабни кўпайтиришнинг асосий иқтисодий манбаси ҳисобланган аҳоли жамғармалари миқдорини кўпайтириш ва улардан самарали фойдаланишдаги мавжуд муаммолар. Муаммонинг моҳияти шундаки, юқорида таъкидлаганимиздек, аҳолининг молия-кредит тизимига бўлган ишончининг мустаҳкам эмаслиги товар ва пул массаси ўртасидаги мутаносибликнинг бузилишига олиб келмоқда. Жумладан, аҳоли ўз жамғармаларини миллий валютада эмас, хориж валюталарида омонатларга қўйиши, шунингдек, эҳтиёждан юқори даражада кўчмас мулк ва машиналарга маблағларни йўналтириши натижа-

сида айланма маблағларининг ишлаб чиқариш жараёнидан чиқиб кетиши содир бўлмоқда. Пул маблағларининг банк муассасаларидан ташқарида айланиши натижасида ишлаб чиқаришга йўналтирилаётган инвестиция ҳажмининг нисбатан заифлиги ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Учинчидан, ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасида мутаносибликнинг бузилишида хомашёларни тақсимлашда ва товарларни сотишда маъмурий ва хуфёна усулларнинг жорий этиш билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Маълумки, иқтисодиётни бошқаришда маъмурий усулларнинг жорий этилиши ва мамлакатда хуфёна иқтисодиётнинг мавжудлиги бозор мувозанатини таъминлашга салбий таъсир кўрсатади, яъни ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчини эркин танлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш асосида бозор мувозанатининг бузилишига олиб келади. Афсуски, бундай ҳолатлар аҳён-аҳёнда бўлса-да, миллий иқтисодиётимиз ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада ишлаб чиқарилаётган товарлар таннархининг ошиши Россия, Туркия ва Хитойда ишлаб чиқарилган молларга нисбатан қимат бўлишига олиб келмоқда.

Тўртинчидан, айти пайтда ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мутаносибликни таъминловчи мувозанатли нархнинг шаклланишига қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) такрорий тўлаш муаммоси ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, улгуржи савдо билан шуғулланувчи савдо корхонаси хомашёни импорт қилишда ҚҚС ни тўлашдан озод этилган. Ушбу солиқ тўловини амалга ошириш ишлаб чиқарувчининг бўйнига юклатилган бўлиб, у ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш жараёнида икки марта ҚҚС ни тўлашга мажбур бўлмоқда. Мазкур жараён товарлар нархининг ошиб кетиши натижасида истеъмолчиларнинг паст нархда сотиладиган товарлар томон оқиб кетишига ва маҳаллий корхоналар маҳсулотининг сотилмаслигига сабаб бўлади.

Фикримизча, бозор мувозанатини таъминлаш юзасидан талаб ва таклиф билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги миллий иқтисодиётнинг узоқ вақт давомида ҳукм суриб келган тоталитар-буйруқбозлик тизимидан мутлоқо янгича бўлган бозор муносабатларига ўтиш даврига хос бўлиб, уларнинг ечимини топиш юзасидан тегишли чоратадбирларнинг кўрилиши ўзининг ижобий натижасини беради, деб ҳисоблаймиз.

Талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносиблик ва бозор мувозанатини таъминлаш бўйича қуйидагиларни таклиф қиламиз:

- аҳолининг пул даромадларини ошириш орқали уларнинг сотиб олиш қобилиятини мустаҳкамлаш, улар томонидан қилинаётган жамғармалар миқдорини тўлиғича миллий валюталарда шакллантиришга эришиш, тез самара бермайдиган кўчмас мулкларга йўналтирилаётган молиявий маблағларни банклар орқали ишлаб чиқаришга жалб қилишнинг иқтисодий жиҳатдан самарали механизмини яратиш зарур;

- ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг эркин танлов ҳуқуқларидан фойдаланишига кенг имконият яратиш, ишлаб чиқариш ресурсларини шакллантириш ва айирбошлашда бозор механизмларини тўлиқ жорий этишга эришиш лозим;

- жаҳон бозорида ва миллий иқтисодиётда иқтисодий шароитларнинг ўзгаришига бозор нархи, товарлар ва хизматлар ҳажмининг таъсирини етарли даражада тўлиқ ўрганиш ва прогноз қилиб бориш лозим;

- бозор мувозанатини таъминланишда рағбатлантирувчи иқтисодий дастак ҳисобланган солиқ ставкаларини, жумладан, қўшимча солиқ ставкаларини белгилашда бозор мувозанатини таъминлашнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли стратегик ҳолатини инобатга олиш лозим.

Хулоса қилиб айтганимизда, бозор мувозанатини таъминлашда талаб ва таклиф ўртасида мутаносибликни таъминлаш масаласи фундаментал вазифалардан ҳисобланиб,

унинг ҳал этилиши иқтисодиётдаги ижобий ва салбий ҳолатларни ҳамда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимини топишга ёрдам беради.

2.2. Бозор мувозанатини таъминлашда нарх, рақобат ва фоиз ставкасининг ўрни

Бозор мувозанатини таъминлашда нарх, рақобат ва фоиз ставкаси муҳим иқтисодий механизм ҳисобланиб, талаб ва таклифнинг миқдорий ўзгариши ҳамда маълум мутаносибликка эришишида уларнинг ҳар бири ўзига хос иқтисодий вазифани бажаради.

Нарх, рақобат ва фоиз ставкаси бозор мувозанатини таъминлашда бир-бирига чамбарчас боғлиқ ва қарама-қарши ҳолда ҳаракат қилади, яъни айирбошланиш жараёнида талаб ва таклиф асосида вужудга келадиган нарх иқтисодиётдаги рақобат даражаси ва фоиз ставкаси таъсирида ўзгариб туради.

Ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқариш жараёнида бозор мувозанатини таъминлашда муҳим иқтисодий қонунлар, яъни қиймат қонуни, талаб ва таклиф ҳамда рақобат қонуни алоҳида ўрин тутаяди. Ушбу қонунларнинг ҳаракатлантирувчи кучи — истеъмолчи ва сотувчининг олди-сотди жараёнининг тўхтовсизлигини таъминловчи восита сифатида нарх майдонга чиқаяди. Нарх товар қийматининг пулдаги ифодаси ҳисобланади. Товар ва хизматларнинг қиймати ва уларнинг нафлилиги нархда намоён бўлади. Товар ва хизматларнинг қиймати ишлаб чиқарувчиларни, нафлилик эса истеъмолчиларни рағбатлантирувчи, уларни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида намоён бўлади.

Қиймат қонуни нарх категорияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, қийматнинг ташқи кўриниши нархда акс этади. Қиймат қонуни бозор иқтисодиёти шароитида учта: рағбатлантирувчи, тақсимловчи ва ишлаб чиқарувчиларни табақалаштирувчи каби функцияларни бажаради. Шунин-

гдек, нарх иқтисодий мувозанатни таъминлаш, қийматни ҳисобга олиш, тартибга солиш, рақобат воситаси ва ижтимоий ҳимоя каби турли вазифалар бажаришини ҳам таъкидлаш лозим.

Мазкур параграфда нархнинг бозор мувозанатини таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини ёритишни эътиборга олиб, унинг барча вазифаларига ва унинг бошқа хусусиятларига кенг тўхталишдан чекланган ҳолда қуйида нархнинг мувозанатни таъминлаш вазифасига ва унга таъсир этувчи омилларни атрофлича ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Мувозанатни таъминлаш вазифасида нарх бозорда талаб ва таклифнинг ҳажми, таркибига таъсир этиш орқали уларни мувозанат ҳолатига келтиради. Бозор нархи мувозанатли нарх ҳисобланиб, товарларни истеъмолчилар томонидан маълум бир нархларда сотиб олишини таъминлайди ва бозорнинг товарларга бўлган эҳтиёжини тартибга солиб туради.

Ўзбекистонда иқтисодий назариянинг етакчи мутахассисларидан бири — профессор Ш.Шодмонов «нарх реал бозор иқтисодиёти шароитида товар ва хизматларнинг ижтимоий қиймати ва ижтимоий нафлилигининг пулдаги ифодасидир»³⁷, деб таъкидлайди.

Нархга таъсир этувчи омиллар турлича бўлиб, уларнинг асосийлари сифатида товарларнинг таннархи, иқтисодиётда эркин рақобатнинг мавжудлиги, талаб ва таклиф қонунининг амал қилиш даражаси, товар ва хизматларнинг сифати ва нафлилиги, аҳолининг сотиб олиш қобилиятининг ҳолати, давлатнинг нарх стратегиясини шакллантиришдаги ўрни кабилардир. Нархга тўғридан-тўғри таъсир қиладиган товар ва хизматларнинг таннархи ҳамда уларнинг нафлилиги каби икки омил нархнинг бозор мувозанатини таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини белгилаб бе-

³⁷ Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. —Тошкент, Молия, 2002. — 168 б.

ради. Чунки ишлаб чиқарувчи сотадиган товардан муайян миқдорда фойда олишга ҳаракат қилади, яъни у товарнинг таннархидан юқори нархда сотишга интилади. Ушбу товарнинг нафлилик даражаси юқори ва нисбатан арзон бўлса, истеъмолчи уни сотиб олади. Натижада ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг манфаатлари маълум бир нуқтада кесишади, ушбу кесишиш нуқтасида мувозанатли нарх вужудга келади.

Бозор иқтисодиёти шароитида мувозанатли нархнинг шаклланишида рақобатнинг ўрни беқиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов рақобат ва унинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамиятига алоҳида эътиборни қаратиб: «Биз бозор шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўли рақобат эканини доимо ёдда тутишимиз керак.

Маъмурий усуллар эмас, айнан рақобат фаол ҳаракатга чорлайди. Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни янгилаш ва ривожлантиришга, харажатлар, таннархнинг қисқариб, натижада нархнинг арзонлашувига, омборларда ётган, ўтмай қолган маҳсулотнинг камайишига, янги бозор қидириш ва харидор учун курашни рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтиради»³⁸, деб таъкидлаган эди.

Рақобат жисмоний ва юридик шахсларнинг иқтисодий манфаатлари нуқтаи назаридан маълум бир соҳаларда мусобақалашуви ва беллашувини англатади. Иқтисодиёт соҳасида рақобатчилик муносабатлари бозор иқтисодиётининг асосий механизмлари сифатида товар ишлаб чиқариш шаклланиши билан бир вақтда вужудга келди. Рақобатнинг мавжудлиги бозор муносабатларининг мураккаб ва кўптармоқли тизимининг ривожланиши ва янада такомиллашиб боришига замин яратади. Рақобат бозор муносабатларини ривожланишининг қонуний асоси ҳисобланади.

Адам Смит томонидан иқтисодий назарияга илк бор

³⁸ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-том. — Тошкент, Ўзбекистон, 1999. — 127 б.

киритилган “кўринмас қўллар” назарияси ҳам энг аввало ўзида рақобат механизмларининг мазмунини акс эттиради. Рақобат “ҳар бир кишидан ўз қобилиятига яраша” таъмоилини реализация қилишга ва бунинг натижасида ўзаро иқтисодий муносабатларни шакллантиришга эҳтиёж ҳамда тегишли шарт-шароит туғдиради.

Америкалик машҳур иқтисодчи М. Портернинг фикрича корхоналар рақобатни асосан уч усулда, яъни товарларни бошқаларга нисбатан паст нархда сотиш, товарларни юқори сифатли ва тор миқёсдаги истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондирадиган алоҳида хусусиятлар билан ишлаб чиқариш, турли кафолатлар ва бепул кўрсатиладиган қўшимча хизматлар каби усулларда олиб бориш зарурлигини кўрсатиб ўтади.

Рақобатнинг шакллари иқтисодиёт ривожланишининг ҳар бир босқичида ўзгариб боради. 1980 йилларга қадар Америка ва Европа мамлакатларида тармоқлараро ва тармоқ ичидаги рақобат асосий ўрин эгаллаган бўлса, иқтисодиётнинг глобаллашуви ва техника тараққиётининг ривожланиши давлатлараро рақобатнинг кучайишига олиб келди.

Тармоқ ичидаги рақобат товарлар ва хизматлар сифатини яхшилашга ҳамда нархларнинг нисбатан паст даражада бўлишига замин яратади. Тармоқлар ичида вужудга келадиган рақобатга дош беролмаган корхона ва ташкилотлар бозор иқтисодиётининг қонунлари доирасида ўз фаолиятларини тугатади.

Тармоқлараро рақобатнинг намоён бўлиши асосан молиявий ресурсларнинг бир тармоқдан иккинчисига оқиб ўтиши ва фойда нормасининг ошиб бориши билан изоҳланади. Молиявий ресурсларнинг оқиб келиши содир бўлган тармоқларда ишлаб чиқариш воситаларининг техник-технологик жиҳатдан такомиллашиб бориши ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, савдо нуқталарининг кенгайиши рўй беради.

Глобаллашув жараёнининг кучайиши ишлаб чиқариш жараёнларининг давлатлараро узвий боғланиши ва рақобатнинг чуқурлашишига олиб келмоқда. Бу жараёнда ишлаб чиқариши ривожланган ва экспорт ҳажми юқори бўлган мамлакатларда молиявий капиталнинг марказлашуви жадал суръатлар билан рўй беради.

Маълумки, рақобат бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар ўртасида вужудга келади. Рақобатнинг мавжудлиги ишлаб чиқарувчиларни изланишга, товар таннархини имкон қадар пасайтиришга, сифатини яхшилашга, уларнинг турини кўпайтиришга, истеъмолчилар учун мақбул хизматларни ташкил этишга ундайди. Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар “Рақобат бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашни англатади”³⁹, деб таъкидлайдилар.

Бозор мувозанатини таъминлашда монетар сиёсатнинг муҳим дастакларидан бири ҳисобланган фоиз ставкасининг аҳамияти жуда катта. Бозор иқтисодиёти шароитида фоиз ставкаси талаб ва таклиф ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, жамғарма ва инвестициянинг ҳажми ва ундан олинадиган даромад миқдорига асосланади. Фоиз ставкасининг бозор мувозанатини таъминлашдаги ўрнини юқорида қайд этилган ҳолатларни бир вақтда таҳлил қилиш асосида аниқлаш мумкин.

Ушбу ёндашув қуйидаги функция орқали акс эттирилади:

$$M = L(y, i) \quad (2.1)$$

$$S(y, i) = I(y, i), \quad (2.2)$$

³⁹ Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. –Тошкент, Молия, 2002. – 153 б.

бунда M — таклиф қилинган пул воситалари; L — пул воситаларининг таклиф функцияси; S — жамғарма функцияси; I — инвестиция ҳажмининг функцияси; i — фоиз нормаси; y — даромад миқдори.

Биринчи тенглик талаб ва таклиф ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди, иккинчи тенглик эса жамғарма ва инвестиция ҳажми ўртасидаги боғлиқликни англатади, яъни таклиф этилаётган муомаладаги пул миқдори фоиз ставкасининг нормасини ва инвестициядан қўрилаётган даромад ҳажмини акс эттиради.

Демак, фоиз ставкаси инвестиция ҳисобига тўғри келадиган даромад миқдорига боғлиқ бўлиб, пул бозоридаги талаб ва таклиф асосида вужудга келади. Бир вақтнинг ўзида фоиз ставкаси ўзгармаган ҳолда реал сектордаги даромад миқдори жамғарма ва инвестиция ҳажмига асосан аниқланади. Пул маблағлари ва реал сектор (ишлаб чиқариш соҳаси) бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Пул маблағларига бўлган талаб ва таклифнинг ўзгариши фоиз ставкасининг тебранишига сабаб бўлади, ўз навбатида ушбу ҳолат инвестицияга бўлган талабнинг шаклланишига ва охир оқибатда даромад миқдорига таъсир кўрсатади. Худди шу жараёнда ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги бозор мувозанатини таъминлашнинг амалиётдаги ҳолатини яққол кузатиш мумкин.

Кўриб чиқилган жараёнда фоиз ставкасининг шаклланиши ушбу назарий муаммонинг ривожланишига катта ҳисса қўшган бир қатор ғоялар асосида вужудга келган. Уларнинг асосийлари сифатида ссуда фоизи назарияси, ссуда фонди назарияси, классик ва кейнсчилар мактаби вакилларининг назарияларини таъкидлаш мумкин.

Классик мактаб вакилларининг назарий ғояларига қўра, фоиз ставкасининг миқдорига инвестиция ва жамғарма ҳажми таъсир қилади⁴⁰. Аммо, классикларнинг фоиз став-

⁴⁰ Dictionary of business and finance. Donald T. Clark and Bert A. Colliered. —P. 416.

каси ҳақидаги назарий ғояларида бир қатор чекланишлар ҳам мавжуд. Аввало, улар фоиз ставкасининг миқдорига фақат инвестиция ва жамғарма таъсир қилади, деб қарашни натижасида, очикчасига бўлмаса-да, пул бозоридаги талаб ва таклифни инкор қиладилар.

Ж.Кейнс назариясида фоиз нормаси ликвидликдан вақтинчалик воз кечганликнинг мукофоти сифатида талқин этилади. Унинг фикрича, «фоиз ставкаси, мавжуд нақд пулларнинг мувозанатини таъминлаш асосида ушбу нақд пуллардан бойлик орттиришнинг нархи»⁴¹ эмиш.

Шундай қилиб, кейнсчилик назариясига кўра, фоиз ставкасини аниқлашда пул бозоридаги талаб ва таклиф асос бўлиб хизмат қилади. Шунга қарамасдан, фоиз ставкаси эркин иқтисодиёт шароитида фақатгина пул бозоридаги талаб ва таклиф асосида эмас, балки мураккаб иқтисодий муносабатлар натижасида ишлаб чиқариш жараёнининг ривожига ҳам боғлиқ ҳолда шаклланади. Бунга мамлакатдаги ишлаб чиқаришнинг даврийлиги, мамлакатдаги жамғарма ва инвестициянинг ҳолати, пул бозори ва қимматли қогозлар бозорининг шаклланганлик даражаси, капиталнинг халқаро миграцияси ва бошқа омиллар ҳам таъсир қилади. Ушбу ҳолатлар пул бозори ва товар бозори ўртасидаги мутаносибликни амалга оширишга, бу эса бозор мувозанатини таъминлашга эришишда асосий омиллар сифатида юзага чиқади.

Президент И.Каримов иқтисодий номутаносибликлар ва инқирозларнинг олдини олишда монетар сиёсат аҳамиятига тўхталиб, «ҳаммамизга аён бўлиши керакки, иқтисодиётимизнинг бундай ривожини ташкил қилишда ва белгиланган пировард натижаларга эришиш учун, барча номутаносибликлар ва инқироз жараёнларига йўл қўймаслик учун, аввало, маълум макроиқтисодий принципларга, монетар сиёсатнинг зарурий ва муҳим қонуниятларига қатъий амал қилиш даркор», деб таъкидлайди.

⁴¹ Кейнс Ж. Общая теория занятости, процента и денег. —М.: 1948. — 159 с.

Миллий иқтисодиётда бозор механизмларининг иқтисодий мувозанат, жумладан, бозор мувозанатини таъминлашда рақобат, нарх, истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги “Товар бозорида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”-ги, 1996 йил 26 апрелдаги “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, 1999 йил 19 августда қабул қилинган “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонунлари шулар жумласидандир.

Бозор мувозанатини таъминлашда юқорида ўрганилган нарх, рақобат ва фоиз ставкаси каби механизмларининг бозор муносабатларига хос равишда миллий иқтисодиётда амал қилиши ва уларнинг фаолиятини таъминлаб турувчи методологик ва ҳуқуқий асосининг мавжудлиги ва амалиётга жорий этилиши асосий омиллар бўлиб хизмат қилади. Демак, Ўзбекистонда бозор механизмларининг амал қилиш муҳити ва методологик-ҳуқуқий асосининг мавжудлиги бозор мувозанатини таъминлашга эришиш учун тўлиқ имконият яратади. Албатта, ушбу саъйи-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижаси ва самарасини бермоқда. Мустақиллик йилларида миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлаш юзасидан катта ютуқларга эришилган бўлса-да, баъзи муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Бозор мувозанатининг интеграл кўрсаткичи ҳисобланаган аҳоли фаровонлигини ошириш борасида катта муваффақиятларга эришилди, лекин шу билан бир қаторда, баъзи муаммолар ҳам мавжуд. Ушбу муаммоларнинг айримлари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлашга хизмат қилувчи маълум муддатларга (масалан 1,5,10,15 йилга) мўлжалланган эркин нарх, рақобат ва фоиз ставкасига асосланган стратегик меморандумнинг мавжуд эмаслиги.

Бозор иқтисодиёти шароитида стратегик меморандумнинг мавжудлиги миллий иқтисодиёт ривожланишини истиқболда режалаштириш имкониятини беради. Бунда асосий эътибор мамлакатдаги барча тармоқларнинг (молия-кредит, оғир саноат, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим соҳаси ва бошқалар) ривожланиш имкониятлари ва истиқболлари маълум муддатларга мўлжалланган ягона умумлашган меморандуми қабул қилинади. Ушбу меморандумнинг аҳамияти шундаки, миллий иқтисодиётда мавжуд барча корхона ва ташкилотлар, молия-кредит муассасалари ва бошқа субъектлар ўзаро иқтисодий боғлиқлик асосида фаолият юритади, қуйидаги чизмада ушбу боғлиқликнинг занжирсимон алоқадорлиги кўрсатилган.

Миллий иқтисодиёт ривожланишининг стратегик меморандумининг концептуал йўналиши⁴²



2.1-расм.

Миллий иқтисодиётнинг ривожланиши мазкур тартибда босқичма- босқич йўлга қўйилиши мамлакатда бозор мувозанатини таъминлаш имкониятини бериш билан бирга ҳукуматни ижтимоий ва иқтисодий сиёсатига аҳоли ишончининг ортишига олиб келади. Маълумки, ҳукуматга, унинг юритаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатига бўлган аҳоли ишончининг ортиши мамлакатда барқарор пул кредит сиёсатини юритишга, инвестиция манбаларининг кенгайтишига, инфляция даражасининг тушишига, мувозанатли нархнинг қарор топишига ва эркин иқтисодий муносабатлар мажмуининг вужудга келишига хизмат қилади. Халқаро амалиётдан маълумки, ҳар бир мамлакатнинг бир

⁴² Расм муаллиф томонидан тузилган.

тизимдан иккинчисига ўтиши жараёнида ички ресурслари ва имкониятлари етарли бўлмаган, яъни четдан иқтисодий ёрдамга муҳтожлиги сезилган. Худди шу жараён миллий иқтисодиётда ҳам мавжуд бўлиб, мазкур меморандум бўйича зарур бўлган ташқи иқтисодий ёрдамни Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ва бошқа шунга ўхшаш халқаро молиявий ташкилотлардан олиншини кўзда тутди.

2. Миллий иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки йилларида мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг босқичма-босқич амалга оширилишидаги йўл қўйилган камчиликлар ва бугунги кундаги муаммолари.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи восита хусусий мулк ҳисобланади. Демак, бозор муносабатларига ўтишдан мақсад иқтисодиётнинг асосий секторларидан бири хусусий мулк сектори бўлиши зарурати бўлиб, шундагина бозор механизмлари ҳисобланган нарх, рақобат ва фоиз ставкасининг амал қилиши учун тегишли иқтисодий макон ва шарт-шароит яратилади. Ушбу жараён Ўзбекистонда қандай кечмоқда ва хусусийлаштириш бўйича қандай муаммолар бозор мувозанатини таъминлашга халал бераяпти?

Ўзбекистондаги корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат реестри маълумотларига кўра, 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 315,9 мингтага етди, шу жумладан, фаолият кўрсатаётганлари сони 274,5 мингта (86,9 фоиз) ни ташкил қилди. Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг энг кўпи қишлоқ хўжалиги (48,3 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш (20,1 фоиз), саноат (9,1 фоиз), қурилиш (5,2 фоиз) га тўғри келади.⁴³

Агар, корхона ва ташкилотларнинг 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра 283,9 мингта эканлигини инобатга олсак, ўтган вақт ичида (2004 йил давомида) уларнинг сони 31,6

⁴³ Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил статистик ахборотномаси. —Тошкент, 2005.

мингтага ёки 11,1 фоизга ортган. Энг ачинарлиси, ушбу корхона ва ташкилотларнинг 13,1 фоизи 2005 йил 1 январ ҳолатига фаолият кўрсатмаган. Шунингдек, республикада фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг кўпчилиги молиявий жиҳатдан зарар кўриб ишламоқда, бюджет олдида боқиманда бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат эса ўз навбатида бозор мувозанатини таъминлашдаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки фаолият юритмаган ва бюджет олдида боқиманда бўлган ташкилотлар миллий маҳсулот яратиш ва хизматларни таклиф этиш ўрнига уларни истеъмол қилиш билан шуғулланади, давлат бюджетига тушиши режалаштирилган тушумларининг миқдорига салбий таъсир кўрсатади.

Миллий иқтисодиётда давлат мулкани хусусийлаштириш асосида мулкчиликнинг турли шакллари ривожлантириш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Қўйидаги жадвалда корхоналарнинг умумий мулк шаклига нисбатан турларининг улуши келтирилган (2.3-жадвал).

2.3-жадвал

Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши⁴⁴

Мулкчилик шакллари	Йиллар				
	2002	2003	2004	2005	2006
Жами, шу жумладан:	100%	100%	100%	100%	100%
Давлат мулки	10,0	9,2	8,0	7,0	5,7
Хусусий корхоналар мулки	32,5	32,6	30,0	26,3	22,5
Фермер ва деҳқон ҳўжаликлари	37,0	39,7	44,1	49,4	55,9
Акциядорлик жамиятлари	1,2	1,8	0,8	0,6	0,5
Чег эл сармоясини иштирокидаги корхоналар	2,9	1,1	1,1	1,0	0,9
Бошқа мулкчилик шакллари	16,4	15,6	16,0	15,7	14,5

⁴⁴ Манба: Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил статистик ахборотномасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, жами мулк шакллари таркибидаги асосий улуш фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, умумий мулк таркибида кўпчилик мулк шаклларининг салмоғи камайган бўлишига қарамасдан, 2006 йилда фермер ва деҳқон хўжаликлари улуши 2005 йилга нисбатан 6,5 фоизга кўпайган. Демак, республикамизда бозор мувозанатини таъминлашда қишлоқ хўжалигининг аҳамияти жуда катта. Лекин тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалигини деҳқон фермер хўжаликларига узоқ муддатли шарт билан хусусийлаштириш жарёнларида қатор камчиликлар мавжуд. Масалан, ширкат хўжаликларини (собик колхоз) деҳқон-фермер хўжаликларига айлантириш жараёнларида жойлардаги мавжуд талаб ва шароитдан келиб чиқилмаганлиги туфайли аҳолини иш билан таъминлаш, даромад ва ишлаб чиқариш ҳажми каби масалаларда номутаносибликларни келтириб чиқармоқда.

Тахминан 10 минг аҳолиси ёки 2500 га оила (бунда шу хўжаликда туғилиб вояга етган, лекин у ерда истиқомат қилаётганлар инобатга олинмади) бўлган ширкат хўжалигин иштиёридаги 1000-1200 гектар ер тендерда “ютиб чиққан” шу хўжаликдаги 30-35 га фермер (оила) га узоқ муддатли ижара асосида берилди. Таъкидлаш лозим, айрим ҳолларда бу хўжаликда яшамайдиган шахслар ҳам гайриқонуний йўллар билан ерга билвосита эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бунинг натижасида қуйидаги айрим мулоҳазали ҳолатлар вужудга келдики, уларнинг ижобий жиҳатдан ечимини топмаслик миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлашнинг келгусидаги ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Жумладан, ширкат хўжалигидаги янгидан ташкил этилган 30-35 фермер ерда ишлаётганлар сонининг кескин қисқартириши натижасида ортиқча ишчи кучлари ёки ишсизликнинг келиб чиқиши, янгидан шаклланиб келаётган ишга яроқли аҳолининг ишчи ўринлари билан таъминланиши, янгидан ташкил топаётган ёш оилаларни уй-жой қуриш учун ер билан таъ-

минлашдаги ва бошқа шу каби муаммоли ҳолатлар мамлакатда бозор мувозанатини таъминлашга салбий таъсир кўрсатади.

Фикримизча, ширкат хўжалигини бўлишда умумий таъмоилларга амал қилган ҳолда хўжаликда яшаётган ҳар бир жон бошига (ҳатто хўжаликда туғилиб, яшаб айна пайтда бошқа бошқа шаҳарларда ишлаб истиқомат қилаётган кишиларга ҳам) ушбу хўжалик ихтиёрида бўлган 1000-1200 гектар ерни тенг миқдорда тақсимлаш лозим эди. Ерга эгалик ҳуқуқини қўлга киритган киши, ушбу ерда ишлашни истамаса, хўжалик территориясидаги одамга аукцион орқали ерни сотиб юбориши мумкинлиги белгилаб қўйилиши лозим эди. Чунки ширкат хўжалиklarининг ташкил топиш тарихига назар соладиган бўлсак, у шу хўжаликдаги жамоа аъзоларининг ота-боболари ва қариндош уруғларининг мулки ҳисобига шакллантирилган ва йиллар давомида бойитиб келинган.

3. Молия-кредит тизимига аҳоли ишончининг пастлиги.

Бозор мувозанатини таъминлашда аҳолининг молия-кредит тизимига бўлган ишончи ва миллий валютанинг сотиб олиш қобилиятининг мустақамлиги катта аҳамиятга эга. Хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банк ишларида пулларни кўчириш, нақд пулларни олиш, қўйилган омонатларни қайтаришда узилишларнинг мавжудлиги уларнинг молия-кредит тизимига бўлган ишончининг бир қадар сусайишига олиб келди. Натижада нақд пулларни банкдан ташқарида айланиши каби салбий ҳолатлар вужудга келишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида товар ва пул массаси ўртасидаги мутаносибликнинг бузилиши, бу эса ўз ўрнида товар ва пул бозоридаги мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда.

4. Бозор мувозанатини таъминлашнинг рағбатлантирувчи иқтисодий омили ҳисобланган инвестиция ҳажмини ошириш ва ундан самарали фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар.

Бозор муносабатларига ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатлардаги сингари республикамизда ҳам чет эл инвестициялари ва кредитларининг миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлашдаги аҳамияти жуда катта. Чет эл инвестицияси ва кредитлари ҳажмининг ошиб бориши мамлакатда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан бирга, уларнинг нархини туширишга, рақобат муҳитини яратишга ҳамда фоиз ставкаларининг пасайишига бевосита таъсир кўрсатади. Ушбу механизмларнинг эркин иқтисодий муносабатлар асосида ишлаши эса бозор мувозанатини таъминлашга олиб келади.

Маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, республикага 2003 йилдаги жами инвестициялар таркибида чет эл инвестицияси ва кредитининг улуши 26,3 фоизни ташкил этгани ҳолда, ушбу кўрсаткич 2004 йилда 24,5 фоизни ташкил этган ёки 2004 йилда 2003 йилга нисбатан республикамизга кириб келган чет эл инвестиция ва кредитларининг ҳажми 1,8 фоизга камайган⁴⁵. Ушбу ҳолат миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлашнинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Биз бозор мувозанатини таъминлашда нарх, рақобат ва фоиз ставкаси механизмларининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш натижасида миллий иқтисодиётда уларни амал қилиш бўйича бир қатор муаммолар мавжуд эканлигининг гувоҳи бўлдик. Шунингдек, ушбу муаммоларнинг таҳлили натижасида уларнинг ечими юзасидан қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари сураимиз:

- нарх, рақобат ва фоиз ставкаси механизмларига маъмурий ва ноиқтисодий усуллар орқали таъсир қилиш бозор мувозанатини таъминлаш юзасидан муаммоларни келтириб чиқаради;

- миллий иқтисодиётнинг ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган ривожланиш стратегик меморандумини ишлаб чиқиш лозим;

⁴⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2003-2004 йиллар статистик ахборотномаси маълумотлари.

- давлат ва жамоа мулкларини хусусийлаштириш жараёнини такомиллаштириш, айниқса, қишлоқ хўжалигида жорий этилган хўжалик ширкатларини тугатиш тартибини шу хўжалиқда яшаётган барча аъзоларнинг манфаатини тўлиқ ҳисобга оладиган қоидалар билан такомиллаштириш зарур;

- товар ва пул бозори ўртасидаги мутаносибликка эришиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг молия-кредит тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ҳамда миллий валютанинг сотиб олиш қобилиятини янада мустаҳкамлаш зарур;

- миллий иқтисодиётнинг ривожланишида мамлакатда молиявий ресурсларнинг имконияти чегараланганлигини инобатга олиб чет эл инвеститицияси ва кредитларининг республикага оқиб келиши юзасидан кенг эркинликлар бериш лозим.

Хулоса қилиб айтганимизда, бозор мувозанатини таъминлашда нарх, рақобат ва фоиз ставкасининг ўрни ва аҳамияти жуда юқори бўлиб, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш миллий иқтисодиётда мувозанатни таъминлашга хизмат қилиш билан бирга мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга янада самарали хизмат қилади.

2.3. Ўзбекистонда бозор мувозанатини таъминлаш муаммолари ва ечимлари

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг чуқурлашуви ва унинг миллий иқтисодиётда тобора реал воқеликка айланиб бориши жаҳон иқтисодиётига хос бўлган иқтисодий беқарорлик, номувозанатлик, ноликвидлилик ва банкротлик каби салбий ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Бу ҳол ўз ўрнида бозор мувозанатини таъминлашнинг бугунги ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши табиийдир. Бундан ташқари, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг

хўжалик юритиш фаолиятида юз бераётган интеграция жараёнларининг тезлашуви, молиявий ресурсларнинг марказлашуви, иқтисодиётнинг байналминаллашуви, терроризм ва экологик вазиятнинг ўткирлашуви миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлаш масаласига сезиларли равишда салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, мамлакатда ишлаб чиқариш кучлари ва иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги, ишлаб чиқариш воситаларининг лойиҳада мўжалланган даражадаги қувватда ишламаслиги, миллий валютанинг сотиб олиш қобилиятининг заифлашуви, аҳолини иш билан таъминлаш ва шу каби бошқа ҳолатлар республикамизда бозор мувозанатини таъминлашда ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжудлигини англатади. Албатта, миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлаш ва уни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, у, бир томондан, айрим тармоқ, тармоқлар ичида ўзаро мутаносибликларни таъминлашни талаб этса, иккинчи томондан, ишсизлик ва инфляция каби макроиқтисодий даражадаги салбий жараёнлар вужудга келишига йўл қўймасликни, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар ўзаро манфаатларини бир-бирига уйғунлашган ҳолда ривожлантириб боришни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «...ички бозорда талаб ва таклиф ўртасида мутаносибликка эришиш, яъни чиқарилган пул миқдори билан унга сотиб олинadиган моллар салмоғи ўртасида тўғри нисбатни таъминлаш ғоят катта роль ўйнайди».⁴⁶

Ўзбекистонда бозор мувозанатининг бугунги ҳолати ва муаммолари мамлакатимизнинг йирик иқтисодчи олимлари И.Каримов, Ш.Шодмонов, О.Ҳамроев ва бошқа иқтисодчиларнинг илмий асарларида у ёки бу жиҳатдан ўрганилган ва унга атрофлича, баҳо берилган.

⁴⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Тошкент, Ўзбекистон, 1999. – 384 б.

И.Каримов иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг бугунги ҳолатида иқтисодиётни бошқаришга ва мавжуд иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишга эътиборни қаратиб: «Бундан буён тепадан туриб дўқ пўписа қилиш, маъмурий тазйиқ ўтказиш ва ўзбошимчалик билан қарорлар қабул қилиш, давлат ресурсларини кимга хоҳласам, шунга бераман қабилда иш олиб бориш ҳуқуқи ўрнини замонавий бозор механизмлари, иқтисодий таъсир ва рафбатлантириш омиллари эгаллаши даркор.

Маъмурий ислоҳотни амалга оширишнинг энг муҳим вазифаси — бизга эски тузумдан мерос бўлиб қолган, моддий ресурсларни турли квоталар, лимит ва кўрсатмалар асосида марказлаштирилган ҳолда тақсимлаш тизимига бутунлай барҳам беришдир»⁴⁷, деб таъкидлади.

Фикримизча, бозор мувозанатининг бугунги ҳолатида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар фаолиятига маъмурий-буйруқбозлик асосида аралashiш ва мавжуд иқтисодий ресурсларни марказдан туриб тақсимлаш тизими сезиларли равишда салбий таъсир кўрсатмоқда. Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарувчи нима ишлаб чиқаришни эркин равишда танлаши, бунда асосий эътиборни унинг иқтисодий самарадорлигига қаратиши лозим. Афсуски, республикамызда рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми (48,3 фоиз)ни қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига ҳозирга қадар маҳаллий бошқарув ходимларининг аралашуви сезиларли даражада сақланиб қолмоқда. Натижада уларда ерга экиладиган экин турлари ва яратилган маҳсулотни сотишда эркин танлов ҳуқуқлари бузилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини кафолатлаш тўғрисида»ги қонунда кичик ва хусусий тадбиркорлар қонун-

⁴⁷ Каримов И. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамызга боғлиқ. 12-том. —Тошкент, Ўзбекистон, 2004. — 220 б.

чиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, мазкур қонун ва ҳужжатларда у ёки бу тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бошқа қонунчилик актларида тақиқланмаган бўлса, деган жумла ҳам мавжуд. Бундан шундай маъно келиб чиқадики, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунини улардан ҳуқуқий жиҳатдан настрок бўлган қонунчилик ҳужжатлари орқали бекор қилиш амалиёти баъзида учраб туради. Демак, қонунчилик ҳужжатлари устида янада жиддийроқ ишлаш ва уларни такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Шундай ҳолатлар миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлашнинг заиф қирраларини намоён қилмоқда, натижада аҳолининг олаётган даромадлари миқдори пасайиб, уларнинг турмуш даражасида сезиларли ижобий ўзгаришлар юз бермаяпти.

Шунингдек, зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликларини узоқ муддатли ижарага бериш жараёнларида учрайдиган маъмурий-буйруқбозлик, таниш-билишчилик ва қариндош-уруғчилик ҳолатлари ҳам корхоналар иқтисодий самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган муаммолардан ҳисобланади.

О.Ҳамроев иқтисодий мувозанатнинг бугунги кун ҳолатига баҳо беришда асосий эътиборни А.Смитнинг «бозор ўзини-ўзи автоматик равишда тартибга солиш қобилиятига эга ва шунинг учун давлат томонидан қилинадиган назоратга муҳтож эмас», деган ғоясининг бир қадар чекланганлигини кўрсатиб, жорий даврда иқтисодиётни бошқаришда, миллий иқтисодиётда мувозанатни тартибга солишда давлатнинг иштирок этиши зарурлигини эътироф этади. О.Ҳамроев ёзади «...давлатнинг бозор механизмига ёрдамчи тариқасида кўмакка келиши икки омил билан бевосита боғлиқ. Биринчидан, бозор механизмнинг амал қилиши натижасида қатор салбий ҳолатлар, яъни ишсизлик, қашшоқлик, кучли табақаланиш ва инқироз каби иқтисодий жараёнларнинг вужудга келиши. Иккинчидан

эса, замонавий бозор иқтисодиётининг ривожини нафақат ўзининг ички қонуниятлари билан балки давлатнинг таъшиқи ва ички иқтисодий сиёсатига ҳам бевосита боғлиқдир. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви туфайли иқтисодий мувозанатни ва барқарорликни таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг циклик пасайиши, кўтарилиши жараёнларини текислаш каби муҳим муаммоларни ҳал этиш ва шу орқали бозор механизмнинг самарадорлигини ошириш мумкин бўлади»⁴⁸.

Шунингдек, иқтисодчи олим томонидан бугунги кунда иқтисодий мувозанатни таъминлашда мамлакатнинг йирик саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаётганлиги ҳам муҳим муаммолардан бири сифатида кўрсатилганлиги аҳамиятга моликдир.

Фикримизча, бозор мувозанатининг бугунги ҳолатида куйидаги асосий муаммолар мавжуд:

1. Мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишни жадаллаштиришнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ягона тизимининг ишлаб чиқилмаганлиги.

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги, шунингдек, собиқ иттифоқ таркибидаги республикаларнинг хўжалик юритиш жараёнлари шунини кўрсатмоқдаки, ҳар қандай фаолият ва ривожланишнинг асосида миллий иқтисодиётни қисқа ва узоқ муддатга мўлжалланган режалаштириш ва прогнозлаштириш ётади. Фақат ушбу режалаштириш ва прогнозлаштириш турли хўжалик юритиш тизимида турлича бўлиб унинг объекти ва субъекти турлича бўлиши мумкин.

Эътироф этиш лозимки, собиқ иттифоқ даврида Компартиянинг беш йиллик сездларида мамлакатнинг ижти-

⁴⁸ Ҳамиров О.Ҳ. Иқтисодий мувозанатнинг назарий асослари ва уни таъминлаш механизмлари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. — Тошкент, 2004. Б. 162-167.

мой-иқтисодий ривожланишининг қисқа ва узоқ муддатга мўлжалланган маъмурий-директив режалари қабул қилиниб, амалиётга жорий этилар эди. Мазкур режада мамлакатдаги ҳеч бир тармоқ ёки соҳа четда қолмас эди. Собиқ совет тизимидаги режаларнинг аҳамиятга молик жиҳати шунда эдики, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг барча босқичидаги ҳар бир шахснинг вазифаси ва маъсулияти аниқ белгилаб қўйилган эди. Лекин ушбу тизим ва марказдан туриб режалаштиришнинг бир қадар салбий жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, жамият ҳамда миллий иқтисодиётнинг ривожига раҳна солар эди. Уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш лозим.

Биринчидан, мамлакат миллий иқтисодиётининг ривожланиши интенсив усулга эмас, балки экстенсив усулга асосланган эди. Бунинг натижасида мавжуд чекланган иқтисодий ресурсларнинг қисқа муддатда емирилиши ва тугашига олиб келди. Шунингдек, ишлаб чиқарувчилар режада белгиланган маҳсулотни яратиш билан чегараланиб, унинг сифати, ассортиментини яхшилаш бўйича ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш ва модернизацияси хусусида бош қотирмас эди.

Иккинчидан, иқтисодиётда пул муомаласининг чегараланганлиги ва кишиларнинг шахсий ташаббускорлик фаолияти бўғиб қўйилган эди.

Учинчидан, айрим ижтимоий-иқтисодий масалалар (бозор мувозанати, қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни) собиқ иттифоқ турмуш тарзига хизмат қилмагани туфайли умуман амалиётга татбиқ этилмас ва ўрганилмас эди.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида собиқ иттифоқ давридагидек «марказдан қуйига» эмас, балки ишлаб чиқариш цикли бошланаётган қуйидан юқорига қараб режалаштириш тизимини йўлга қўйиш лозим. Чунки собиқ иттифоқ тизимида барҳам берилгандан сўнг иқтисодиётда «марказдан қуйига» режалаштириш тизими ҳам барҳам топди ва иқтисодиёт ўз стратегик ривож-

ланиш йўналишидан маҳрум бўлди. Афсуски, унинг ўрнида «бўшлиқ» пайдо бўлди, ваҳоланки, ушбу “бўшлиқ” миллий иқтисодиётнинг даслабки ўтиш давридаёқ мамлакатнинг «қўйдан юқори»га режалаштирилган узоқ муддатли стратегик меморандуми билан тўлдирилиши зарур эди. Мазкур «бўшлиқ» мамлакатда бозор мувозанатининг бугунги ҳолатига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда, унинг таъминланиши стихияли тартибда амалга оширилиб, аҳоли, кичик ва хусусий тадбиркорларнинг иқтисодий фаолиятининг салбийлашувига олиб келмоқда. Бу эса ўз ўрнида миллий иқтисодиётнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва иқтисодий ўсишни заифлаштириб, мамлакат аҳолисининг турмуш тарзи ва фаровонлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

2. Давлат бошқарув органларининг ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи фаолиятига аралашувининг сезиларли даражада юқорилиги.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи танлов ҳуқуқига эга бўлиши асосий тамойиллардан ҳисобланади. Танлов деганда ишлаб чиқарувчи яратётган маҳсулотидан иқтисодий жиҳатдан самара кўриши, истеъмолчи эса сотиб олаётган товар ёки хизматининг нафлилик даражасининг юқори бўлиши назарда тутилади. Худди мана шу жараён бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчини ҳаракатга келтирувчи асосий куч ҳисобланиб, у иқтисодиётда ўзаро нисбат, мутаносиблик ва мувозанатни таъминлайди. Давлат бошқарув органлари фақат солиқ дастаклари орқали уларнинг фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин. Шунда ҳам улар асосий эътиборни кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ва миллий иқтисодиётни барқарор ўстиришга қаратиши зарур бўлади.

Масалан, хусусий заргарларнинг фаолиятига тегишли бўлган қонунчилик ҳужжатларидаги номутаносибликни олайдик. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 20 июлдаги 160-сонли қарорида қиммат-

баҳо металл ва тошлардан ясалган буюмларни сотиш ва сотиб олиш билан фақат юридик шахсларнинг шуғулланиши белгилаб қўйилган. Савол туғилади: хусусий заргарлар ўзлари ишлаб чиқарган буюмларни қандай сотиши мумкин? Ваколатли ташкилотлар тамонидан ушбу саволга расмий маънода тушунтириш мавжуд бўлмаганлиги туфайли Пробалаш палатаси ҳар хил шартларни кўрсатган ҳолда хусусий заргарларга давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома бериш йўли билан ушбу қарорни айланиб ўтди, ваҳоланки, қонунчилик ҳужжатларида уларга тегишли рухсатнома бериш орқали фаолиятига имконият берилганда уларнинг даромади ҳисобидан келаётган солиқ тўловлари давлат бюджети ҳисобига тушар эди.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш жарёнида ушбу ҳолатлар айрим ҳолларда ҳаддан зиёд ошириб юборилиши натижасида мамлакатда хуфёна иқтисодиётнинг ривожланишига, ҳукуматнинг макроиқтисодий сиёсатига кичик ва хусусий тадбиркорлар ишончининг заифлашувига сабаб бўлмоқда. Бунинг оқибатида бозор мувозанатининг бугунги ҳолатида айрим номутаносибликлар вужудга келмоқда.

Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонда хуфёна иқтисодиётнинг ЯИМга нисбатан улуши 30-40 фоизни ташкил этади. Шунинг қайд этиш лозимки, миллий иқтисодиётда хуфёна иқтисодиётнинг улуши 40-50 фоизни ташкил этса, унинг ривожига сезиларлари даражада салбий таъсир кўрсатиб, жамиятнинг барча жабҳаларини қамраб олади.⁴⁹

Миллий иқтисодиётда мазкур иқтисодиётнинг мавжудлиги мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга салбий таъсир этиб, хуфёна иқтисодиётнинг бартер ва чет эл валютасига мойиллигининг кучлилиги сабабли

⁴⁹ Теневая экономика: причины существования, меры по сокращению// Экономическое обозрение. 2004, №4. – 12 с.

молия-кредит тизимида узилишлар, молиявий инқирозлар вужудга келади. Натижада мамлакатнинг монетар ва валюта сиёсатида маълум даражада заифликлар юз беради. Буларнинг барчаси миллий иқтисодиётда бозор мувозанатининг бугунги аҳволига салбий таъсир кўрсатади.

3. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг пухта молиявий ва иқтисодий асосларининг ишлаб чиқилмаганлиги.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган иқтисодиётда қисқа муддатда қуриб ишга тушириладиган иқтисодий жиҳатдан юқори самара берадиган арзон фабрика ва заводларни барпо этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, қуриб ишга туширилиши 2-3 йил давом этадиган иншоотларни қуриш, айниқса, уларнинг хомашёси четдан келтириладиган бўлса, иқтисодий жиҳатдан самарасиз ҳисобланади. Чунки уларни қуриб то ишга туширгунга қадар, биринчидан, катта миқдорда бюджет харажатлари сарфланса, иккинчидан, ишга тушириш учун малакали ишчи кучларини талаб этиши ва хомашёни четдан келтириш жуда қимматга тушади.

Масалан, Хоразмнинг Ҳазорасп туманида қурилган шакар заводи, Қувасойда қурилган ойна заводи, Жиззахда қурилган пластмасса заводлари ва бошқа қатор иншоотлар шулар жумласидандир. Мазкур иншоотларнинг қурилишига бюджетдан сарфланган молиявий маблағлар ва бошқа харажатлар миллий иқтисодиёт ривожланишида у қадар ҳал этувчи роль ўйнамаяпти, чунки ушбу заводлар ҳозирги кунда бор-йўғи 13-20 фоиз қувват билан ишламоқда, хомашёларнинг четдан келтирилиши, олиб келинган ускуналарнинг ривожланган мамлакатлар андозалари талабларига жавоб бермаслиги улар ишлаб чиқарган маҳсулот сифатининг паст, таннархининг эса юқори бўлишига олиб келмоқда.

Мазкур ҳолатлар миллий иқтисодиётдаги товар ва пул массаси, давлат бюджетининг даромадалари ва уларни самарали жойлаштириш, ташкил этилган завод-фабрикаларда аҳолини иш билан таъминлашнинг режаси билан ҳақиқат-

дагиси ўртасидаги мувозанатларнинг бузилишига олиб келмоқда. Буларнинг барчаси эса мамлакатда бозор мувозанатини таъминлаш билан боғлиқ бўлган асосий муаммолардан ҳисобланади.

4. *Хўжалик юритувчи субъектлар айланма маблағларининг ишлаб чиқариш жараёнидан чиқиб кетиши.*

Маълумки, корхона ва ташкилотларнинг айланма маблағлари уларнинг фаолиятини ташкил этишда муҳим молиявий манба бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистонда, айниқса, катта шаҳар марказларида шаҳарни ободонлаштириш, байрам олди ижтимоий иншоот ёки мажмуаларни ишга туширишда вилоятдаги корхона ва ташкилотларни ҳақ тўламасдан жалб қилиб ишлатиш одат тусига кириб қолди. Натижада қатор корхона ва ташкилотларнинг айланма маблағлари ишлаб чиқариш жарёнидан чиқиб кетишига ва асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг сустлашувига сабаб бўлмоқда. Охир-оқибатда мазкур корхоналар молиявий жиҳатдан иқтисодий қийинчиликларга тушиб қолиши, айрим ҳолларда ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлмоқда. Кўриниб турибдики, мазкур ҳолатлар миллий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига салбий таъсир кўрсатиб, миллий иқтисодиётда бозор мувозанатининг бугунги ҳолатининг бузилишига, ялпи таклиф билан талаб ўртасида номутонасибликка олиб келмоқда.

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқаришдан манфаатдорлигининг пастлиги.

Бозор иқтисодиётини доимий ҳаракатлантирувчи иқтисодий воситаларидан бири унинг молиявий манфаатдорлиги ҳисобланади. Кичик ва хусусий тадбиркорларнинг иқтисодий манфаатдорлигининг пастлиги ёки бўғиб қўйилиши уларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Буни қуйидаги ҳолатларда кузатиш мумкин:

а) хомашёларни олишда маъмурий тақсимлаш тизимининг мавжудлиги, энг ачинарлиси, бундай ҳолат жуда кўп бўлмаса-да, маълум миқдорда сақланиб қолмоқда. Маҳсулот таннархининг ошиб кетишига ва Хитой, Россия, Ук-

раина маҳсулотларига нисбатан рақобатбардошсизлигига олиб келади. Масалан, Янгийўл кондитер фабрикаси шакарни Ҳазорасп шакар заводидан олиши натижасида шундай ҳолат содир бўлган.⁵⁰

б) ишлаб чиқарувчилар томонидан қўшимча даромад солиғини икки марта тўлаш ҳолатлари мавжуд бўлиб, бу ҳам товарлар ҳажми ва уларнинг таннархига салбий таъсир кўрсатади. Маълумки, улгуржи савдо корхоналари импорт хомашёлар бўйича ҚҚС тўлашдан озод этилган бўлиб, бу ишлаб чиқарувчининг зиммасига келиб тушади, яъни корхона хомашёни ишлаб чиқарганда ва уни қайта ишлаганда ҚҚС ни икки марта тўлашга мажбур бўлади. Ушбу ҳолат ишлаб чиқарувчига расмий равишда сотиб олаётган хомашёнинг қимматга тушишига ва хуфёна фаолият орқали паст нархда хомашё топишга ундайди.

в) товар хомашёларнинг ҳақиқий бозори нақд пул ҳисобкитобига асосланган. Лекин ишлаб чиқарувчига нақд пулда сотиш тақиқланган бўлиб, фақат чакана савдо нуқталари ёки махсус фирмалар орқали нақд пулга сотиши мумкин. Демак, қонун асосида ўзлари истаган ҳисобкитоб йўли билан яратилган маҳсулотни бирининг сотишга, иккинчисининг сотиб олишга ҳақи йўқ. Натижада ишлаб чиқаришни давом эттириш, иш жойларини сақлаб туриш ва янгиларини ташкил этиш учун қонунни айланиб ўтишга, яъни банкдан ташқари айланмадан фойдаланишга мажбур бўлади.

Олиб борилган тадқиқотлар ва таҳлиллар асосида миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлашнинг бугунги ҳолати юзасидан мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича қуйидаги хулоса ва таклифларни бериш мумкин:

- миллий иқтисодиётда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва изчил иқтисодий ўсишни таъ-

⁵⁰ Экономическое обозрение. 2004, №4. — 19 с.

минлаш лозим. Бунинг учун мамлакатни “қуйидан юқори”-га тамоийли асосида 1, 3, 5, 10, 15, 20, 30 йиллик муддатга мўлжалланган стратегик ривожлантириш меморандуми (концепцияси)ни яратиш зарур. Ушбу меморандумда белгиланган режа ва прогнозларнинг бажарилишига барча соҳа, тармоқ бўйича мамлакат миқёсида эришиш зарур;

- давлат бошқарув органларининг ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар фаолиятига аралашувига кескин чек қўйиш, уларнинг эркин танлов ҳуқуқларини реализация қилишнинг механизмини яратиш зарур;

- миллий иқтисодиётнинг тўлиқ бозор муносабатларига ўтиш даврида ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда иқтисодий жиҳатдан асосланмаган, қурилиши учун бюджет ва давлат кредити ҳисобидан катта маблағ талаб этиладиган йирик қурилишлар, завод ва фабрикаларни қуришни чуқур ўйлаб кўриш зарур;

- шаҳар ва вилоят ҳокимиятлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма маблағлари ҳисобидан маъмурий-буйруқбозлик асосида ҳар хил иншоот ва мажмуаларни қуришни тўхтатиш, унинг ўрнига ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи муҳитни яратиш зарур;

- кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилувчи солиқ имтиёзлари, молия-кредит муассаларида ҳисоб-китоб ишларини такомиллаштириш, нақд пулга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва шу каби масалаларда тегишли қулайлик ва шароитларни яратиш зарур.

Юқорида айтилган таклиф ва хулосаларни амалиётга жорий этилиши миллий иқтисодиётнинг таъминланган заиф бозор мувозанатидан иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган бозор мувозанатини таъминлашга пухта замин яради, деб ҳисоблаймиз.

3- БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА БОЗОР МУВОЗАНАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Мамлакатда юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш — бозор мувозанатини таъминлашнинг асосий йўли сифатида

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида мамлакатимиз раҳбари ва ҳукумати томонидан барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга асосий эътибор қаратилди. Мазкур масаланинг ижобий ҳал этилиши мамлакатда бозор мувозанатини таъминлаш орқали доимий равишда ўсиб бораётган аҳолининг яшаш шароитини яхшилашга имконият берди.

Маълумки, инсоният эҳтиёжи чегара билмайди ва улуксиз равишда ортиб боради. Инсоннинг қондирилган бир эҳтиёжи ўнлаб янги эҳтиёжларни пайдо қилади. Шу билан бирга, барча мамлакатларда бўлгани сингари, Ўзбекистоннинг иқтисодий ресурс имкониятлари йилдан йилга камайиб борган сари аҳолисининг сони эса йилдан йилга ортиб бормоқда. Агар мамлакатда аҳоли сони 2004 йилда 26,1 млн. бўлган бўлса, 2050 йилда тахминан 40 млн. га етиши кутилмоқда.

Демак, Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш бозор мувозанатини қарор топтириш орқали амалга оширилиши лозим.

Иқтисодий ўсиш назарияси, омиллари ва у билан боғлиқ муаммолар устида жуда кўп иқтисодчилар илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб борган. Масалан, Э.Миддисон, С.Кузнец, М.Вебер, Э.Фромм, К.Маркс, К.Кларк, Г.Мюрталь шулар жумласидандир.

Амеркалик иқтисодчи Э.Миддисон иқтисодий ўсишнинг эрамыздан олдинги 500-йилдан то бугунги кунгача бўлган ҳолатини ўрганди. У ушбу даврни тўртта асосий гуруҳга ажратиб, аҳолининг ўсиш суръатини иқтисодий ўсиш суръатига таққослаб таҳлил қилишга муваффақ бўлди.

Э.Миддисон изланишлари натижасига кўра⁵¹, биринчи даврни ўз ичига олган эрамыздан олдинги 500-1500 йиллар (аграр хўжалик) давомида иқтисодий ўсиш ва аҳолининг ўсиши ўртасидаги нисбат ўзгармаган, иккинчи давр 1500-1700 йиллар (ривожланган аграр хўжалик) ва учинчи давр 1700-1820 йиллар (савдо капиталистик хўжалиги) давомида мазкур кўрсаткич мос ҳолда 0,1-0,2 фоизни ташкил этган. 1820-1980 йилларда (капиталистик хўжалик) аҳолининг ўсиши 0,9 фоиз бўлгани ҳолда иқтисодий ўсиш 1,6 фоизни ташкил этган? (қаранг 2-илова).

1700 йилдан бошлаб Фарб цивилизацияси ва иқтисодий ўсишида учта мамлакат етакчи ўринни эгаллади, улар:

- 1) 1700 йилдан 1780 йилгача Нидерландия;
- 2) 1785 йилдан 1890 йилгача Британия;
- 3) 1890 йилдан ҳозирги вақтгача АҚШ.

Ушбу маълумот ва ҳолатларнинг барчаси қатор саволларни келтириб чиқаради. Иқтисодий ўсиш доимийми? Нима учун айрим мамлакатларда иқтисодий ўсиш баъзи йилларда тезлашади, айримларида аксинча? Нима учун 1950-1973 йилларда кўпчилик мамлакатларда иқтисодий ўсиш юқори бўлди? (3-иловага қаранг)

Бизнинг фикримизча, мазкур даврдаги иқтисодий ўсишнинг асосий сабаби шундаки, капитализм шароитида фан-техника тараққиёти ўзининг юқори чўққисига чиқди, ишлаб чиқариш ривожланди, жаҳон иқтисодиётининг яхлитлиги ошди. Демак, жамият ривожланишининг биринчи даврида бозор мувозанатининг таъминланиш даражаси аҳолининг ўсиш даражаси билан тенг бўлган. Тўртинчи

⁵¹ Madison A. Phases of Capitalist development. N.Y. 1982, p.225.

даврда эса бозор мувозанатининг таъминланганлик даражаси ўзининг иқтисодий жиҳатдан тўйинган даврини бошидан кечирган. Аммо ушбу кўрсаткич Африка ва Осиё қитъасининг айрим мамлакатларида салбий кўрсаткичга эга бўлиб, уларда ишлаб чиқариш ва техника тараққиётининг ривожланмаганлигидан далолат беради.

Бошқа америкалик иқтисодчи С.Кузнец иқтисодий ўсишга миқдорий жиҳатдан ёндашиб, унинг моҳиятини бевосита капиталистик тизимнинг ривожи билан боғлайди⁵². Унинг фикрига кўра, Англия, АҚШ ва Германияда юз берган саноат тўнтариши иқтисодий ўсишга кучли замин яратиб, ушбу мамлакатларнинг жаҳон ҳамжамияти доирасида етакчи ўринга чиқиб олишига кучли туртки берди, яъни иқтисодий ўсиш дастлаб капиталистик мамлакатлар дунёсининг оёққа туриб олишига ёрдам бериб, кейинчалик иқтисодиётда оламшумул ўзгаришларнинг содир бўлишини таъминлади.

Олимлар иқтисодий ўсишнинг сабабларини ҳар хил йўллар билан асослашга уриндилар. Ушбу мавзуга оид энг таниқли назария М.Вебер томонидан яратилган бўлиб, унинг фикрича, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида протестантизм диний мазҳаби иқтисодий ўсишга мойиллик туғдирган. Шарқий мамлакатларда, масалан, Хитой ва Хиндистонда дин иқтисодий ўсишга кучли тўсқинлик қилган.

Протестантизм таълимотининг асосида тақдирни белгилаш ғояси ётади. Ҳар бир киши туғилмасидан олдин унинг тақдири худо томонидан белгилаб берилган. Ҳеч қандай куч ва мачитларнинг ёрдами кишининг тақдирини ўзгартира олмайди, барчаси худо томонидан ёруғ дунёни пайдо қилганда белгилаб қўйилган. Худо томонидан «белгилаб берилган» ғоянинг мавжудлиги Ғарб мамлакатлари кишиларида «осмондан олма туш» ғоясини инкор этишга асос

⁵² Ивашковский С.Н. Макроэкономика. —М.: Дело, 2002. — 366 с.

бўлди. Кишини муваффақият ва яхши ҳаётга элтувчи ягона йўл уларнинг интилувчанлик ва меҳнат фаолияти ҳисобланди. Меҳнат, билим ва тарққиётга интилишдан бошқа ҳамма нарсани четга суриб қўйиш лозим, чунки уларнинг барчаси имкониятга эришишда халақит беради. Кишининг ҳаракатчанлиги, интилувчанлиги, қобилиятининг юқорилиги худо томонидан унга берилган юксак инъомнинг белгиси ҳисобланади. Ишёқмаслик, муваффақиясизлик, камбағалчилик кишининг худо томонидан лаънатлаганлиги белгиси сифатида қаралиши лозим, деб уқтирилади.

Бундан ташқари, протестанизм кишига ўзининг тақдирини ўзи ҳал этиши ҳуқуқини берди. Ҳақиқатда ҳам, АҚШ ва Европа мамлакатларида яшаётган кишиларнинг турмуш тарзига эътибор берадиган бўлсак ота-она фарзандини 18 ёшгача ўқитади, тарбия қилади ва 18 ёшдан сўнг фарзанд ўқийдими, ишлайдими, уйланадими ёки ҳатто ўғрилиқ қиладими, барча ҳатти ҳаракати учун қонун ва тегишли ташкилотларда ўзи жавобгар бўлади. Ота-онанинг бу ҳолатда мажбурияти бўлмайди, шу сабабли фарзанднинг тақдири, келажаги билан қизиқмайди ва қизиқишни исташмайди.

Шарқ мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда бу ҳолатнинг тескари жиҳатига дуч келамиз, яъни ота-она 18 ёшгача ва ундан сўнг ҳам фарзандининг тақдирига бевоҳида аралашади, имконияти бўлса-бўлмаса ёрдам беради, уйлантиради, уй жой қилиб беради ва ҳ.к. Мусулмон мамлакатларининг деярли барчасида ота-она фарзандини ўстириш, агар ўғил бўлса, суннат тўй қилиш, уйлантириш ва уй жой қуриб бериш «бўйнидаги қарз» деб талқин этилади. Ота-онанинг «бўйнидаги қарзи»ни яхши билган ўғил 20-25 ёшга киргунча ҳеч қандай маъсулиятни бўйнига олмайди, унинг учун барчасини ота-она ҳал қилади, уйландандан сўнг эса кўпчилик ҳолларда оиласини боқа олмай, оиласи билан ота-она гарданига юк бўлади. Бозор иқтисодига ўтиш натижасида ушбу урф-одатлар, айниқса, болаларни ота-она томонидан уйлантириш ва ундан сўнг ҳам

ғамхўрлик қилиш каби ҳолатлар аста-секин замон талаби-га мослашиб бормоқда.

Бизнинг фикримизча, миллий иқтисодиётда мазкур масала жуда долзарб ҳисобланиб, ота-онанинг фарзанд олдидаги масъулияти ва бурчи хусусида мавжуд анъана тусига кириб қолган масалаларни ечиш вақти келди. Бунинг барчаси мамлакат миллий иқтисодиётининг ривожланишига ва бозор мувозанатини таъминланишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлашнинг бошланғич бўғини оила ҳисобланади. Агар мамлакатдаги ҳар бир оиланинг кундалик ижтимоий-иқтисодий талаби оила аъзолари томонидан ишлаб топилаётган даромад эвазига қондирилса, бозор мувозанатини таъминлашнинг иккинчи ва ҳатто биринчи даражасига кўтарилиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат миқёсида тўйинган бозор мувозанатининг таъминланишига олиб келади.

М.Вебернинг ёзишича, капиталистик тизим шакллангунга қадар ривожланган капиталистик мамлакатларда кишиларнинг меҳнат қилишга манфаатдорлик ҳисси жуда юқори бўлмаган, улар асосан анъанавий ҳаёт тарзини давом эттириш учун меҳнат қилган. Кишилар ишлашга тўғри келганликлари учун ишлаган, бу иш иқтисодий жиҳатдан манфаатдорлик билан боғлиқ бўлмаган. Марказдан режалаштирилган тизимда кишиларнинг меҳнат қилишдан шахсий иқтисодий манфаатдорлиги ва аниқ мақсади бўлмаган. Хусусий мулк муносабатлари қонуний йўл билан таъқиқланган, барча ҳолатлар «марказдан қуйи»га қараб режалаштирилган. Жоиз бўлса, айтиш мумкинки, кишиларнинг ҳаёт жараёни ҳам «режалаштирилган» бўлиб, уларнинг ҳаёт ва турмуш тарзи бир-биридан кескин фарқ қилмаган. Ушбу тизимга 1990 йилдан бошлаб барҳам берилди ва жамиятимизда капиталистик тизимга хос бўлган бозор муносабатлари шакллана бошлади.

Капиталистик жамият шаклланиши билан унинг янги

қирралари намоён бўлди, кишиларда меҳнатга бўлган интилиш ташқи куч таъсирида эмас, балки ички куч таъсири (эҳтиёж)да вужудга келди. Ушбу жамиятда улар олдингисидан кўра самаралироқ ва кўпроқ ишлай бошлади. Худди шу жараёни миллий иқтисодиёт мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ҳозирги кунда одамлар жуда серҳаракат, уларнинг дам олиш вақти олдингига нисбатан сезиларли даражада чегараланган. Лекин мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар улуши жуда пастлигича қолмоқда. Масалан, ушбу кўрсаткич 2002, 2003 ва 2004 йилларда мос равишда 205,1, 246,7 ва 295,9 АҚШ долларини ташкил этган⁵³.

Маълумки, Ўзбекистон катта иқтисодий салоҳиятга эга давлат ҳисобланиб, иқтисодий ресурслар, яъни олтин, газ, уран, нефть ва бошқа қазилма бойликларига эга. Дунёда пахта етиштириш бўйича биринчи ўнлик давлатлар қаторига киради. Бугунги кунга келиб ғаллани импорт қилувчи давлатдан экспорт қиладиган давлатга айланди. Лекин аҳолининг даромадлари миқдори жиҳатидан эса ривожланган ва ҳатто ривожланаётган мамлакатлар даражасидан сезиларли равишда пастлигича қолмоқда. Назаримизда, бу миллий иқтисодиётдаги салбий ҳолатларнинг бири ҳисобланиб, бозор мувозанатини таъминлашдаги асосий муаммолардан ҳисобланади. Чунки истеъмол ҳажмини аҳолининг оладиган даромади белгилаб беради. Аҳоли даромадлари қанча юқори бўлса, истеъмол (талаб) ҳажми ҳам шунча ошади. Истеъмол ҳажмининг узлуксиз ошиб бориши ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ғарбда айрим тадқиқотчилар иқтисодий ўсишга таъсир қиладиган омиллар сифатида илм ва изланувчанлик, табиий ресурслар ва иқтисодий қизиқиш, кишиларни эксплуатация қилиш ва капитал экспансиясини эътироф эти-

⁵³ Ўзбекистон Республикасининг 2002, 2003 ва 2004 йй. Статистик ахборотномасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

шади. Ушбу омиллардан ҳар бирининг иқтисодий ўсишдаги аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, уларни мутлоқлаштириш керак эмас, деб ҳисоблаймиз. Агар, илм ва фан иқтисодий ўсишнинг асосий омили бўлиб хизмат қилган бўлса, XVI асргача илм ва фаннинг ўчоғи ҳисобланган Хитой ва ислом мамлакатларида сезиларли иқтисодий ўзгаришлар юз бермади-ку? Иккинчи жаҳон урушидан сўнг халқ хўжалиги иқтисодий инқирозга учраган айрим Европа мамлакатлари чекланган иқтисодий ресурслар билан дунёнинг ривожланган мамлакатларининг олдинги сафларига ўтиб олди-ку!

Назаримизда, буларнинг барчаси кишининг меҳнатга, унинг ортидан келадиган моддий манфаатдорликка боғлиқ эканлигини эътироф этишимиз лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида мана шу омил, шунингдек, хусусий мулкчиликнинг мавжудлиги мамлакатда иқтисодий мувозанатни таъминлашга хизмат қилади.

К.Маркс Фарбдаги иқтисодий ўсишни ҳаракатга келтирувчи кучлар сифатида рақобат, психологик мотивация ва фойда ортидан қувишни кўрсатган.

Фикримизча, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишга эришиш орқали бозор мувозанатини таъминлашнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

1. Мамлакатда эришилган сиёсий ва макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш.

Мустақилликка эришгандан буён мамлакатимизда маълум жиҳатдан сиёсий ва макроиқтисодий барқарорликка эришилди, лекин ушбу ҳолат мамлакатимиз аҳолисининг турмуш тарзи ва яшаш даржасининг талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Шу боис мазкур йўналиш бўйича зарур бўлган тегишли ишларни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатда сиёсий барқарорликка эришиш учун аввало унинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш лозим. Чунки сиёсий барқарорликни таъминлаш учун тегишли молиявий маблағларга эга бўлиш тақозо этилади. Макроиқтисодий барқарорлик асосида ишлаб чиқариш кучлари

ва ишлаб чиқариш воситаларидан оқилона фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади. Агар мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларига назар соладиган бўлсак, ушбу кўрсаткичлар доимий равишда ўсиб бориш тенденциясига эга эканлигининг гувоҳи бўламиз. Қуйидаги жадвалда Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари ҳақида маълумот келтирилган (3.1-жадвал).

3.1- жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилдаги асосий иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари⁵⁴
(амалдаги нархларда: млрд. сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2006 й.	2005 йилга нисбатан фоизда
Ялпи ички маҳсулот	20759,3	107,3
Саноат маҳсулотлари	14521,1	110,8
Истеъмол товарлари	4069,7	120,6
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	7314,0	106,2
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	3838,3	109,1
Қурилиш ишлари	1843,4	112,8
Юк айланмаси, млн.т -км.	73,9	107,2
Йўловчи айланмаси, млн.йўловчи -км	52,0	112,7
Чақана товар айланмаси	5736,8	108,2
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	7460,8	114,8
Ташқи савдо айланмаси, млн.АҚШ долл.	10785,7	113,5
Аҳоли пул даромадлари	12954,9	133,2
Иш қидирувчилар сифатида рўйхатда турганлар (ҳисобот даври охирига, минг киши).	29,1	90,2
жумладан, расман рўйхатга олинган ишсизлар, минг киши	25,5	92,2

⁵⁴ Манба: Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Жадвалдан кўриниб турибдики, республиканинг барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлари 2005 йилда 2004 йилга нисбатан юқори бўлган. Айниқса, ташқи савдо айланмаси (109,6 фоиз) ва аҳоли пул даромадлари (129,7 фоиз) кўрсаткичлари сезиларли равишда ошган. Лекин аҳолининг жон бошига оладиган даромадлари миқдори халқаро амалиётдаги мавжуд ўртача кўрсаткичдан (5-иловадаги маълумотларга қаранг) жуда пастлигича қолмоқда. Мазкур масала миллий иқтисодиётда бозор мувозанатига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида баҳоланади. Чунки мамлакат аҳолисининг реал қийматлардаги даромадининг миқдори пастлиги уларнинг сотиб олиш қобилиятига, истеъмол ва жамғарма миқдорига тескари мутаносибликда таъсир кўрсатади.

2. Инсон ресурсларига инвестиция қилиш.

Инсон ресурсларининг ривожланишига таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири ўқитиш соҳасига инвестиция қилиш ҳисобланади. Жаҳон цивилизацияси тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатда иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси шу жамиятдаги инсонларнинг билим савиясига чамбарчас боғлиқ. Масалан, иккинчи жаҳон урушидан сўнг иқтисодий инқирозга учраган, шунингдек, иқтисодий ресурслари бошқа мамлакатларга қараганда сезиларли равишда чекланган Япония ҳозирги кунда дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олди. Демак, иқтисодиётнинг ривожланиши мамлакатда юксак даражада билим ва тажрибага эга бўлган кишилар мавжуд бўлиши, энг асосийси, уларга иқтисодиётни бозор муносабатлари асосида бошқариш ва тадбиркорликни ривожлантиришга юқори даражада имконият ҳамда шароит яратиб беришни талаб этади.

Иқтисодиётнинг ривожланишида капитал ва ер пассив омиллар бўлиб, умумий ва махсус билимга эга бўлган инсонлар актив омил ҳисобланади. Мамлакатда аҳоли билим савиясининг юқорилиги, кишиларнинг воқеалардан огоҳлиги — буларнинг барчаси жаҳон ҳамжамиятига ки-

риб бораётган ва янгиланаётган мамлакат учун иқтисодий пойдевор бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳукумати мамлакатга, шу жумладан инсон ресурсларига инвестиция қилиш масаласига катта эътибор бермоқда. Шу мақсадда 2005 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан тўғри жалб қилинадиган инвестицияларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор мамлакатга, хусусан, ўқув соҳасига келадиган инвестицияларни кўпайтиришга кучли туртки бўлиб хизмат қилади. Агар мамлакатга келаётган чет эл инвестицияси ва кредитларининг 2003 ва 2004 йилдаги ҳажмига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу кўрсаткич мос равишда 491,1 ва 605,8 млрд. сўмни ташкил этди. Мазкур инвестицияларнинг халқ таълими соҳасига йўналтирилган улуши эса 2003 ва 2004 йилларда мос равишда бор йўғи 1,5 ва 10,2 фоизни ташкил этди⁵⁵. Демак, фақатгина халқ таълими соҳасига қарашли ўқув муассасалари ва уларда таълим олаётган ўқувчилар бошига келадиган ушбу инвестиция ва кредитларнинг миқдори жуда пастлигининг гувоҳи бўламиз (3.2-жадвал).

3.2-жадвал.

Ўзбекистонда ўқув муассалари ва уларда таълим олаётган ўқувчилар ҳақида маълумот^{56*}

	2003 йил		2004 йил		2005 йил		2006 йил	
	Муассасалар сони	Ўқувчилар сони	Муассасалар сони	Ўқувчилар сони	Муассасалар сони	Ўқувчилар сони	Муассасалар сони	Ўқувчилар сони
Мақтаблар	9 678	6 286 985	9 703	6 151 300	9851	6075200	9797	5705200
Академик лицейлар	48	23 136	66	27 946	81	34586	99	53100
Коллежлар	543	507 694	890	646 054	910	772814	953	1021900
Олий ўқув юрғлари	60	233 233	60	233 233	60	233233	62	286300
Жами:	10 329	6 871 048	10 719	7 058 533	10902	7115833	10911	7066500

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

⁵⁶ Манба: Справочник Государственного бюджета РУ. –Ташкент, 2006.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, мамлакат аҳолисининг деярли 27 фоизи ўқув муассасаларида таҳсил олади. Агар 2004 ва 2005 йилларда давлат бюджети ҳисобидан бир ўқувчига қилинган харажатга эътибор берадиган бўлсак, ушбу кўрсаткич мос равишда 90684 ва 108591 сўмни ташкил этмоқда⁵⁷. Бу ерда олийгоҳларда шартнома ҳисобидан ўқийдиган талабалар инobatга олинмаса ўқиш учун қилинган сумма миқдори қисман ошиши мумкин. Агар ривожланган мамлакатларнинг бир йиллик ўқув харажатлари миқдорига назар ташлайдиган бўлсак, у ўртача 6-12 минг АҚШ долларини ташкил этади. Демак, келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, Ўзбекистонда бир ўқувчига йил давомида сарфланаётган ўқиш харажатлари миқдори жуда паст бўлиб, бозор цивилизациясининг ривожланган фан-техника тараққиётини ўрганишга тўлиқ имконият бермайди. Бу ўз ўрнида иқтисодий ривож ва кишиларнинг билим савияси ўртасидаги ўзаро номутаносибликка олиб келади. Буларнинг барчаси эса мамлакатда тўйинган бозор мувозанатини таъминлаш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш борасидаги асосий муаммоларнинг негизи эканлиги билан изоҳланади.

3. Ташқи бозорга чиқишни рағбатлантириш.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқалар босқичма-босқич эркинлаштирилмоқда. Ташқи савдо айланмасида йилдан йилга ўсиш суръатларини кузатишимиз мумкин. Қуйидаги жадвалда ташқи савдо айланмасининг динамикаси келтирилган (3.3-жадвал).

⁵⁷ Справочник Государственного бюджета РУз. —Тошкент, 2005 йил маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

3.3-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасининг
динамик кўрсаткичлари⁵⁸
(млн АҚШ долларида)**

Йиллар	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Савдо баланси (сальдо)
1995	6612,6	3719,9	2892,7	827,2
1996	9311,3	4590,2	4721,1	-130,9
1997	8910,5	4387,5	4523,0	-135,5
1998	6816,7	3528,2	3288,7	239,5
1999	6346,5	3235,8	3110,7	125,1
2000	6212,1	3264,7	2947,4	317,3
2001	6307,3	3170,4	3136,9	33,5
2002	5700,4	2988,4	2712,0	276,4
2003	6689,2	3725,0	2964,2	760,8
2004	8669,0	4853,0	3816,0	1037,0
2005	9500,1	5408,8	4091,3	1317,5
2006	10785,7	6389,8	4395,9	1993,9

Жадвал маълумотларидан кўринганидек, ташқи савдо айланмаси, агар 1996 ва 1997 йиллардаги салбий қолдиқни инобатга олмаганда, доимо ижобий сальдо билан якунланган. Яъни ташқи савдо таркибида экспорт улуши юқори бўлган. Ушбу кўрсаткич, айниқса, таҳлил этилаётган даврнинг 1995, 2004 ва 2005 йилларида ўзининг энг юқори нуқтасига кўтарилган.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий бозорида ижобий сальдога эришиши катта аҳамиятга эга бўлиб, навбатдаги вазифа экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар ҳажмини кўпай-

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

тириш асосий масалалардан ҳисобланади. Қуйидаги жадвалда мамлакатнинг 1995-2004 йиллар давомида амалга оширган экспортнинг таркиби ҳақида маълумотлар келтирилган (3.4-жадвал).

3.4-жадвал

Ўзбекистоннинг 2005-2006 йиллардаги экспорти таркиби ва динамикаси⁵⁹

Йиллар	Пахта толаси	Овқат-овқатлар	Кимё саноати маҳсулотлари, пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар	Энергетика ва ёқилғи маҳсулотлари	Рангли ва қора металл	Машина-ускуналар	Хизматлар	Бошқа товарлар	Жами (%)	Жами (млн. АҚШ доллари)
1995	48,4	1,7	2,5	11,7	4,7	2,0	7,7	21,3	100,0	3719,9
1996	38,1	4,5	2,4	6,0	3,5	2,8	8,3	34,4	100,0	4590,9
1997	36,0	3,7	1,7	12,0	4,6	6,3	27,4	8,3	100,0	4387,5
1998	38,6	3,2	1,5	7,9	5,1	4,2	30,8	8,7	100,0	3528,2
1999	27,3	6,4	3,1	11,5	4,3	3,2	34,7	9,5	100,0	3235,8
2000	27,5	5,4	2,9	10,3	6,6	3,4	13,7	30,2	100,0	3264,7
2001	22,0	3,9	2,7	10,2	7,0	3,9	14,6	35,7	100,0	3170,4
2002	22,4	3,5	3,0	8,1	6,4	3,9	15,9	36,8	100,0	2988,4
2003	19,8	2,7	3,1	9,8	6,4	5,9	14,4	37,9	100,0	3725,0
2004	18,1	3,8	4,7	12,4	8,6	7,4	11,8	33,2	100,0	4853,0
2005	19,1	3,8	5,3	11,5	9,2	8,4	12,2	30,5	100,0	9500,1
2006	17,2	7,9	5,6	13,1	12,9	10,1	12,1	21,1	100,0	6389,8

Келтирилган маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, экспорт таркибида пахта толаси улушининг камайиб бориши ижобий, лекин экспорт таркибида хизматлар улушининг 1998 йил даражасидан тушиб кетиши ва унинг камайиб бориш тенденциясига эга эканлиги салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки экспортнинг хизматлар таркибида чет эллик сайёҳларга кўрсатиладиган хизматлар мавжуд бўлиб, мамлакатимиздаги бой тарихий меъморий обидалар ҳисобидан мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш имконият-

⁵⁹ Жадвал уша манба маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

ларидан етарли равишда фойдаланилмаётганлигини билдиради. 1995-2005 йилларда мамлакат экспорти таркибида рангли металлургия, машинасозлик, кимё саноати маҳсулотларининг салмоғи ортиши кузатилди.

Қуйидаги жадвалда мамлакат импорт таркиби ҳақидаги маълумотлар келтирилган (3.5-жадвал).

3.5-жадвал

**Ўзбекистоннинг 1995-2006 йиллар давомидаги
импорт таркиби ва динамикаси⁶⁰**
(фоизла)

Йиллар	Озиқ-овқатлар	Кимё саноати маҳсулотлари, пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар	Энергетика ва ёқилғи маҳсулотлари	Рангли ва қора металл	Машина ускуналар	Хизматлар	Бошқа товарлар	Жами (%)	Жами (млн. АҚШ доллари)
1995	18,2	9,3	1,9	5,7	47,9	5,0	12,0	100,0	2892,7
1996	29,5	12,5	1,1	6,7	35,8	0,2	14,2	100,0	4721,1
1997	19,3	12,5	0,6	7,5	45,9	7,5	6,7	100,0	4523,0
1998	15,6	12,4	0,5	9,2	47,2	5,0	10,1	100,0	3288,7
1999	13,1	11,7	2,1	7,9	44,8	8,7	11,7	100,0	3110,7
2000	12,3	13,6	3,8	8,6	35,4	8,5	17,8	100,0	2947,4
2001	10,8	12,7	1,9	10,9	41,2	10,3	12,2	100,0	3136,9
2002	12,5	15,1	1,3	8,0	41,4	10,6	11,1	100,0	2712,0
2003	9,9	12,8	2,7	7,9	44,4	10,2	12,1	100,0	2964,2
2004	6,8	12,5	2,1	10,3	46,0	11,1	11,2	100,0	3816,0
2005	7,0	13,6	2,5	10,3	43,3	10,4	12,9	100,0	4091,3
2006	8,1	15,0	4,3	10,4	40,3	9,1	12,8	100,0	4395,9

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, экспортнинг таркибида асосий улушни машина ва ускуналар эгаллаган. Албатта, бу ижобий ҳолат.

Мазкур параграфда келтирилган 3.1, 3.3, 3.4, ва 3.5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатда иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланиб, ишлаб чиқариш

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

ва экспорт ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда, аҳолининг пул даромадлари динамикаси доимий ўсиш суръати-га эга. Лекин аҳолининг яшаш даражаси, корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолати йилдан йилга яхшиланиши ўрнига заифлашиб, молиявий ҳолатида беқарорликлар кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва унинг ривожланишига доимий равишда катта эътибор қаратиб, мавжуд муаммоларнинг туб сабаблари сифатида қуйидагиларни таъкидлади:

биринчидан, серхаражат, сифати паст, рақобатга чидамсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эски технологияларнинг мавжудлиги;

иккинчидан, бозорни яхши билмаслик, корхоналарнинг маркетинг хизмати суст ишлаётганлиги, экспортга доир шартномалар пухта ўйланмасдан, шошма-шошарлик билан тузилганлиги;

учинчидан, маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришда монополия ҳамон сақланиб қолаётгани. Бу номақбул ҳол корхоналарга ички бозорда ўз маҳсулотларини исталган нархда ва исталган ҳажмда сотиш имконини беради. Натижада, экспорт ҳақида ҳеч ким бош қотирмайди;

тўртинчидан, экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг халқаро миқёсда эътироф этилган сертификатларининг йўқлиги ва шунинг оқибатида уларни жаҳон нархларида сотиш қийинлиги. Бу, энг аввало, рангли металлар, машиналар, механизмлар савдосига тегишлидир.

Бир сўз билан айтганда, экспорт имкониятларимизни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган талай ички сабаблар мавжуд. Бу ҳар бир корхона миқёсида ҳам, вазирликлар, корпорациялар, уюшмалар ва компаниялар даражасида ҳам экспорт имкониятларини ошириш устида жиддий бош қотиришни тақозо этади⁶¹.

⁶¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Том-7. — Тошкент, Ўзбекистон, 1999. — 18 б.

Мазкур параграф бўйича амалга оширилган таҳлиллар ва ўрганишлар асосида қуйидаги асосий хулоса ва таклифларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

- мамлакатда аҳоли сонининг узлуксиз ўсиб бориши ва иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги миллий иқтисодиётда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш асосида бозор мувозанатига эришиш устувор вазифа ҳисобланади;

- мамлакат миқёсида бозор мувозанатини таъминлашнинг асосий бўғини сифатида оиладаги иқтисодий барқарор мувозанатни шакллантиришга эришиш лозим, яъни ота-она фарзандини мустақил ҳаёт юритиш, чуқур билим олиш, ўзига ишонч, маълум бир мақсад сари интилиш ва охир оқибат ўзини-ўзи иқтисодий ва маънавий жиҳатдан баркамол инсон руҳида тарбиялаши зарур;

- миллий иқтисодиётда асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларнинг йилдан-йилга ўсиб бориши туфайли мамлакатда бозор мувозанатини таъминлашга эришилди ва бунинг натижасида халқнинг яшаш фаровонлиги яхшиландаи деган хулосани чиқаришга асос бўлмади, эркин иқтисодиёт шароитида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад улушининг (АҚШ долларида) халқаро ўртача меъёрлар даражасидаги кўрсаткичига эришиш ва уларнинг реал сотиб олиш қобилиятининг мустаҳкамланиши асосий кўрсаткич сифатида қаралиши лозим;

- миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлашнинг асосий шarti ҳисобланган мамлакатда реал макро-иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва уни мустаҳкамлашга эришиш зарур. Шунингдек, аҳолининг реал даромадаларини ошириш ва сотиб олиш қобилиятини мустаҳкамлаш зарур. Агар аҳолининг сотиб олиш қобилияти пастлигича қолар экан, миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва бозор мувозанатини таъминлашда маълум маънода зиддиятли ҳолатлар ва муаммолар сақланиб қолаверади;

- ҳар қандай жамиятнинг ривожланишида актив омил-

лардан бири ҳисобланган инсон ресурсларига қилинаётган инвестиция миқдорини халқаро амалиётда қўлланилаётган ўртача даражага етказиш мамлакатда бозор мувозанатини таъминлашнинг устувор йўналиши сифатида қараш зарур;

- ташқи бозорга истеъмолга тайёр маҳсулотларни реал қийматда қаттиқ валюталарда реализация қилиш асосида мамлакатда бозор мувозанатининг таъминланишига хизмат қилдириш лозим.

Умумий хулоса қиладиган бўлсак, миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида бозор мувозанатини таъминлаш, реал иқтисодий ўсишга эришиш - халқ фаровонлигини оширишнинг ягона устувор йўли ҳисобланади.

3.2. Самарали бозор мувозанатини таъминлашнинг устувор йўналишлари ва уларни амалиётга татбиқ этиш масалалари

Илмий ва амалий тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлаш ўта долзарб масалалардан ҳисобланади. Бозор мувозанатининг таъминланиши мамлакатда ялпи ижтимоий маҳсулот ҳажмининг ўсишига, аҳоли турмуш даражасининг ошишига ҳамда унинг ижтимоий ва иқтисодий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Бунинг учун мамлакатда бозор мувозанатини таъминлашнинг асосий устувор йўналишларини аниқлаш ва миллий иқтисодиётга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг назаримизда, Ўзбекистонда бозор мувозанатини таъминлашнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

· Мамлакатда чекланган иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш ва реал иқтисодий ўсишни таъминлашга эришиш зарур.

Бозор мувозанатини таъминлашнинг муҳим омиллари

мамлакатда мавжуд бўлган иқтисодий ресурслар ва кишиларнинг интеллектуал қобилияти ҳисобланади. Жаҳон таърибаси шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган бозор муносабатлари шароитида интеллектуал қобилиятни такомиллаштириш орқалигина мавжуд иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш мумкин. Буни Япония ва Хитой мамлакатлари мисолида яққол кўришимиз мумкин. Масалан, Японияда иқтисодий ресурслар, руда, олтин ва шунга ўхшаш қазилма бойликлар бошқа мамлакатларга қараганда сезиларли даражада чекланган, деярли мавжуд эмас. Лекин худди шу давлат дунёнинг барча мамлакатларини электрон техника ва машиналар билан таъминлаган, бунинг натижасида эса мамлакат аҳолисининг турмуш тарзи бошқа мамлакатлар аҳолисиникига нисбатан бир неча баробар юқори. Хитой эса аҳолиси сони бир миллиарддан ошиб кетган бўлишига қарамасдан, дунё мамлакатлари савдо айланмасининг 25-30 фоизини қамраб олган. Бу иқтисодий натижаларнинг барчаси тиришқоклик, билим, ҳаракат ва энг асосийси интеллектуал меҳнатнинг самарасидир.

Мамлакатда иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар ижобий бўлгани ҳолда аҳолининг яшаш даражаси, билим савияси ва турмуш тарзида фаровонлик таъминланмас экан, буларнинг барчаси ҳисоботларда рақамлар сифатида қолаверади. Фикримизча, аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш ва уларнинг фаровонлигини реал таъминлаш орқали иқтисодий ўсишга баҳо бериш мақсадга мувофиқ.

· Мулккий муносабатларни такомиллаштириш, кичик ва хусусий тадбиркорлар фаолиятига кенг эркинлик бериш лозим.

Бозор мувозанатини таъминлашда асосий эътибор мулк шакллари таркибида хусусий мулк улушини ошириш ва ушбу мулк эгаларининг фаолият юритиши учун мавжуд иқтисодий шароитлар яратилганлиги билан белгиланади. Агар мана шу икки ҳолатда салбий кўринишлар намоён бўлар экан, иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлаш

ва унинг барқарорлигини оширишда турли зиддиятли ҳолатлар вужудга келади.

Ўзбекистонда давлат мулкани сотиш, хусусийлаштириш, акциядорлик жамиятларига айлантириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Лекин, уларнинг ривожланиб кетишига амалиётда мавжуд бўлган жиддий тўсиқлар ва маъмурий усуллар салбий таъсир кўрсатмоқда. Мамлакатда жами мулкчиликнинг 44,1 фоизи фермер ва деҳқон хўжаликларига, 30,0 фоизи эса хусусий тадбиркорлар улушига тўғри келади⁶². Албатта, бу ижобий ҳол. Демак, миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлашнинг асосий юки ҳам шуларнинг зиммасига тушади. Лекин амалда уларнинг эркин фаолият юритиши учун иқтисодий шароит бўлган молия-кредит муносабатларининг талабга жавоб бериши қандай ҳолатда? Афсуски, ижобий деб бўлмайди.

Шахсий мулк эгалари ўртасида ўтказилган сўровнома-лар натижасида шу нарса маълум бўлдики, сўровномада қатнашган респондентларнинг фақатгина 11 фоизи судларнинг фаолиятига ишонишини билдиришган, 63 фойзининг фикрига кўра, хўжалик судлари хусусий мулк эгаларининг манфаатини умуман ҳимоя қилмайди, 28 фойзи эса уларнинг фаолияти умуман сезилмаслигини таъкидлашган. Тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган ҳолат бўйича респондентларнинг 53 фоизи мансабдор шахсларнинг товламачилиги, асосий порахўрлик иллатлари солиқ ва прократура ходимлари ўртасида илдиз отганидадир, деб таъкидлашди⁶³.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов барча долзарб масалалар қатори бу масалага ҳам алоҳида эътибор бериб қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Биз бозор иқтисодиёти асосларини яратдик, лекин рўй рост айтиш керакки, бозор итисодиётига хос янги ланишлар ва ислохот-

⁶² Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил статистик ахборотномаси, 9 б.

⁶³ Экономическое обозрение. —Т.: 2004. Февраль. — 16 с.

лар расмиятчилик билан олиб борилмоқда, кўп ҳолларда шунчаки хўжакўрсинга амалга ошириляпти. Асосан ном ўзгараяпти-ю, мазмун-моҳият ўша-ўша — эскилигича қолмоқда. Бозор механизми суёт ишламоқда. Бу ҳол иқтисодиётнинг барча соҳаларида — саноатда, қишлоқ хўжалигида, капитал қурилиш ва бошқа тармоқларда кўзга яққол ташланиб турибди.

Биз кўпинча хусусийлаштириш ҳақида гапирганда, асосий эътиборни миқдор ўзгаришларига, дейлик, қанча корхона мулкчилик шаклини ўзгартирганига қаратамиз. Лекин, азиз биродарлар, келинг, ўзимизга-ўзимиз бир савол берайлик: нима ўзгарди ва, биринчи навбатда, бу ўзгариш корхоналарнинг фаолияти натижаларига нечоғлик таъсир этди? Таассуфки, асарият корхоналарда шакл ўзгарган-у, уларнинг молиявий — хўжалик фаолиятида айтишга арзиғулик ўзгариш рўй бермади»⁶⁴.

Миллий иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитини ва реал бозор нархини шакллантириш зурур.

Миллий иқтисодиётда соғлом рақобат муҳити ва реал бозор нархини шакллантиришда қатор муаммоли ва зиддиятли ҳолатлар мавжуд. Бундай ҳолатлар бозор мувозанатини таъминлашга, истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларни моддий манфаатдорликка қизиқтиришга салбий таъсир кўрсатади. Баъзи монопол ташкилотлар, масалан озиқ-овқат ва қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи заводлар бозордаги товарлар ҳажми ва уларнинг нархи устидан тартибни ўзлари истаганларича амалга оширади. Натижада мамлакатда бозор нархи эмас, балки монопол нарх ҳукм суради. Бозорга кириб келувчиларни эса ҳар хил маъмурий ва бошқа таъсирлар остида сиқиб чиқаради ёки синдиради. Масалан, ун ишлаб чиқариш соҳасида хусусий тадбиркорликнинг етарли даражада ривожланмаганлиги натижасида бир кг буғдойнинг нархи 120-130 сўм бўлгани

⁶⁴ Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-том. —Тошкент, Ўзбекистон, 2000. — 382 б.

ҳолда, ундан ишлаб чиқарилаётган уннинг нархи 300-320 сўмни ташкил этади.

· Миллий иқтисодиётда яратилаётган маҳсулотларнинг экспортбоблигини ҳамда миллий валютанинг барқарорлиги ва айирбошланувчанлигини таъминлаш лозим.

Мазкур масала энг долзарб вазифалардан бўлиб, мамлакатда экспорт миқдорини хомашё эвазига эмас, балки тайёр маҳсулотлар ҳисобига ошириш лозим. Мамлакатнинг экспорт салоҳиятида ижобий ўзгариш юз бермаса, улар ҳисобидан чет эл валютаси тушуми кўпаймаса, ишлаб чиқариш воситаларини юксак бозор талаби даражасига жавоб берадиган ускуна ва машиналар билан қайта жиҳозлаш, реконструкция қилиш имконияти бўлмайди. Бунинг натижасида йилдан йилга маҳсулотларнинг экспортбоблик даражаси пасайиб, мамлакатга келадиган валюта оқимлари камайиб кетади. Бу ўз ўрнида мамлакат миллий валютасининг сотиб олиш қобилиятини тушириб, унинг қаттиқ валюталарга нисбатан айирбошланувчанлик даражасининг пасайишига олиб келади.

Мамлакатда қаттиқ пул-кредит сиёсатининг юритилиши иқтисодиётда пул тақчиллигини келтириб чиқаради, бу бозор мувозанатини таъминлашда пул ва товар массаси ўртасидаги зиддиятли ҳолатларни келтириб чиқаради. Биз қаттиқ пул-кредит сиёсатининг юритилиши натижасида фақат бир томонлама вужудга келиши мумкин бўлган муаммонинг моҳиятини очишга ҳаракат қилдик. Ваҳоланки, бу соҳада корхона ва ташкилотларнинг миллий валютани конвертация қилиш, хорижий валютада кредит олиш, ўз маблағларини эркин равишда бошқариш борасида қатор муаммоларни келтириб чиқариш натижасида миллий иқтисодиётга, бозор мувозанатини таъминлашга салбий таъсир кўрсатади.

· Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга тўлиқ эркин танлов ҳуқуқини бериш лозим.

Мазкур йўналишнинг илмий ва амалий устуворлиги шундаки, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарувчи

ва истеъмолчини ҳаракатга келтирувчи асосий омил бу иқтисодий манфаатдорлик, яъни фаолияти натижасидан кўрадиган молиявий фойдаси ҳисобланади. Бозор муносабатларининг асосий омили ишлаб чиқарувчига маҳсулотни яратишда ва истеъмолчига ўзи истаган маҳсулотни сотиб олишга эркинлик беришдадир. Мана шу икки ҳолат юзасидан айрим ҳолатларда маъмурий усуллар ва буйруқ-бозлик ҳолатлари юз бермоқда. Жумладан:

а) маҳсулотларни сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва тадбиркорлик фаолиятига лицензия бериш масаласи.

Давлатнинг ушбу тартибга солувчи дастаги товарларнинг сифатини назорат қилишга қаратилган. Лекин тадбиркорлар лицензия ва сертификат олиш учун кўплаб ҳужжатлар талаб қилиниши, сертификатлаш тартибининг мураккаблиги ва харажатли эканлиги ҳолатлари мавжуд. Масалан, лицензия камида беш йилга берилиши мумкин бўлган ҳолатларда ҳам мутасадди ташкилотлар уни кўпчилик ҳолларда икки ёки бир йилга беришади.⁶⁵

б) молия-кредит соҳасидаги мавжуд муаммолар.

Кичик ва хусусий тадбиркорларнинг асосий қисми ўз фаолиятларини шахсий маблағлари (шунингдек, ота-онаси ва ўртоқларининг молиявий ёрдами) асосида амалга оширади. Уларнинг асосий қисми молиявий кўмак сўраб банкларга мурожаат қилишмайди. Чунки банкдан кредит олиш ва уни қайтариш жараёни ҳужалик юритувчи субъектлар иқтисодий манфаатига тўғри келмайди. Дарҳақиқат, банкдан кредит олган корхонанинг фаолияти банк ходимлари томонидан қаттиқ назорат остига олинади, унинг иш ҳақи фондининг тўғри сарфланиши, солиқ тўловларининг вақтида тўлаб борилиши, касса интизоми, дебитор ва кредиторлик қарзлари, бошқа бюджет ва бюджетдан ташқари тўловларнинг амалга оширилиши қаттиқ назорат қилинади.

⁶⁵ Экономическое обозрение. 2004. Январь. — 13 с.

Шунингдек, банкдан нақд пулларни олиш кичик ва хусусий тадбиркорлар учун асосий муаммоли масалалардан бири ҳисобланади. Банклар ҳар ойнинг 20 санасидан турли ҳолатларни рўкач қилиб, нақд пулларни беришда зиддиятли ҳолатларни вужудга келтиради. Бунинг натижасида миллий иқтисодиётда 15-20 фоиз комиссия тўлов асосида нақдсиз пулларни нақд пулларга алмаштириш амалиёти жорий этилган бўлиб, бундай ҳолат ишлаб чиқаришга ва мамлакат иқтисодиётининг ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

в) деҳқон ва фермер хўжаликларида ерга эгалик ҳиссининг шакланмаганлиги.

Маълумки, мамлакатнинг асосий иқтисодий фаолияти аграр қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. 2005 йил 1 январь ҳолатида жами мулкчиликнинг таркибида ушбу тармоқнинг улуши 44,1 фоизни ташкил этган. Демак, мамлакатда бозор мувозанатини таъминлашда ушбу тармоқнинг ривожланиши ва истиқболи улкан аҳамият касб этади. Аммо собиқ иттифоқ тизими даврида жорий этилган давлат буюртмаси ҳозирги кунгача пахтага деярли юз фоиз, ғаллага эса 50 фоизгача миқдорда сақланиб қолмоқда. Мазкур буюртмаларнинг сақланиб қолиши деҳқон ва фермер хўжаликларини узоқ муддатга ижарага олинган ерларига ўзлари истаган нарсани экиш ва ўзлари истаган нархда сотиш имкониятидан маҳрум этади.

Фикримизча, мазкур масала юзасидан қатъий чора кўриш вақти келди. Деҳқон ва фермер хўжаликларига тўлиқ эркинлик бериш, уларга ерга истаган нарсани экишга, истаган нарх ва жойда сотишга имконият яратиш зарур. Давлатнинг таъсир чораси сифатида оқилона солиқ ставкалари ўрнатилиши ва фақатгина ушбу механизм орқали уларнинг фаолиятини тартибга солиш лозим. Ушбу масаланинг ҳал этилиши деҳқон ва фермер хўжаликларининг меҳнатга ва ишлаб чиқаришга бўлган қизиқишини орттиради, давлат бюджетини маблағ билан тўлдиради ва мил-

лий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлашга қулай муҳит яратади.

· Товар ва пул бозоридаги ўзаро мутаносибликни таъминлаш лозим.

Бозор мувозанатини таъминлашда аҳолининг молия-кредит тизимига бўлган ишончи ва миллий валютанинг сотиб олиш қобилиятининг мустақамлиги жуда катта аҳамиятга эга. Хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банкда пулларни кўчириш, нақд пул олиш, қўйилган омонатни истаган пайтда олишдаги узилишларнинг мавжудлиги уларнинг молия-кредит тизимига бўлган ишончининг бир қадар сусайишига олиб келди. Натижада нақд пулларни банкдан ташқарида айланиши каби салбий ҳолатлар вужудга келишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида товар массаси билан пул массаси ўртасидаги мутаносибликнинг бузилиши, бу эса ўз ўрнида товар ва пул бозоридаги мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлмоқда.

· Мамлакатда иқтисодий ва ўсиш суръатлари билан аҳоли турмуш даражасининг ўсиш суръатлари ўртасидаги тафовутни бартарф этиш лозим.

Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига назар соладиган бўлсак, ушбу кўрсаткичлар кейинги йиллар давомида ўсиш тенденциясига эга бўлган. Барча соҳаларда маҳсулот ишлаб чиқариш, ташқи савдо айланмаси, аҳолининг пул даромадлари миқдори ва асосий кўрсаткичлар ижобий ҳолда бўлса-да, аҳолининг турмуш тарзи ва фаровонлик даражасида сезиларли жиддий ўзгаришлар юз бермаяпти. Демак, бу соҳада реал иқтисодий ўсишга эришишни таъминлаш зарур.

· Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг сустр бориши ва қабул қилинган қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатларни амалиётга тўлиқ жорий этиш лозим.

Мамлакатда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Йирик завод ва фабрикалар қурилмоқда, кўп миқдорда лойиҳалар молиялаштирилмоқда. Албатта, бу каби бунёдкорлик иш-

лари жуда яхши, лекин ўтиш даврини бошидан кечираётган иқтисодиётда ишга туширилиши қисқа муддат талаб этадиган, иқтисодий жиҳатдан юқори самара берадиган кичик ва ўрта ҳажмдаги фабрика ва заводларни барпо этиш мақсадга мувофиқ.

· Ишлаб чиқариш воситаларини ва асосий воситаларни халқаро талаб андозалари даражасида модернизация қилиш.

Ишлаб чиқариш ва асосий воситаларнинг халқаро талаб даражасидаги турларига эга бўлмасдан туриб, миллий иқтисодиётда рақобатбардош ва экспортбоб маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг имконияти бўлмайди. Ушбу йўналиш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Мамлакатнинг қатор тамоқларида замон талабларига жавоб берадиган техник ускуна ва жиҳозлар келтириб ўрнатилди, лекин шунга қарамасдан, уларнинг салмоғи мамлакатдаги мавжуд иқтисодий ресурсларни қайта ишлаш ва меҳнат ресурсларининг потенциалини тўлиқ қониқтирмайди. Шу боис бу соҳадаги ишларни янада ривожлантириш, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш юзасидан қатор ишларни амалга ошириш зарур. Демак, мавжуд ишлаб чиқариш воситаларини ривожланган мамлакатларнинг ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланилаётган воситаларга алмаштириш зарурияти туғилди. Лекин мазкур масала ижобий ечимини ҳозирги кунга қадар тўлиқ топмаганлиги боис миллий иқтисодиётда яратилаётган товар ва маҳсулотларни четга экспорт қилишда муайян муаммоларни туғдирмоқда.

· Янги иш жойларини ташкил этиш ва уларни янада кенгайтириш лозим.

Ўзбекистонда меҳнат ресурслари ўсиш тенденциясига эга бўлиб, ҳар йили 100-200 минг меҳнат қобилиятига эга бўлган ёшлар етишиб чиқмоқда. Уларни нормал ва етарли шароитли иш жойлари билан таъминлаш масаласи ўта долзарб масалалардан ҳисобланиб, мамлакатда бозор мувозанатини таъминлашга хизмат қилдириш лозим. Маълумки, қишлоқ ҳўжалиги ширкат уюшмалари узоқ муддатли шарт

билан деҳқон-фермер хўжаликларига айлантирилмоқда, натижада ушбу хўжаликларда меҳнат фаолияти бидан банд бўлган аҳолининг кўпчилиги ишсиз бўлиб қолмоқда, бунинг устига, қишлоқда етишиб келаётган янги ишчи кучлари ҳам уларнинг сафига қўшилмоқда. Ишчи кучларининг барчасини аниқ режа ва мақсад асосида ишлаб чиқилган тегишли дастурлар асосида иш жойлари билан таъминламаслик ва улардан самарали фойдаланмаслик мамлакатда иқтисодий-ижтимоий салбий ҳолатларни келтириб чиқаришга замин тайёрлайди. Тўғри, уларнинг айримлари мазкур фермерларнинг ерида мавсумий ёлланма ишчилар сифатида ишлашмоқда, лекин бу муаммони ечишга тўлиқ имконият бермайди. Шу билан бирга, мамлакатнинг демографик ўсиш маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, аҳоли ўсиш суръатларининг асосий улуши қишлоқ жойларига тўғри келади. Зикр этилганлардан келиб чиқиб, ҳар бир фермер хўжалигига муайян иш жойларини яратиш бўйича аниқ вазифалар қўйилиши ва жойларда, худуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни қуриш бўйича аниқ дастурлар яратилиши мақсадга мувофиқ.

· Аҳоли даромадларини ва сотиб олиш қобилиятини ошириш лозим.

Мамлакат аҳолисининг реал даромадлари ва сотиб олиш қобилияти ошмаса, миллий иқтисодиётда ишлаб чиқаришни ривожлантиришва тўйинган бозор мувозанатини таъминлашда муаммолар сақланиб қолаверади. Чунки аҳолининг реал даромадлари миқдори ва сотиб олиш қобилияти паст бўлса, уларнинг талаб даражаси ҳам пастлигича қолаверади. Улар кундалик ҳаёт учун зарур бўлган товарлар (нон, шакар, чой) сотиб олади, бошқаларини эса (гўшт, машина, янги уй-жой, мебел, тедлевизор ва ҳ.к.) иккинчи, учинчи даражали товарлар сифатида сотиб олишнинг имконияти бўлмайди. Бунинг натижасида, мамлакатда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг орқасидан

иқтисодий манфаатдорлик кўриш имкониятлари чегараланиб қолади.

· Ялпи талабни кўпайтиришнинг асосий иқтисодий манбаси ҳисобланган аҳоли жамғармалари миқдорини кўпайтириш ва улардан самарали фойдаланиш зарур.

Муаммонинг моҳияти шундаки, юқорида таъкидлаганимиздек, аҳолининг молия-кредит тизимига бўлган ишончининг мустаҳкам эмаслиги товар ва пул массаси ўртасидаги мутаносибликнинг заифлашувига олиб келмоқда. Жумладан, аҳоли ўз жамғармаларини миллий валютада эмас, хориж валюталарида омонатга қўйиши, шунингдек, эҳтиёждан юқори даражада кўчмас мулк ва машиналарга маблағларнинг йўналтириши натижасида оборот маблағларининг ишлаб чиқариш жараёнидан чиқиб кетиши рўй бермоқда. Пул маблағларининг банк муассасаларидан ташқарида айланиши натижасида ишлаб чиқаришга йўналтирилаётган инвестиция ҳажмининг нисбатан камайиши ялпи талаб ҳамда ялпи таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

· Ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасида мутаносибликнинг бузилиши хомашёларни тақсимлашда ва товарларни сотишда маъмурий ва хуфёна усулларнинг салмоғини кескин камайтириш лозим.

Маълумки, иқтисодиётни бошқаришда маъмурий усулларнинг жорий этилиши ва мамлакатда хуфёна иқтисодиётнинг мавжудлиги бозор мувозанатини таъминлашга салбий таъсир кўрсатади. Яъни, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчини эркин танлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш асосида бозор мувозанатининг бузилишига олиб келади. Афсуски, бундай жараёнлар айрим ҳолатларда бўлса-да, миллий иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада ишлаб чиқарилаётган товарларнинг таннархи ўсиб кетиб Россия, Туркия ва Хитой молларига нисбатан қиммат бўлишига олиб келмоқда.

· Бозор мувозанатини таъминлашнинг рағбатлантирув-

чи иқтисодий омили ҳисобланган инвестиция ҳажмини ошириш ва ундан самарали фойдаланиш зарур.

Бозор муносабатларига ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатлардаги сингари республикамизда ҳам чет эл инвестициялари ва кредитларининг миллий иқтисодиётдаги миқдори ва роли ижобий даражада эмас чет эл инвестицияси ва кредитлари ҳажмининг ошиб бориши мамлакатда товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш суръатини ошириш билан бирга, уларнинг нархини туширишга, рақобат муҳитини яратишга ҳамда фоиз ставкаларининг пасайишига бевосита таъсир кўрсатади. Ушбу механизмларнинг эркин иқтисодий муносабатлар асосида ишлаши эса бозор мувозанатини таъминлашга олиб келади.

Маълумки, айнан шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда ва миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.04.2005 йилда “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорлар айна вақтида қабул қилинган бўлиб, миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига, мамлакатимизга хусусий хорижий инвестицияларнинг кириб келишига ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига кучли туртки бўлди. Чунки ушбу қарорда асосий эътибор хусусий хорижий инвестицияларни олиб келувчиларга солиқ имтиёзларининг берилиши асносида мамлакатда бозор мувозанатини таъминлаш долзарб вазибалардан бири сифатида қаралмоқда.

Хусусан, тўғридан-тўғри киритилган хусусий хорижий инвестицияларнинг 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача — 3 йил муддатга, 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача — 5 йил муддатга, 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга солиқ имтиёзлари белгилаб бе-

рилди. Албатта, хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилган шахсларга нисбатан мазкур имтиёзларнинг жорий этилиши давлат бюджети хазинасига келиб тушиши мумкин бўлган катта миқдордаги солиқ суммаларининг кечиктирилишига олиб келади. Лекин бундан кўзланаётган асосий мақсад мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш бўлганлиги туфайли солиқ механизмининг иқтисодиётни бошқаришдаги ролдан самарали фойдаланилмоқда.

Хулоса қилиб айтганимизда, мамлакатда бозор мувозанатини таъминлаш юзасидан келтирилган устувор масалаларни миллий иқтисодиётга жорий этилиши аҳолининг яшаш шароитини ҳамда фаровонлигини янада оширишга олиб келади.

ХУЛОСА

Тадқиқотни бажариш жараёнида амалга оширилган назарий ва амалий таҳлил натижаларига асосланган ҳолда бозор мувозанати ва уни таъминлаш механизмлари юзасидан қуйидаги асосий хулосаларни шакллантирдик:

· Бозор мувозанати тўғрисидаги илмий қарашлар ривожининг муносиб тарихига эга бўлиб, классик, неоклассик ва кейнчилик мактаби вакиллари томонидан изчил ўрганилган. Биз ушбу назариялар эволюциясини ва бозор мувозанатининг ҳозирги кундаги ҳолатини таҳлил этиш асосида уларнинг ижобий жиҳатларини миллий иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда инobatга олиш лозим, деган хулосага келдик. «Мувозанат» ва «бозор мувозанати» тушунчалари хусусида иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари кенг доирада ўрганилиб, уларга нисбатан муаллифнинг қуйидаги таърифлари берилди. «Мувозанат табиат, жамият ва коинотда содир бўладиган барча жараёнлар, воқеалар ва ҳодисаларнинг бир-бирига боғлиқлиги, сифат жиҳатдан ўзаро мутаносиблиги ҳамда миқдоран тенглигидир», «Бозор мувозанати чекланган ресурслардан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқариш (таклиф) ва истеъмолчи (талаб) нинг нарх ёрдамида алоҳида, микро ва макродаражадаги бозорларда тенглигини таъминлашдир».

· Бозор мувозанатининг алоҳида бозордаги, микро ва макродаражадаги кўринишлари мавжуд бўлиб, уларнинг мувозанат ҳолатига турли омиллар таъсир қилади. Талаб, таклиф, нарх, рақобат ва фоиз ставкалари бозор мувозанатини таъминлашнинг асосий омиллари ҳисобланади. Шунингдек, истеъмол (С), хусусий инвестиция (I), дав-

лат харажатлари (G) ва соф экспорт (Xn) ҳажмининг ўзгариши бозор мувозанатини таъминлашга таъсир ўтказди.

· Бозор мувозанатининг бузилиши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Иқтисодиётда унинг бузилишини бир қарашда аниқлашнинг имконияти мавжуд эмас. Мамлакатда кам таъминланган табақадаги оилалар яшаш даражасининг пасайиб бориши, иқтисодиётда талаб ва таклиф ўртасидаги номутаносиблик, мамлакат аҳолисининг банк тизими ва пул-кредит сиёсатига ишончининг пасайиши, бозордаги нархларнинг сезиларли равишда ошиб бориши бозор мувозанатининг бузилаётганлигидан далолат беради.

· Мамлакатда бозор мувозанатини таъминлаш талаб ва таклиф қонунининг эркин ишлашини талаб этади. Шунингдек, ушбу механизмлар ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг фаолиятини ривожлантирувчи асосий иқтисодий дастаклар сифатида амал қилиши лозим. Мамлакатда талаб ва таклифнинг иқтисодий категория эканлигини эътироф этмаслик миллий иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда товар ва хизматларнинг реал нархини аниқлаш имкониятини бермайди.

· Эркин иқтисодиёт шароитида бозор мувозанатини таъминлаш ва иқтисодий мувозанатга эришишда, бозор механизмлари ҳисобланган нарх, рақобат ва фойза ставкаларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Албатта, ушбу механизмларнинг миллий иқтисодиёт ривожига фойда келтириши ва ўзини тўлиқ намоён қилиши учун маълум ривожлантириш дастурлари ҳамда тегишли йўналишлари мавжуд бўлиши лозим.

· Ўзбекистонда бозор мувозанатини таъминлаш учун зарур бўлган иқтисодий ва меҳнат ресурслари старли ҳамда унинг ишлаб чиқариш потенциали жуда юқори. Ўтиш жараёнида шакллантирилаётган айрим тамойиллар ушбу иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятини

тўлиғича бермаяпти, шунингдек, миллий иқтисодиётдаги иқтисодий ўсиш мавжуд бўлиб, кишиларнинг турмуш даражасида сезиларли равишда ижобий ўзгаришлар амалга оширилмаяпти.

· Бозор мувозанатини таъминланишнинг асосий иштирокчилари ҳисобланган ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг эркин танлов ҳуқуқлари айрим ҳолларда чегараланиб қўйилмоқда. Яъни уларнинг ишлаб чиқариш ва истеъмол масалаларига давлат идоралари ҳамда маҳаллий ҳокимиятларнинг маъмурий аралашуви юз бермоқда. Бу ҳолатлар асосан қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш соҳаларида кўпроқ учраб туради.

· Мавжуд инвестиция муҳити мамлакатда тўйинган бозор мувозанатини таъминлашнинг имкониятини бермайди. Чунки мамлакатга келаётган чет эл инвестициялари ва кредитлари асосан саноат тармоқлари ҳисобланган газ, нефть ва қимматбаҳо металлларни қазиб олиш соҳасига тўғри келади. Республикадаги энг асосий тармоқ ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш соҳасига келаётган чет эл инвестициялари деярли мавжуд эмас ёки жуда кам миқдорни ташкил этади. Ваҳоланки, ушбу соҳани ривожланиши мамлакатдаги бошқа тармоқларнинг ривожланишига замин яратиши эътибордан четда қолмоқда.

· Бозор мувозанатини таъминлашда муҳим молиявий манба ҳисобланган корхоналарнинг айланма маблағлари ҳажми ва асосий воситалари жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган товар ва хизматларни етказиб бериш имкониятини бермайди. Бунинг устига, маҳаллий ҳокимиятларнинг маъмурий топшириқларига биноан уларнинг қўшимча бино ва иншоотларни қуришда иштирок этиши мавжуд айланма маблағларининг заифлашувига олиб келмоқда.

Тадқиқот натижалари ва юқорида келтирилган хулосаларга асосланиб, Ўзбекистонда тўйинган бозор мувозана-

тига эришиш учун қуйидаги тавсия ва таклифларни ишлаб чиқдик:

1. Миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлаш ва уни янада ривожлантиришда жаҳон тарихи цивилизацияси ривожининг тегишли босқичларида ижобий самарасини берган классик, неоклассик ва кейнсчилик мактаби вакилларининг иқтисодиётни бошқаришдаги таълимотлари эътиборга олинishi лозим.

2. Мамлакатда алоҳида, микро ва макродаражадаги бозорларда мувозанатни таъминлашга эришиш лозим. Бунинг учун миллий иқтисодиётда барча тармоқлар (оғир саноат, енгил саноат, маориф, молия-кредит, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар)нинг эркин нарх, рақобат ва фоиз ставкасига асосланган 1, 3, 5, 10, 15, 20, 25, 30 йилга мўлжалланган стратегик меморандумини қабул қилиш ва унда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш зарур.

3. Бозор мувозанати бузилишининг олдини олиш ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида мамлакатда чекланган иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишга эришиш ва реал иқтисодий ўсишни таъминлаш лозим. Шунингдек, бозор мувозанатини таъминлашнинг асосий иқтисодий дастаклари ҳисобланган талаб ва таклиф қонунининг тўлақонли ҳаракатини таъминлаш лозим.

4. Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг бозор мувозанатини таъминлашда асосий иқтисодий механизм ҳисобланган нарх, рақобат ва фоиз ставкаларини белгилашда ташқи аралашув ва ноқонуний усулларга тўлиқ барҳам бериш керак. Ушбу механизмларнинг тўлиқ ишлашини оқилona солиқ ставкаларини жорий этиш орқали амалга ошириш зарур бўлади.

5. Ўзбекистонда мавжуд иқтисодий ва меҳнат ресурсларининг самарали ишлашини таъминлаш ва уларнинг четга чиқиб кетишининг олдини олиш орқали миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлашга хизмат қилди-

риш лозим. Бунинг учун иш билан банд аҳолининг меҳнат ҳақларини МДХ мамлакатлари даражасида бўлишига иқтисодий шароит ва имконият яратиш керак.

6. Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга эркин танлов ҳуқуқини тўлиқ бериш лозим, улар фаолиятини белги-ланган солиқ тўловларини тўлаш орқали тартибга солишни йўлга қўйиш зарур. Уларнинг фаолиятига давлат идоралари ҳамда маҳаллий ҳокимиятларнинг маъмурий аралашуви-га чек қўйиш керак.

7. Миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлашда хорижий ресурслар ва замонавий технологиялардан фойдаланиш лозим. Бунинг учун миллий иқтисодиётнинг, асосан қишлоқ хўжалиги тармоғида хорижий инвестициялар миқдори ва инвесторлар иштирокини оширишга имконият берувчи молия-кредит соҳасида тегишли кафолатлар бериш ва уларнинг амалдаги ижросини таъминлаш лозим.

8. Корхоналарнинг молиявий ресурсларидан самарали фойдаланмаслик, уларни корхонанинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун четга чиқиб кетиши миллий иқтисодиётда бозор мувозанатининг бузилишига бевосита салбий таъсир кўрсатади. Бунинг олдини олиш мақсадида корхоналар молиявий ресурсларидан маҳаллий ҳокимиятларнинг маъмурий топшириқларига асосан иншоотларни қуриш ва тадбирлар ўтказишларига барҳам бериш лозим.

9. Мамлакатда олиб борилаётган пул-кредит сиёсатига аҳолининг ишончини мустаҳкамлашга эришиш лозим. Бу банкдан ташқарида айланаётган пул айланишининг ҳажмини қисқартириш орқали ишлаб чиқаришни кредитлашга ижобий таъсир кўрсатади.

10. Ўзбекистонда яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг асосий улуши қишлоқ хўжалик корхоналари ҳиссасига тўғри келиши туфвили ушбу соҳанинг бозор мувозанати-

ни таъминлашдаги ўрни беқийсдир. Шунинг учун инобатга олиб, аҳолини тўлиқ иш жойлари билан таъминлаш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи самарали саноат корхоналарини ташкил этиш керак. Бу ўз навбатида миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлашга бево-сита ижобий таъсир кўрсатади.

Юқорида зикр этилган хулосалар, таклифлар ва тавсиялар миллий иқтисодиётни бошқаришга жорий этилиши ва инобатга олиниши Ўзбекистонда тўйинган бозор мувозанатини таъминлашга замин тайёрлайди. Бу ўз навбатида мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлайди ва аҳолининг турмуш фаровонлигини янада оширишга олиб келади.

АДАБИЁТЛАР

1. Расмий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунилари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, Ўзбекистон, 2005. – 40 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (2003 йил 24 июнгача бўлган ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан). Расмий нашр. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2003. – 496 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. – Тошкент, Ўқитувчи, 1998.

4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Тошкент, Адолат, 2006. – 152 б.

5. «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. – Тошкент, 2003.

6. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқлариини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. – Тошкент, 2003.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарори, 2003 йил 17 апрель.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2003 йил 19 апрель.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларини хусусийлаш-

тиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2003 йил 26 август.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2004 йил 14 январь.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбалантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 1997 йил 27 апрел. — Тошкент, «Ўзбекистон», 2003.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқуий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Тошкент ш. 2005 й. 14 июнь. “Халқ сўзи” газетаси 115-сон. 16.06.2005 й.ороро

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарори. Тошкент ш. 2005 й. 15 июнь. “Халқ сўзи” газетаси 116-сон. 17.06.2005 й.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарори, Тошкент ш. 2005 й. 5 август. Халқ сўзи газетаси 153-сон. 9.08.2005 й.

2. Илмий монография, китоблар ва рисоалар

15. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан. 3-жилд. — Тошкент, Ўзбекистон, 1995. -267 б.

16. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қифолатлари. 6- жилд. — Тошкент, Ўзбекистон, 1997. - 326 б.

17. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9- жилд. — Тошкент, Ўзбекистон, 2001. - 440 б.

18. Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тарққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11- жилд. — Тошкент, Ўзбекистон, 2003. — 319 б.

19. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз кучқудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. — Тошкент, Ўзбекистон, 2004. — 340 б.

20. Каримов И.А. «Эришилган ютуқларни мустақкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим». Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. “Халқ сўзи”. 11 февраль 2006 й.

21. Абдурахмонов К.Х. Шарифулина Т.А. Экономика и социология труда. Учебное пособие. —М.: РЭА им. Г.В.Плеханова, 2002. —264 с.

22. Абдуғаниев А.А. Темпы и пропорции воспроизводства общественного продукта в Узбекистане. — Ташкент, Фан, 1973. -185 с.

23. Абдурахмонов К.Х. Одегов Ю.Т. Управление трудовым потенциалом в условиях регулирования рыночной экономики. — Ташкент, Мехнат, 1991. —64 с.

24. Абулкосимов Х.П. Проблемы государственного регулирования экономики в современных условиях. — Ташкент, Таш. гос. техн. ун-т, 1994. —68 с..

25. Абулкосимов Х.П. Теоритические аспекты социальной политики в Республики Узбекитан в современных условиях. — Ташкент, Фан, 1994. —26 с.

26. Акрамов Э., Эшмухамедов Ш. Узбекистан на пути к рынку. —Ташкент, Узбекистан, 1993. -125 с.

27. Акрамов Э.А., Тоиров А.Э. Экономические реформы Республики Узбекистан. —М.: ТОО «Люкс-арт», 1998. -185 с.

28. Алехин Б.И. Рынок ценных бумаг. — М.: ФиС, 1991. - 225 с.

29. Аристов А.М. Хозяйственный механизм и сбалансированность. - М.: Наука, 1990. - 156 с.
30. Арон Р. Вильфредо Парето. Этапы развития социологической мысли. - М.: Прогресс-Политика, 1992. - 146 с.
31. Басовский Л.Е. Прогнозирование и планирование в условиях рынка. - М.: Инфра-М, 2002. - 168 с.
32. Валовая Т.Д. Валютный курс и его колебания. - М.: ФиС, 1995. - 123 с.
33. Валовой Д. Экономика в человеческом соизмерении. - М.: Политиздат, 1989. - 98 с.
34. Валовой Л.В. Экономика: взгляды разных лет. - М.: Наука, 1989. - 126 с.
35. Вахабов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. - Тошкент, Шарқ, 2003. - 320 б.
36. Газибеков Д.Г., Собиров О.Ш. Лизинг и его развитие в Узбекистане. - Ташкент, Молия, 2001. - 183 б.
37. Грязнова А.Г. Финансово - кредитный энциклопедический словарь. - М.: ФиС, 2002. - 748 с.
38. Ивашковский С.Н. Макроэкономика. - М.: Дело, 2002. - 471 с.
39. Кейнс Ж.М. общая теория занятости, процента и денег. - М.: Экономика, 1993. - 306 с.
40. Козырев В.М. Основы современной экономики. - М.: ФиС, 2001. - 432 с.
41. Коуз Р. Фирма, рынок и право. - М.: Республика, 1993. - 246 с.
42. Кузнецова Н.П. Экономический рост: история и современность. Учебное пособие. СПб.: Издательский дом Сентябрь, 2001. - 144 с.
43. Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молиявий менежмент. - Тошкент, 1999. - 153 б.
44. Маликов Т.С. Молиявий қарор қабул қилиш асослари. - Тошкент, Шарқ, 1996. - 186 б.
45. Мэнкью Н.Г. Макроэкономика. - М.: 1999. - 420 с.
46. Парето В. Чистая экономия. - Воронеж, 1912. - 185 с.
47. Петров А. Планомерность и пропорциональность

социалистического воспроизводство. — Плановое хозяйство, 1983, №1. —С.53

48. Пигу А. Экономическая теория благосостояния. —М.: Прогресс, 1991. -102-152 с.

49. Питер С. Роуз Банковский менеджмент. Пер с англ. Со 2-го изд. — М.: Дело Лтд, 1995. -768 б.

50. Рахимова Д.Н. Управление процессами развития и использования трудового потенциала Узбекистана в условиях радикальных рыночных реформ. — Ташкент, ТГТУ, 2000. —247 с.

51. Роберт С. Пиндайк, Даниэль Л. Рабинфельд. Микроэкономика. 5-международное издание. —Санкт-Петербург, Питер, 2002. —605 с.

52. Рынок капитала Узбекистана: Вчера, сегодня и завтра / М.Ф.Ачилов, М.Г.Алиев и др.; под ред. М.Ф.Ачилова. — Ташкент, Молия, 2002. - 268 б.

53. Сажина М.А., Чибриков Г.Г. Основы экономической теории. —М.: Экономика-техлет, 1996. -358 с.

54. Сажина М.А., Чибриков Г.Г. Экономическая теория. Учебник для вузов. —М.: изд. группа Норм-Инфра, 1998. - 425 с.

55. Селищев А.С., Макроэкономика. Санкт-Петербург, 2002. -309 с.

56. Смит А. Исследование о природе и причинах богатство народов. —М.: Соц. Экон., 1962. —224 с.

57. Тарануха Ю.В., Земляков Д.Н. Микроэкономика. — М.: Дело и сервис, 2002. - 302 с.

58. Тожибоева Д.Иқтисодиёт назарияси: Иккинчи китоб. Олий ўқув юртлари талабалари учун қўлланма. М.Шарифхўжаев Илмий таҳрири остида. — Т.: Шарқ, 2003. -416 б.

59. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. — Тошкент, 2004, 8-том.

60. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М.Ш. Иқтисодиёт назарияси. — Тошкент, Меҳнат, 1995. —527 б.

61. Ҳамроев О.Ҳ Иқтисодий мувозанат ва уни таъминлаш механизмлари. — Тошкент, ТДИУ, 2004. -190 б.

62. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. – Тошкент, Молия, 2002. –416 б.

63. Экономическая теория. Под ред. проф. Белокрыловой О.С. –М.: Феникс, 2002. –325 с.

64. Экономическая теория. Учебник. Мочерный С.В., Некрасов В.Н., Овчинников В.Н., Секретарюк В.В. –М.: Приор, 2000. –289 с.

65. Эркаев Б.А. Каримов Г.И., Абулқосимов Ҳ.П. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш воситалари. – Тошкент, Шарқ, 1996. 64 б.

66. Dictionary of business and finance. Donald T. Clark and Bert A. Colliered. –P. 416.

67. Бударин В.А. Конкуренция-экономическая энциклопедия, -Политическая экономия. -Т.2. -М.: Советская энциклопедия, 1975. -748 с.

3. Диссертация ва диссертация автореферати

68. Алибекова С.Л. Формирование и факторы роста уровня жизни населения Узбекистана. Автореф. дис. ... канд. экон. наук. – Т.: 2003. – 24 с.

69. Маматов А.А. Шаклланаётган бозор муносабатлари тизимида ялпи ички маҳсулот (Ўзбекистон Республикаси мисолида). Иқт. фан. док. ... дис. – Тошкент, 2002. – 302 б.

70. Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитда корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари (хорижий инвестицияли корхоналар мисолида). Иқт. фан. док. ... дис. – Тошкент, 2003. –268 б.

71. Ҳамроев О.Ҳ. Иқтисодий мувозанатнинг назарий асослари ва уни таъминлаш механизмлари. Иқт. фан. док. ... дис. – Т.: 2004. –272 б.

72. Юлдашев Ш.К. Заработная плата в системы материального стимулирования труда в условиях формирования рыночных отношений. Автореф. дис. ... канд. экон. наук. – Т.: 2004. –24 с.

4. Журнал ва газеталардаги мақолаларга ҳаволалар

73. Абдурашидов Б. Социально рыночная экономика объединенной Германии. // Экономика и жизнь. -1991, - №4. -С. 25-36.

74. Акрамов Э. Турецкая модель социально-экономического развития // Экономика и статистика. -1993, -№4.-С. 32-37.

75. Абдуллаев Б. Бу навбатдаги дотация эмас. “Халқ сўзи”, -№48, 6 март 1998 йил.

76. Баренбони П. Банкротство-94: арбитражная практика требует изменения законодательства. //Российская юстиция. -1995, - №3. -С. 36-41.

77. Баутина Н. Опыт становления рыночных хозяйств (информация, размышления, комментарий). //Экономические науки. -1991, -№1. -С. 72-82.

78. Бузгалин А. Отечественная экономическая теория: от кризиса к новой парадигме? //Вопросы экономики. - 1993, -№1.-С. 102-120.

79. Васильчук М. “Дорогой человек” эпохи НТР. //Мировая экономика и международные отношения. -1991, - №11. -С.65-73.

80. Волков А. Финансовая статистика и перехода к рыночной экономике. //Вопросы экономики. -1991, -№4. -С.69-79.

81. Волинский Г. Предпосылки перехода к рыночной экономики. //Экономические науки. -1991, -№3. -С. 82-96.

82. Доронин И.Г. Международный финансовый кризис: причин и последствия. //Деньги и кредит. -1999, -№2, -С. 34-40.

83. Долженкова Л.Д. Влияние экономики США на положение в мировом хозяйстве. //Банковское дело. -2001, - №6. - С. 2-7. .

84. Портной М. Экономика США сегодня. //Экономист. -1992, -№3. - С. 118-126.

85. Саркисянц А.Г. Дефолт или государства не бывают банкротами. //Банковское дело. –2001, -№11. –С. 8-13.

86. Соколов В.В. Внешнеторговый дефицит и текущие тенденции в мировой экономике. //Банковское дело. –2001, -№10. – С. 17-22.

87. Фозибеков Д.Ф. Инвестиция нима? //Бозор, пул ва кредит. 1999, №9. –Б.43-45.

88. Фозибеков Д.?. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва лизинг. //Бозор, пул ва кредит.1999, №5. 50-54 бетлар.

89. Теневая экономика: причины существования, меры по сокращению. //Экономическое обозрение. –Ташкент, 2004, -№4. –С.12-19.

90. Ҳамроев О.Ҳ. Иқтисодий мувозанат ва унинг бузилиш сабаблари. //«Мулқдор» газетаси. 2002 йил 11 октябрь.

91. Ҳамроев О.Ҳ. Иқтисодий тараққиёт табиати. «Халқ сўзи» газетаси, 2003 йил 17 декабрь.

92. Ҳамроев О.Ҳ. Иқтисодиёт мутаносиблиги – халқ фаровонлиги гаровидир. «Ўзбекистон овози» газетаси, 2003 йил 25 февраль.

93. Ҳамроев О.Ҳ. Ташқи бошқарув: у нима дегани? «Халқ сўзи», 1999 йил 12 январ.

94. Ҳамроев О.Ҳ. Иқтисодий ислохотлар. //Хўжалик ва ҳуқуқ. –Тошкент, 2003, -№12. –Б.12-18.

5. Статистик тўплamlар ва манбаларга ҳаволалар

95. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. – Тошкент, 2001.

96. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. – Тошкент, 2002.

97. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. – Тошкент, 2003.

98. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. – Тошкент, 2004.

99. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. – Тошкент, 2005.

100. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. – Тошкент, 2006.

101. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил статистик ахборотномаси. – Тошкент, 2002.

102. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил статистик ахборотномаси. – Тошкент, 2003.

103. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил статистик ахборотномаси. – Тошкент, 2004.

104. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил статистик ахборотномаси. – Тошкент, 2005.

105. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил статистик ахборотномаси. – Тошкент, 2006.

106. Приватизация и развития класса собственников. Информационно-аналитического бюллетень за 2002 г. – Т.: 2003. - 76 с.

107. Приватизация и развития класса собственников. Информационно-аналитического бюллетень за 2003 г. – Т.: 2004. - 65 с.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
МУҚАДДИМА	5
1-БОБ. БОЗОР МУВОЗАНАТИ ВА УНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	7
1.1. Бозор мувозанати тушунчаси	7
1.2. Бозор мувозанатини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари ва унга таъсир этувчи омиллар	27
2- БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР МУВОЗАНАТИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ	48
2.1. Бозор мувозанатини таъминлашда талаб ва таклифнинг роли	48
2.2. Бозор мувозанатини таъминлашда нарх, рақобат ва фоиз ставкасининг ўрни	64
2.3. Ўзбекистонда бозор мувозанатини таъминлаш муаммолари ва ечимлари	78
3- БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА БОЗОР МУВОЗАНАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ	90
3.1. Мамлакатда юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш – бозор мувозанатини таъминлашнинг асосий йўли сифатида ..	90
3.2. Самарали бозор мувозанатини таъминлашнинг устувор йўналишлари ва уларни амалиётга татбиқ этиш масалалари	106
ХУЛОСА	119
АДАБИЁТЛАР	124

«ТАФАККУР BLYUS»
масъулияти чекланган жамияти
куйидаги матбаа хизматларини амалга
оширади:

Босмахона хизматлари:

- Журналлар, газеталар, китоблар, брошюралар ва бошқа босма маҳсулотларининг оригинал макетини тайёрлаш ҳамда чоп этиш;
- Ташқи ва ички рекламалар;
- Таклифномалар, визиткалар, конвертлар, плакатлар, этикеткалар, календарлар, буклетлар;
- Канцелярия маҳсулотлари (дафтарлар, бланкалар, иш қоғозлари).

Матбаа хизматлари:

- Муҳаррирлик, матн териш, таржимонлик ва мусахҳиҳлик ишлари.

Мултимедиа хизматлари:

- Компютерда саҳифалаш ва дизайн ишлари;
- Электрон дарсликлар;
- Қўлёзма ва китобларнинг электрон вариантларини тайёрлаш.

Маълумот учун телефонлар:

(+99871) 235-75-84

(+99897) 440-37-16

E-mail: maktub@tafakkur.uz

Веб-сайт: www.tafakkur.uz

Муҳаррир Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ
Мусаввир Лобар СОЛИХОВА
Техник муҳаррир Давронбек ТОЖИАЛИЕВ
Мусаҳҳиҳ Олмос МУХТОРОВ
Саҳифаловчи Фируза РАҲИМОВА

Босишга 10.12.2008 йилда рухсат этилди.
Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 8,5 б.т. Адади 100.
Буюртма № . Нархи келишилган ҳолда.

“Ниҳол” нашриёти.
Манзил: 700152, Тошкент, Чилонзор, 22-даҳа,
Баҳром Иноятов кўчаси 20а-уй. Тел. 274-23-15.

Оригинал макет “Tafakkur Plus” МЧЖ
компьютер марказида тайёрланди.
Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани
Ғ. Мавлонов кўчаси 1а-уй.



МАҲМУД АБДУРАҲМОНОВИЧ ГАДАЙШАЕВ
1973 йил Сурхондарё вилояти Шўрчи (ҳозирги
Олтинсой) туманида тугилган. 1990 йил Олтинсой
туманидаги Муқимий номи 31-ўрта мактабни
тугатган. 1995 йил Тоҷикистон Аграр
университетининг Иқтисодиёт факультетини
тугатган. 2007 йил номзодлик диссертациясини
ҳимоя қилган. Шу вақтга қадар 3 та ўқув қўлланма
45 га яқин мақолалари илмий ва оммавий нашрларда
чоп этилган.

Ҳозирги вақтда Термиз давлат
университетининг Иқтисодиёт назарияси ва
макроеқтисодиёт кафедраси мудири лавозимида
ишламоқда.